

## IX 9 Белгилар

Нима учун  
Муқаддас Китобга  
ишониш керак?

Грег Гилберт

# Нима учун Муқаддас Китобга ишониш керак?

Муаллиф: Грег Гилберт [Greg Gilbert]

“Бугун масиҳийлар Худонинг Каломи ҳақиқат эканини ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ билиши керак. Масиҳга ишонган ва ишонмаган одамлар учун мўлжалланган мазкур китобда Грег Гилберт Муқаддас Китобнинг ҳақиқийлиги ҳақидаги ишончли далилларни келтирган ҳолда, имонлиларнинг шубҳаланувчи одамлар билан мулоқот қилишига ёрдам беради.”

**Жош МакДауэлл,**

*ёзувчи ва воиз*

“Бу китоб бугунги кунда жуда муҳим ҳисобланади. Одамлар Муқаддас Китобни очишдан олдин унинг ҳақиқийлиги ҳақида турли ва мантиқий саволлар беришади. Гилбертнинг “Нима учун Муқаддас Китобга ишониш керак?” деб номланган китоби бу саволларга жавоб бериб, одамлар бу энг улуғ бўлган китобга, яъни Муқаддас Китобга эътибор бермаслигининг сабаби маълум даражадаги бир қатор қийинчиликлар борлигини кўрсатган. Гилберт нима учун Муқаддас Китобда ёзилган сўзларга қулоқ солиш кераклигини оддий қилиб тушунтиради.”

**Даррел Л. Бок,**

Ховард Ж. Хендрикс марказида  
маданиятлараро ҳамкорлик бўйича ижрочи раҳбар,

Даллас илоҳиётшунослик семинариясида

Янги Аҳдни ўрганиш бўйича профессор

“Ҳақиқатдан ҳам Муқаддас Китобга ишониш мумкинми? Шубҳа қилувчи замонавий одамлар учун бу муҳим савол. Грег Гилберт китобхонни Муқаддас Китобни ўқишга ундаган ҳолда мазкур саволга аниқ ва ишончли жавоб берган. Унинг китоби

масиҳийлар Муқаддас Китобга оид ҳақиқатларни ҳимоя қилишига, шубҳа қилувчиларни эса ўз нуқтаи назарини кўриб чиқишига ёрдам беради. Бу китобни ўқиш менга катта фойда келтирди.”

**Кристиан Вегарт,**

“Ковчег” жамоатининг катта чўпони,  
Ҳамбург, Германия

“Мазкур ажойиб китобда таассуротли омиллар ва Муқаддас Китобнинг тарихий эканлиги келтирилган. Китобда тасдиқ, лўндалик, батафсиллик, ўқишга осонлик ва қатъийлик бор. Мен нафақат уни тавсия қиламан, балки кўплаб дўстларим – имонлилар ва шубҳа қилувчи одамлар орасида тарқатаман.”

**Уильям Тейлор,**

Муқаддас Ҳэлена жамоати бош руҳонийси,  
Бишопсгейт, Лондон

“Муқаддас Китобга ишониш кераклигини биладиган, аммо нима учун ишониш кераклигини билмайдиган кўп талабаларни учратганман. Шунинг учун улар Муқаддас Китобга кўпинча ишонмайди. Мазкур китобда шунга ўхшаш саволларга жавоблар аниқ ва оддий тарзда берилган. Китоб тушунарли тарзда ёзилгани сабаб, имонли ва ҳақиқатни чин дилдан қидираётганларга юборишим учун сеvimли манбаларим рўйхатини тўлдиришга ёрдам бермоқда.”

**Ж. Д. Гриер,**

“Вершина” жамоатининг бош чўпони,  
Дарем, Шимолий Каролина

“Грег Гилберт меҳнати туфайли фойдали ва ишончли китоб пайдо бўлиб, бу китоб Муқаддас Китобга нисбатан ишончни мустаҳкамлашда ёрдам беради. Муаллиф тарихий ҳужжат сифатида Муқаддас Китобнинг ишончли эканини жуда кўп мураккаб далиллар билан умумий тарзда бирлаштирган. Муқаддас Китобни ўрганувчи ва мазкур китоб ҳақида ваъз қилишга интилаётганлар учун бу китоб катта ёрдам бўлади. У нафақат Муқаддас Китобнинг ғоясини очиб беради, балки тирилган Масиҳ билан ҳам таништиради.”

**Катлин Нильсон,**

Аёллар ташаббусидаги Хушxabар Коалицияси раҳбари

Нима учун  
Муқаддас Китобга  
ишониш керак?



Нима учун  
Муқаддас Китобга  
ишониш керак?

**Грег Гилберт**

CROSSWAY  
Wheaton, Illinois

*Нима учун Муқаддас Китобга ишониш керак?*

*Грег Гилберт томонидан*

Муаллифлик ҳуқуқи © 2024 йил

Марварид Хизматлари

*Why Trust the Bible?*

Copyright © 2015 by Gregory D. Gilbert

Crossway, 1300 Кресент кўчаси, Уитон шаҳри, Иллинойс штати 60187 да чоп этилган.

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Бу нашрнинг бирор қисми қайта чиқарилиши, қидириш тизимида сақланиши ёки бошқа шаклда, бошқа йўл билан, электрон, механик, фотонусха, кўчириб олиш ёки бошқа усул билан нашриётни олдиндан огоҳлантирмай етказилиши мумкин эмас. АҚШнинг муаллифлик ҳуқуқида кўзда тутилган қонунлари бундан мустаснодир. Crossway АҚШда рўйхатдан ўтган савдо белгиси ҳисобланади.

Originally published in English by Crossway with all International rights owned by Crossway and 9Marks.

This edition published by arrangement with 9Marks.

All rights reserved.

First printing 2015

АҚШда чоп этилган

Муқаддас Битиклардан парчалар 2023 Муқаддас Ёзувнинг Сўзма-Сўз Таржимасидан [МЁ] олинган.

Рухсат билан ишлатилади. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.

Муқаддас Битиклардан олинган парчалардаги таъкидлар муаллиф томонидан киритилган.

9Marks ISBN: 979-8-89218-128-0

Онам ва отамга  
Муқаддас Китобга  
ва мазкур китобда ёзилган Нажоткорга  
ишониш кераклигини  
биринчи бўлиб ўргатгансизлар.



# МУНДАРИЖА

1 – Барча ўқиган нарсаларга ҳам ишониб бўлмайди .....	12
2 – Таржимадаги қийинчиликлар ҳақида.....	29
3 – Нусхадан қайта ёзилган нусха нусхами?.....	42
4 – Биз ўша китобларни ўқияпмизми? .....	59
5 – Сизга ишонсам бўладими? .....	77
6 – Бу аслида ҳам бўлганми?.....	102
7 – Ўликлар ичидан тирилганнинг сўзига ишонинг.....	123
Хотима: Кейинги савол .....	141
Илова: Қўшимча изланишлар учун манбалар.....	143
Муқаддас Китобга иқтибослар .....	148

# 1

## БАРЧА ҰҚИГАН НАРСАЛАРГА ҲАМ ИШОНИБ БЎЛМАЙДИ

**Б**арча ўқиган нарсаларга ишониб бўлмайди. Буни ҳамма билади. Айниқса ҳозир интернет даврида фақат адашган одам ўқиган барча нарсасини ҳақиқат деб қабул қилиши мумкин. Гап рўзнама ва журнал ҳақида, ёки табло ва қизиқарли сарлавҳа остидаги “янгиликлар” онлайн хизмати ҳақида бўлишига қарамай, эга бўлишимиз керак бўлган энг қадрли нарса – бу чин нарсани уйдирмадан, ҳақиқатни сохталикдан фарқлашдир. Биз аҳмоқ бўлишни хоҳламаймиз ва *тўғри қиламиз*.

Мен рафиқам билан биргаликда болаларга айнан шуни – диққат билан ўқиш ва эшитиш, ҳамда барчасини тўғри деб қабул қилмасликни ўргатишга ҳаракат қиламиз. Уларга маълумотни танқидий равишда тушунишга ва бу маълумотни тўғри ёки нотўғри эканлиги ҳақида ўйлашни уқтирамиз. Ҳатто беш ёшли қизимизга ҳам ҳақиқат ва “шунчаки ҳикоялар”нинг фарқига боришни ўргатамиз. Қизиғи, қизимиз буни уддасидан чиқаяпти:

- Жорж Вашингтон АҚШ нинг биринчи президенти бўлган.  
– “Бу ҳақиқат, дада.”
- Мэтт амаки янги иш топиб, бошқа шаҳарга кўчиб кетди. –  
“Бу ҳам ҳақиқат.”
- Бэтмен Жокернинг ортидан қувиб, уни қамоққа қамаб қўйди.  
– “Йўқ, бу шунчаки ҳикоя.”

- Элаз ўзининг музлатиш қобилияти орқали музли қаср қурди.  
– “Шунчаки ҳикоя.”
- Супермен учишни билади. – “Ҳикоя.”
- “Бир неча йил олдин, узоқ-узоқ галактикада . . .” – “Ҳикоя!”

Кейин қизимга кейинги вазифани айтаман. Икки минг йил олдин бокира қиз Марям Исо исми чақалоқни дунёга келтирди. Исо улғайгач ўзини Худо деб атади. У кўп мўъжизалар қилган: сув устида юрган, ўликларни тирилтирган. Уни хочга михлашди, лекин У тирилди ва осмонга кўтарилди, энди У дунёни Шоҳ сифатида бошқаряпти.

Бунга қизим қандай жавоб беради? “Бу ҳақиқат . . .”

Агар сиз ҳам масиҳий бўлсангиз, унда “бу ҳақиқат” – деб жавоб беришингизга умуман шубҳа йўқ. Лекин ўзимиз диёнатли бўлишимиз керак. Кўринишидан муваффақиятли одамларнинг бу воқеага жиддий муносабатда бўлиши бошқаларга ғалати туюлади. Имкон бўлганда, кўплар жилмайиб қуйидаги сўзларни айтган бўлар эди: “Қулоқ солинг, Исо ҳақидаги хаёлий ҳикояни барча фақат ҳикоя деб ҳисобласа оқилона бўлмас эдими? Уларни жиддий қабул қилиб, *ҳақиқат* деб ҳисоблаш нодонлик, шундай эмасми?”

Менинг масиҳийлик ва чўпонлик тажрибам мени руҳлантиради, чунки мен масиҳийлар Муқаддас Китобга тебранмай ишонаётганларини кўряпман. Улар унга ишонишади, ҳаётини унга ишониб топширишган ва унинг амрларига риоя қилишга ҳаракат қилишади. Муқаддас Китобда уларнинг эътиқодига ёки ҳаёт тарзига мос келмаган нарса айтилганда улар ўзгаришга ҳаракат қилишади. Битта сўз билан, бу одамларнинг тўлиқ розилиги билан Муқаддас Китоб уларнинг ҳаётининг ва имонининг асосига айланади. Бироқ менинг тажрибам бошқа нарсага ҳам ишора қилмоқда: кўплаб

масиҳийлар *нима сабабдан* Муқаддас Китобга тўлиқ ишонишларини тушунтириб бера олмайдилар.

Албатта, уларда бунинг сабаби бор. Улар Муқаддас Китобнинг ишончилигига уларни Муқаддас Руҳ ишонтирди деб айтишади. Бошқалар эса Муқаддас Китобнинг ҳақиқийлигининг шаҳодати – унинг уларнинг ҳаётига ўтказган таъсири деб айтишади. Кимдир эса ҳаттоки Муқаддас Китоб шунчаки ҳақиқатга ўхшаб эшитилади дейди. Баъзилар Муқаддас Китобнинг баёнотларини тасдиқлайдиган археологик маълумотларини келтирадилар. Яна шундайлар борки, агар улардан қатъият билан бу саволга жавоб беришини сўрасангиз, улар қўлларини икки ёнга чўзиб: “Ҳамма нарсани шунчаки имон билан қабул қилиш керак” дейди.

Маълум бир меъёردа бу барча нуқтаи назарларни масиҳийлар учун ўринли деса бўлади. Лекин бир нарса аниқ: буларнинг биттаси ҳам Муқаддас Китобга *ишонмаган* одамни унга *ишонишга* кўндирмайди. Ҳойнаҳой акси бўлади: Муқаддас Китоб борасида ўз шубҳасини билдирган одамга масиҳий “уни имон билан қабул қилиш керак” деб жавоб берса у ўз шубҳаларининг тасдиғига эришиши турган гап. “*Ҳа ана, мен ана шу нарса ҳақида айтаяпманда. Муқаддас Китобга ишониш учун ҳеч қандай сабаб йўқ. Фақат битта сабаб бор – имон*” дейди у.

Агар масиҳий бўлсангиз, сизга саволим бор: нима учун Муқаддас Китобга ишонасиз? Муқаддас Китобга ишонмайдиганларга бунини қандай тушунтирасиз? Китобни охиригача ўқигандан кейин бу саволга жавоб бера оласиз деб умид қиламан. Бу жавоб нафақат сизни қониқтириши, балки сизнинг суҳбатдошингизнинг фикрига ҳам таъсир қилиб уни ўйлантириши керак.

Ҳаворий Петрус 1-Петрус 3:15да биз масиҳийлар нимага ишонишимиз ҳақида “жавоб беришга доимо тайёр бўлиш”имиз

ҳақида ёзади. Бизнинг замонимизда бу бошқа қолган саволларнинг негизи бўлган саволга тўлиқ жавоб беришни англатади. Ахир *Исонинг кимлиги?* ва *Хушxabар нима?* экани ҳақидаги мулоҳаза юришингиздан аввал, кўпларни бошқа савол қизиқтиради: биз нима учун Муқаддас Китобда ёзилган сўзларга ишонамиз?

## **ЯНГИ ЯНА ЯНГИ ТОШБАҚАЛАР**

Давом эттиришдан олдин бир нарсани айтиб ўтишим керак, гарчи бу сизни умуман ҳайратлантирмайди деб ўйлайман. Мен – суяк-суягигача сингиб кетган масиҳийман. Масиҳийлар кимлиги ва уларни қандай аниқлаш мумкинлигини эҳтимол онангиз сизга тушунтиргандир? Мана, мен худди шундай одамлардан бириман. Муқаддас Китобда ёзилган сўзлар ҳақиқат эканига, Қизил денгиздаги сув бўлинганига, Ерихо деворлари қулаганига, Исонинг сув устида юриб, касалларга шифо берганига ва одамлардан ёвуз руҳларни қувиб чиқарганига ишонаман. Худо ер юзига тўфон юбориб, Нуҳни қутқарганига ишонаман. Йонаҳни улкан балиқ ютиб юборганига, Исони бўлса бокира қиз дунёга келтирганига ҳам ишонаман. Энг асосийси, Исонинг жисмонан ўлганига, сўнг ўликлар ичидан тирилганига ишонаман. Бу тарихий далил бўлиб, *аслида ҳам* шундай бўлган. Мен бунга ишонаман.

Умуман олганда, яширадиган нарса йўқ: Муқаддас Китобни ҳақиқий эканига ишонишимнинг асосий сабаби, Исонинг ўликлар ичидан тирилганига бўлган ишончимдир. Тирилиш масаласида мен билан рози бўласизми ёки йўқми билмадим, аммо нима учун яқин орада Муқаддас Китобга қатъий равишда ишонганимни тушунтириб бериш мушкул эмас. Агар Исо ўликлар ичидан тирилган бўлса, демак бунга ягона мантиқий хулоса У ҳақиқатдан ҳам худди ўшанинг Ўзидир.

Агар Исо Муқаддас Китобда ёзилганидек тирилган бўлса, унда У Ўзи айтганидек ҳақиқатдан ҳам Худонинг Ўғли, Шоҳларнинг Шоҳи, Хукмдорлар Хукмдори, У Ўл, Ҳақиқат, Ҳаёт ва Худонинг Донолиги. Бунинг барчаси ҳақиқат бўлса (шундай эмасми?), унда У нима ҳақида гапиришни билади. Демак, биз Исога қулоқ солишимиз керак.

Шундай қилиб, Исонинг Муқаддас Китобга ишонганига менда ҳеч қандай шубҳа йўқ. Эски Аҳдда ҳам буни аниқ кўриш мумкин. Исо гапирган ваъзларида Муқаддас Китобни Худонинг Сўзи эканини бир неча бор такрорлаб, унинг ҳақиқийлигини тасдиқлаган. Янги Аҳдга келсак, у Исонинг ердаги ҳаётидан бир неча йиллар кейин ёзилганига қарамай, у бутунлай Исонинг ҳокимиятига таянган ва биринчи масиҳийлар буни тушунган. Бундан ташқари, Муқаддас Китобнинг ҳокимиятини тан олиш учун икки асосий мезонга амал қилишган: 1) ёзилган китобни Исонинг ҳаворийларидан бири тасдиқлаган; 2) ёзилган китоб Исонинг таълимотига тўлиқ мос келиши керак бўлган. Биз бу ҳақда ҳали яна гаплашамиз лекин моҳиятини тушундириб деб ўйлайман. Исонинг ҳақиқатдан ҳам тирилганини тан олсангиз, ҳар қандай иккиланишсиз Муқаддас Китобнинг ҳақиқий ва ишончли эканига амин бўласиз.

Эҳтимол, мен жуда шошилиб, хулоса қилишингиз учун туртки бўлаётгандирман, лекин шунга қарамай сўрамоқчиман: бунинг барчаси нимадан бошланган? Исо ўликлар ичидан тирилганига бўлган ишончга қандай келгансиз? Исонинг тирилгани ҳақида Муқаддас Китобда ёзилгани учун ишонаман, Муқаддас Китобга бўлса, Исо ўликлар ичидан тирилгани учун ишонаман, Исонинг тирилгани ҳақида Муқаддас Китобда ёзилгани учун ишонаман, Муқаддас Китобга . . . деб шунчаки айта олмайсиз. Бу ёпиқ тарздаги умидсиз ва тутуриқсиз фикрлаш доирасидир. Бу менга бир бола ҳақидаги ҳикояни эслатади, ўқитувчи боладан нимага ер қуламайди, – деб сўрабди.

— Чунки ерни тошбақа ушлаб туради, – деб жавоб берибди бола.

— Нимага тошбақа қуламайди? – деб сўрабди ўқитувчи.

— Чунки уни бошқа тошбақа ушлаб туради, – деб бола фикрини давом эттирди.

— Бу тошбақа нимага қуламайди? – дея ўқитувчи саволни давом эттирди.

— Бола фикрлаб, савол беришни давом эттирадиган бўлсангиз, янги ва яна янги тошбақалар пайдо бўлиши тушунарли-ку, деб жавоб берибди!

Барчамиз ўзимиз учун худди шундай тошбақаларни ўйлаб топиб, буни энг нуфузли билим манбаи деб ҳисоблашимизни тан олишимиз керак. Бу фақат масиҳийларга эмас балки барчага тааллуқли. Ҳаётга ақл кўзи билан қаровчи одамдан, нимага ақлига суянишини сўрасангиз, у “чунки бу оқилона”, – деб жавоб беради. Мантиқий одамдан, нимага мантиққа суянишини сўрасангиз, у “чунки бу мантиқий”, – деб жавоб беради. Аънанавийликка риоя қиладиган одамдан, нимага аънага суянишини сўрасангиз, у “барча одамлар ҳар доим аънага суянган”, – деб айтади. Асосий савол жавобсиз қоляпти: нимага одамлар ақл, мантиқ ёки аънага суянади? Тўғри, ақлни руҳий тушунчадан ишончли деб ҳисоблаш мумкин, сабаби у кўриш ва тегиниш мумкин бўлган далилларга таянади. Бироқ, мазкур далиллар ҳам тахминларга асосланиб, айримларини маъқуллаб, бошқаларини эса маъқуллаш олмаймиз. Қандай бўлишидан қатъий назар, барчада ҳамма нарса янги ва яна янги тошбақалар билан бошланаётганини кўриш мумкин. Ўйлайманки, Худо бу билан бизнинг чекланганлигимизни кўрсатяпти: инсоний борлигимиз барча нарсаларни тушуна олмаслигимизни эслатиб туради.

Бироқ мазкур нарсани билиш учун ҳар қандай умидни четга суриб қўйиш керак дегани эмас. Ҳатто фалсафий, эпистемологик

(билим ҳақидаги фан) маънода фикрлаш тўғри бўлса ҳам, бу мавжуд нарсалар ҳақида ишончли хулоса қила олмаймиз дегани эмас. Албатта, баъзи жуда тиришқоқ файласуфлар қўлларини тушириб қуйидаги сўзларни айтади: “Бўлди, етар! Ҳеч нарсани билолмаймиз!” Аммо бундай фикрлаш усули бирон нарсани билиш жараёнига таҳдид солади (биз ҳеч кимни ва ҳеч нарсани билолмаймиз) ва бу жараёни жуда кам одам жозибатор ва муқаррар деб ҳисоблайди. Шунинг учун кўпчилик ҳақиқат деб ҳисоблаган бир нечта дастлабки шартлардан ҳаракатини бошлайди. Мисол учун, ақл ақлга, мантиқ мантиққа, туйғуларимиз ишончга, дунё ва ўзимиз чиндан ҳам бор эканига ишонамиз. Бундан кейин, дастлабки шартларга амал қилган ҳолда, ишонч билан ўзимиз билан бўлиб ўтган воқеа, бизни ўраб турган дунё ва бошқа нарсалар ҳақида хулоса чиқаришга ҳаракат қиламиз.

Аммо хулоса қилишга шошилманг. Дастлабки шартларни бажариш, барча нарсани тахмин қилиш дегани эмас. Мисол учун, сиз бирон-бир давлатнинг президенти эканлигини тахмин қилиб, шу ишонч билан яшай олмайсиз. Худди шундай сиз ишонган нарсалар маълум сабаб билан ҳақиқат бўлса, ўзингизни худоман деб тахмин қилолмайсиз. Бу тахминлар асоссиз бўлгани учун кимдир устингиздан кулиши ва ҳатто сизни бир хонага қулфлаб қўйиши ҳам мумкин! Гап шундаки: кўп одамлар Муқаддас Китоб ҳақида гапирганда, масиҳийлар ўзини айнан шундай тутати деб ўйлайди. Худдики биз Муқаддас Китоб – Худонинг Каломи, ундаги барча ёзилган сўзлар ҳақиқат ва Исонинг ўликлар ичидан тирилгани рост деб бирон-бир асоссиз айтаёгандекмиз.

Агар биз масиҳийларни айблашаётган нарсалар улар айтгандек даражада ваҳимали бўлмасачи? *Муқаддас Китоб*

– бу Худонинг Сўзи деб шунчаки тахмин қилиш эмас, балки Исо чиндан ҳам ўликлардан тирилди деган тўғри ва ишончли хулосага келишнинг услуби бўлсачи? Иложи бўлганда доира ичидаги сабабсиз юришдан озод бўлган бўлар эдик. Муқаддас Китоб – Худонинг Сўзи деган хулосага келишдан олдин, Исо ҳақиқатдан ҳам ўликлар ичидан тирилган деган фикрга келдик. Кейин шунга асосланган ҳолда биз ҳам Исонинг ортидан эргашиб, Муқаддас Китобни Худонинг Сўзи сифатида қабул қилган бўлардик. Шунда Муқаддас Китобнинг ҳақиқийлигига бўлган ишончимиз фақат кўр имонга таянмаган бўлар эди. Бундай ишончни шубҳаланувчи одамларнинг ҳужумидан ҳимоя қилиш мумкин; унинг ёрдами билан шубҳаланувчи одамларнинг ишончсизлигини силкитиб юборса бўлади. Ҳаворий Петрус шундай сўзларни ёзган: “Юракларингизда Раббий Худойингизни муқаддас тутинглар. Сизларнинг умидингиз ҳақида сизлардан ҳисобот талаб қиладиган ҳар бир кишига мулойимлик ва эҳтиром билан жавоб беришга доимо тайёр бўлинглар” (1-Петрус 3:15). Саволи бор барча одамларга бизда ажойиб жавоб бор.

## **МАСИҲИЙЛИК ХУДДИ ТАРИХИЙ ВОҚЕАГА ЎХШАЙДИ**

Гап шундаки, бу хулосага келишнинг иложи борми? Ўйлайманки, иложи бор: бу учун *тарихга назар* солиш керак. Келинг, Янги Аҳд таркиб топган ҳужжатларга, Худонинг Каломи сифатида эмас, балки тарихий ҳужжат сифатида қараб кўрамиз. Сўнг бунга асосланган ҳолда, Исо ҳақиқатдан ҳам ўликлар ичидан тирилганига ишонишни хулоса қилишимиз мумкин. Бунга ҳатто ўзини масиҳий деб ҳисобламаган одам ҳам эътироз билдирмаслиги керак. Янги Аҳдга тарихий ҳужжатлар тўплами сифатида мурожаат қилишдан

олдин, махсус аризаларни топшириш, махсус даражага эга бўлиш ёки ҳақиқатга қандайдир даъво қилиш шарт эмас. Мазкур ҳужжатлар “тарихий фикр ҳукми” олдидан ўзи учун ўзи гапириши керак.

Шу билан бирга, Янги Аҳдга тарихий ҳужжатлар тўплами сифатида қараш, масиҳийлар орасида ҳам эътирозга сабаб бўлмаслиги керак. Ахир бундай қилиш у билан *бошқача* муносабатда бўлиш дегани эмас. Янги Аҳддаги ҳужжатлар ўз-ўзидан тарихийликни талаб қилиб, унинг муаллифлари ҳам тарихий жараёнга риоя этишга ҳаракат қилган. Мисол тариқасида хушхабарчи Луқони олайлик. У китобхон учун ўз Хушхабарини Исонинг ҳаёти ва таълимоти билан боғлиқ бўлган барча нарсани “тартиб билан” бошлаганини кўрамиз (Луқо 1:3). Луқо ёзган нарсалар ҳақида нима ўйлашингиздан қатъий назар, у ерда тарихий воқеалар баён этилгани шубҳасиз. Албатта, ҳозирги даврдаги тарихий воқеаларни ёзиш усули қадимги даврдан фарқ қилади. Лекин мақсад бир бўлган: муаллифлар ўзининг фикри билан чиндан ҳам бўлган ҳодисани тасвирлаган. Шундай қилиб, Луқо ва бошқа муаллифлар айнан шу иш билан шуғуллангани учун, Янги Аҳддаги ҳодисаларни ўқиш жуда ўринли бўлиб, аслида бу ҳодисалар айнан шу учун ёзилган.

Масиҳийлик бошқа динларга нисбатан кўпроқ *тарихий* воқеаларни ўз ичига олади. Бу шунчаки ахлоқий насиҳат, фалсафий фикрлар тўплами ёки сирли ҳақиқат ва ҳатто афсона ҳам эмас. Масиҳийлик – аввало моҳиятига кўра мислсиз ва аниқ, қачонлардир ҳақиқатдан бўлган *тарихий воқеани* ўз ичига олади.

## **ИШОНЧЛИЛИК ЗАНЖИРИ**

Ҳатто шундай бўлган тақдирда ҳам, яна бир савол туғилади: Янги Аҳдга оид ҳужжатларни ва биз тадқиқот қилмоқчи бўлган

тўрт Хушхабарни ҳақиқатдан ҳам *тарихий далил* деб ҳисоблаш мумкинми? Китобнинг катта қисмини мана шу саволга қаратамиз. Янги Аҳдда Исонинг ҳаёти ва Унинг тирилгани ҳақидаги маълумотлар ишончли эканига амин бўлишимиз мумкинми? “Ҳа, бу ҳақиқатдан содир бўлганига ишончим комил”, – деб айта оламизми? Мен, Янги Аҳдга оид ҳужжатларга *ишонишимиз мумкин* деб ҳисоблайман. Аммо бундай хулосага келиш учун маълум иш талаб қилинади, чунки ҳар қандай тарихий ҳужжатнинг ишончли эканини билиш учун кўплаб саволлар билан мурожаат қилишимиз керак.

Нима ҳақида гапираётганимни тушунмоқчи бўлсангиз, фикрларимни диққат билан кузатинг. Мисол учун, Исонинг ҳаётидаги маълум бир воқеани Матто Хушхабарда ўқиганингизда, бунини ёзиш учун камида уч киши қатнашганини кўришингиз мумкин. Албатта, бу бизга қандай кўринишда етиб келганига таъсир қилган. Биринчидан, мазкур ҳикоя муаллиф номидан амалга оширилган. Иккинчидан, бу қўлёзмани энг камида битта одам нусха қилиб кўчириб ёзган, ҳойнаҳой бир неча марта кўчириб ёзилган ҳам бўлиши мумкин ва асрлар ўтиб бу бизгача етиб келди. Учинчидан, кимдир (эҳтимол, бутун жамоа) қўлёзма нусхасини асл тилдан сизнинг она тилингизга таржима қилгани учун, уни ўқиш имконига эгасиз. Мазкур жараённинг ҳар бир босқичида саволлар туғилиб, ёзилган сўзларга чиндан ҳам ишонса бўладими ва ўша пайтда аслида содир бўлган воқеаларнинг аниқ ва тўғри суратини олиш мумкинми деган шубҳалар уйғотади. Ортга, ҳозирги даврдан воқеа тасвирланган, ўтган даврга назар солинса, муҳим аҳамиятга эга бешта саволдан иборат бўлган занжир ҳосил бўлади:

1. Муқаддас Китоб асл нусхадан бизнинг она тилимизга мос тарзда *таржима қилинган* деб ишонсак бўладими? Ёки таржимада асл нусхада бўлмаган нарсалар борми?
2. Нусха кўчирувчилар қўлёзмани асл нусхасини аниқ тарзда *етказиб* берганига ишонсак бўладими? Ёки улар матнни кўчираётганда, (атайин) ниманидир қўшгани, олиб ташлагани ёки алмаштиргани учун энди биз ўқиётган нарсалар бутунлай асл нусхадан фарқ қиладими?
3. Биз ўқиётган китоблар айнан шу эканига ишончимиз комилми? Эҳтимол, Исога бўлган бошқа, лекин ишончли нигоҳни қўлдан бой бераётгандирми? Бошқача қилиб айтганда, бошқа китоблар эмас, балки *айнан шу китоблар* тўғри эканига амин бўлишимиз мумкинми?
4. Қўлда ёзилган асл нусхаларнинг муаллифлари *ишончли* эканини биламизми? Улар бизга бўлиб ўтган воқеани аниқ тарзда баён қилишни истаганми? Уларда бошқа мақсад, масалан, санъат асарини ёзиш ёки китобхонни чалғитиш мақсади бўлмаганми?
5. Муаллифлар бўлиб ўтган воқеаларни аниқ тарзда ифода этаётганига ишонадиган бўлсак, унда улар томонидан ёзилган сўзлар ҳақиқатдан ҳам бўлганига ишонса бўладими? Улар томонидан ёзилган сўзларнинг барчасини *тўғри* деб айта оламизми? Ёки улар хато қилмаганини тасдиқлайдиган бошқа жиддий асослар борми?

Агар таржима, нусха кўчириш, китобларни тўғри танлаш, ишончли ва ҳақиқий эканлиги билан боғлиқ саволларга ишонч билан “Ҳа!”, – деб жавоб берсак, унда муҳокама қилинган воқеадан

бугунги кунга қадар ишончилилик занжирига эга бўлиб, ишонч билан қуйидаги сўзларни айтамыз:

1. Бизда Муқаддас Китоб қўлёзмаларининг яхши таржималари мавжуд.
2. Мазкур қўлёзмалар – дастлабки асл қўлёзманинг аниқ нусхаларидир.
3. Муқаддас Китобга киритилган китоблар, ўрганиш учун ҳақиқий ва энг аъло китоблар ҳисобланади.
4. Мазкур китобнинг муаллифлари чиндан ҳам содир бўлган воқеаларни айтишга ҳаракат қилган.
5. Улар кўрган ва ёзган нарсаларини *нотўғри* деб ҳисоблашга ҳеч қандай сабаб йўқ.<sup>1</sup>

Сиз бунга қандай муносабатда бўлишингиздан қатъий назар, мазкур тасдиқ Муқаддас Китобни тарихий ва ишончли деб ҳисоблашимиз учун етарлича асос бўла олади. Агар шундай ҳисобласак, унда Исонинг тирилиши ҳақидаги Муқаддас Китобда ёзилган ҳикояни ўқиб, қуйидаги сўзларни айтишимиз мумкин: “Ҳа, бу воқеа чиндан ҳам бўлганига ишонаман. Бошқа бўлиб ўтган тарихий воқеа сингари, Исонинг ўликлар ичидан тирилганига ишонаман.”

## **БИР НЕЧТА МУҲИМ ИЗОҲЛАР**

Мазкур турдаги тарихий асосни қабул қилишдан олдин, учта изоҳ ҳақида фикрлаш жуда муҳим. Биринчидан, *математика*

---

1. Ушбу фикрлаш занжири ҳақида биринчи марта Вашингтондаги Капитолий Тепалигидаги Баптист жамоатининг чўпони Марк Девердан эшитганман. Бошқа ёзувчилар ҳам тахминан шундай усулдан фойдаланади.

*даражасидаги* аниқликка интизмаслигимизни ёдда тутинг. Бундай мантиқий яхлит аниқлик фақат математика ва табиий фанларга хос бўлиб, тарихий масалаларда умуман ёрдам бера олмайди. Кимдир тарихий воқеаларга ўхшаш воқеаларни ўйлаб топиши ва бу озгина бўлса ҳам ҳақиқатга яқин бўлиши мумкин. Масалан, Қайсар ҳеч қачон Рубикондан ўтмаган, – деб айтишади. “Эҳтимол, ҳарбий раҳбарлардан бири Қайсарнинг *кийимини кийиб*, барчани аҳмоқ қилгандир. Бундай тахмин қилишга асос бўлмаса-да, воқеа айнан шундай бўлгани *эҳтимолдан ҳоли эмас*. Демак, Қайсар Рубикондан ўтганини ишонч билан айта олмаймиз.” Наҳотки! Бундай эътирозлар тарихий ҳулосаларга тўсқинлик қилганида, ўтмишда бўлган воқеаларнинг ҳеч *бирига* ишонмаган бўлар эдик.

Яхшиям, математик даражадаги аниқликка муҳтож эмасмиз. Бизга *тарихий тўғри маълумот* керак. “Қайсар Рубикондан ўтганини математикадаги аниқлик ва мантиқий ишонч билан тасдиқлаймиз!”, – деб эълон қилмаймиз. Бунинг ўрнига: “Баъзилар Қайсар Рубикондан ўтган, – деб ҳисоблайди дейиш мумкин. Улар ёлғон ишлатмай, афсона тўқимасликни ва аслида нима бўлгани ҳақида хабар бермоқчи бўлган деб ўйлаймиз. Улардаги маълумотлар нотўғри деб ўйлашимиз учун бизда ҳеч қандай асос йўқ. Шунинг учун тарихий нуқтаи назардан Қайсар ростдан ҳам Рубикондан ўтганига амин бўлишимиз мумкин.” Тарихдан биз айнан шундай “аниқликни” кутаемиз. Кўпроқ нарсани билиш тарихдан у бера олмайдиган нарсани талаб қилишни билдиради.

Иккинчидан, *тарихий тасдиқ ҳаракат* учун етарли асос бўлишини ёдда тутинг. Одамлар бошидан ўтказмаган кечинма билан ҳаракат қила олмаслигини эшитганман. Одамлар кўрмагани

ёки бошидан ўтказмагани учун ҳаракат қилишга шубҳа қилишади. Бир қарашда, бундай ҳолатда соғлом фикрни кўриш мумкин; у виждонли ва теран фикрли бўлиб туюлади. Аммо яхшилаб ўйлайдиган бўлсак, ҳеч ким ундай яшамайди. Аслида тўғридан-тўғри дуч келмаган, ҳамда шахсан бошдан кечирмаган нарсаларга ишонамиз ва *ҳаракат қиламиз*.

Тасаввур қилинг. Мен яшаётган мамлакатнинг конституцияси қабул қилинганда, ҳали бу ёруғ дунёга келмаган бўлишимга қарамай, конституция қабул қилинганига ишониб, шу ишонч билан ҳаракат қиляпман. Қабул қилинган конституцияга мувофиқ тарзда яшаётганимизни, *математикадаги аниқлик* билан тасдиқлай олганим учун, овоз беришдан бош тортмайман. Ёки бошқа бир мисол: ўйлаб кўрсам, ота-онам ҳақиқатдан ҳам менинг ота-онам эканини аниқ билмайман. Қандай туғилганим эсимда йўқ. Биз ҳеч қачон ДНК тестини ўтказмаганмиз. *Эҳтимол*, кимдир хато қилган ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани қалбакилаштирган бўлиши мумкин! Бошқа томондан барча нарсга ота-онам, менинг ота-онам эканини тасдиқлайди. Яшашни давом эттирган ҳолда, доим бу ишонч асосида *ҳаракат қиляпман*.

Тарих айнан мана шундай ишонччи бера олади. Агар фикрларимга қўшилсангиз, сиз ҳам шу ишончга эга бўласиз деган умиддаман. Тарихга оид бўлган ишонч маълум нарсаларни тушунишимизга ёрдам бериб, “Ҳа, Исо ҳақиқатдан ҳам ўликлар ичидан тирилган. Бўлиб ўтган воқеани бошқача қилиб тушунтира олмайман. Энди мазкур ишонч билан ҳаракат қиламан”, – деб айтишдан бошқа ҳеч қандай танлов қолдирмайди.

Учинчидан, сиз илмий-тадқиқот ишлари ҳақидаги китобларни ўқимаётганингизни ёдда тутинг. Мен мавзунини тўлиқ таҳлил қилишни мақсад қилмаган эдим. Бу ерда ҳар бир далилнинг

ўзгариши учун имкон йўқ, барча намуна тариқасида келтирилган мисоллар ва қарши мисоллар ҳам йўқ. Шунинг учун кўп йиллар давомида масиҳийлар томонидан ёзилган мазкур китобни, меҳнат асарларига тенглаштирмайсиз деб умид қиламан. Агар китобимни бошқа шунга ўхшаш китоблар билан солиштирсангиз, уни унчалик кенг қамровли ва қалин эмаслигини кўришингиз мумкин. Кўп йиллар давомида Муқаддас Китоб ҳақиқий эканига мен ва бошқалар ишонгани учун, фақат асосий далилни кўрсатиш мақсадида бу китобни ёздим.

Охиргиси. Шарҳимни кузатиб борган бўлсангиз, асосий эътиборимни Янги Аҳддаги тўртта Хушxabарга қаратганимни кўрасиз. Бу Эски ёки Янги Аҳддаги ҳар бир китобни муҳокама қилишга таъсир қиладиган нозик фарқларга ва унинг узатилиши ҳамда канонлигига унчалик эътибор бермаганимни билдиради. Аммо сиз, мазкур китоб бутун Муқаддас Китобни билдирмайдими деб сўрашингиз мумкин? Ҳа, билдиради. Бироқ, юқорида келтирилган бешта синов призмаси, Янги Аҳддаги Хушxabар китобларини ўрганишга ва бошқа барча китобларга тааллуқли саволларнинг ҳақиқийлигини билишга яхши ёрдам беради. Бундан ҳам муҳим бўлган нарса ёдингиздами: мақсадимиз – Исонинг тирилганига тарихий маънода ишонч ҳосил қилиш. Агар шундай хулосага кела олсак, бизда Эски Аҳдни ҳам ишончи деб ҳисоблашга етарли асослар бўлади. Тарихий маънода Исонинг тирилганлигига қандай қилиб ишонч ҳосил қилиш мумкин? Биринчи ўринда Хушxabар китоблари ишончи эканини аниқлаш керак. Мақсадимиз ҳам мана шудир.

Бошқа китоблар Муқаддас Китобнинг ҳақиқийлиги билан боғлиқ бўлган энг кичик масалаларни ҳал қилаётганда, бу китоб менга ва бошқа кўплаб одамларга Муқаддас Китобнинг

ҳақиқийлиги Исонинг тирилишига асосланганлигини кўрсатиб берди. Агар бу далиллар сизга фойда ва ишонч берган бўлса, мен бундан хурсандман. Агар ундай бўлмаса, унда батафсил ва яхшироқ китобларни ўқишингизни маслаҳат бераман (Тавсия этилган адабиётлар рўйхатини иловада топасиз).

## **БИРИНЧИ ҚАДАМ**

Сиз масиҳий бўлмай туриб мазкур китобни ўқиётган бўлсангиз, аввало шу жойгача ўқиганингиз учун сиздан миннатдорман. Бу китоб орқали масиҳийлар, масиҳийлик, Муқаддас Китоб ва Исо ҳақидаги фикрингиз ўзгаради деб умид қиламан. Ўқишни тугатганингиздан сўнг, биз, масиҳийларда имон учун асос борлигини тушуниб оласиз. Албатта, мен ёзган далиллар билан мутлақо рози бўлмаслигингиз мумкин, ammo масиҳийлик эътиқодида сиз олдин тасаввур қилгандан кўра кўпроқ нарса бор эканини айта оласиз деб умид қиламан. Кўпроқ нарсалар ҳақида гапиришингиз бундан мустасно эмас. Балки сиз, Муқаддас Китоб *ҳақиқатдан ҳам* ишончли деган хулосага келгандирсиз. Агар шундай бўлса, унда сизни катта кашфиётлар кутмоқда. Чунки энди сиз аввалги шубҳалардан озод бўлиб, Муқаддас Китоб – Исо Масиҳ ва У Ўзини ким деб ҳисоблагани ҳақида фикр юритишингиз мумкин.

Лекин сиз масиҳий бўлсангиз, мазкур китоб *нима* учун Муқаддас Китобга ишонганингизни яхшироқ тушунишингиз учун ёрдам беради. Эҳтимол, бу имонингиз ҳақида гапиришга ва ишонмайдиган одамлар олдида эътиқодингизни ҳимоя қилишга имкон беради. Гап шундаки, одамлар масиҳийликни қанчалик айблашига қарамай, у одамлардан ақл бовар қилмас кўр-кўрона

эътиқодни ва исботсиз беъмани ишончни талаб қилмайди. Аслида Исо бизни гуноҳлардан қутқарганига ишонишимизнинг сабаби, У ҳақиқатдан ҳам юқори даражадаги ишончга лойиқлигидадир.

Биз буни қаердан биламиз?

Муқаддас Китоб бизга шундай дейди.

Келинг, унга ишониш мумкин ёки мумкин эмаслигини текшириб кўрамиз.

## 2 ТАРЖИМАДАГИ ҚИЙИНЧИЛИКЛАР ҲАҚИДА

**Б**ир неча йил олдин Хитойнинг Шанхай шаҳрига ташриф буюриш имконига эга бўлганман. У ерда яшайдиган дўстларим сафарга жўнашимдан олдин, кўп белги ва кўрсаткичлардаги инглиз тилида ёзилган хитойча ёзувлар доим ёзилган маънони билдиради деб ўйламаслигим ҳақида огоҳлантиришди. Хитойлик таржимонлар кўп йиллар давомида ишора белгиларини инглиз тилига таржима қилишда катта хатоларга йўл қўйган ва бундай хатолар одамларни янглишишига сабаб бўлган.

Сафардан олдин интернетда бир нечта мисолларни ўқиб чиқдим. Айрим нотўғри таржималар жуда кулгили эди. Ресторан эшигида қуйидаги ёзилган гапни тасаввур қилинг: *Бар ёпик бўлмагани учун ҳозирча очик.* Ёки тушлик таомномасида ёзилган “*мазали аччиқ буви*” деб ёзилган гап. Жамоатчилик боғидаги кўрсаткичга ёзилган сўзлар таъсирли маънога эга эди: *Оёғингиз остида жозибали, аммо бахтсиз ўтлар ўсмоқда.* Тўғриси, бу гаплар нима ҳақида ёзилганини тушуниш қийин!

Ўзим ҳам шунга ўхшаш қизиқарли хатоларни топаман деб ўйлаган эдим, лекин Шанхайга ёзги Олимпияда ўйинлари тугаганидан кейин келганим учун, хитойликлар Олимпияда ўйинлари бошланишидан олдин таржима қилинган сўзлардаги хатоларни тўғрилаб чиқиш бўйича мамлакатда катта иш олиб боргани маълум бўлди. Шундай қилиб, менда тушликка “*мазали*

аччиқ буви” ни ейиш ёки жозибали, аммо бахтсиз ўтлар устидан юриш имкони бўлмади!

Нима учун хитойликлар таржимадаги хатоларни тўғрилашга ҳаракат қилгани ҳақида ўйлаб кўринг? Бу жуда оддий: Олимпия ўйинлари бўлаётган вақтда бутун дунёнинг эътибори шу давлатга қаратилгани учун, хитойликлар бошқалар тўғри тушунишини хоҳлаган. Улар таржимадаги сўз одамларга айнан ўша маънони етказиши учун ҳаракат қилган. Белги, таомнома ёки Муқаддас Китоб таржимасидан қатъий назар, аслида таржиманинг моҳияти ҳам мана шундадир. Ўз она тилимизда ўқиётган матн, муаллифнинг матнига мос эканига ишончимиз комилми?<sup>2</sup>

## **ТАРЖИМА ҚИЛИШНИНГ ИЛОЖИ БОРМИ?**

Агар она тилимиз қадимий иброний, оромий ва юнон тили бўлганида, Муқаддас Китобни ҳақиқатдан ҳам тарихий китоб эканини аниқлаш осонроқ бўлар эди. Лекин афсус ундай эмас. Демак, Муқаддас Китоб муаллифлари ишончга сазовор бўлгани ва кўчирувчилар асл қўлёзмалардан кўчириб олгани ҳақида савол беришнинг ўзи етарли эмас. Муқаддас Китобнинг бугунги кундаги таржималари айнан ўша нусха мазмунига мос эканлиги ҳақида ҳам савол беришимиз керак.

---

2. Мазкур бобни ёзаётганда қуйидаги китоблардан фойдаланганман: Бломберг, Креиг Л. *Биз ҳали ҳам Муқаддас Китобга ишонишимиз мумкинми?* (Grand Rapids, MI: Brazos, 2014); Уегнер, Паул Д. *Матнлардан таржималар томон саёҳат: Муқаддас Китобнинг келиб чиқиши ва шаклланиб бориши* (Grand Rapids, MI: Baker Academic, 1999); [инглиз тили: Craig L. Blomberg, *Can We Still Believe the Bible?: An Evangelical Engagement with Contemporary Questions* (Grand Rapids, MI: Brazos, 2014); Paul D. Wegner, *The Journey from Texts to Translations: The Origin and Development of the Bible* (Grand Rapids, MI: Baker Academic, 1999)].

Эҳтимол, жавоб топишимиз керак бўлган биринчи саволимиз, аслида таржима қилишнинг иложи борми?

Μὴ θησαυρίζετε ἑμὲν θησαυροὺς ἐπὶ τῆς γῆς, ἃς οὐκ ἔσθιεν βροτοὶς φανίξει, καὶ ἃς οὐκ ἔσθιεν κλέπται διορύσσουσιν καὶ κλέπτουσιν· θησαυρίζετε δὲ ἑμὲν θησαυροὺς ἐν οὐρανῷ, ἃς οὐκ ἔσθιεν οὐκ ἔσθιεν βροτοὶς φανίξει, καὶ ἃς οὐκ ἔσθιεν διορύσσουσιν οὐδὲ κλέπτουσιν· ἃς γὰρ ἔστιν ἡ θησαυρός σου, ἣκεῖ ἔσται καὶ ἡ καρδιά σου.

Мазкур юнон тилидаги матндан фойдаланиб, қуйида айнан шу маънога эга сўзлар ёзилганига ишонсак бўладими? Бу жойда худди пастдаги парчада ёзилган нарса ёзилганига озгина бўлса ҳам аминмисиз?

Бу заминда ўзингизга қуя ва занг еб битирадиган ҳамда ўғрилар қовлаб, талаб кетадиган хазиналарни тўпламанглар. Аммо осмонда ўзингизга қуя ва занг еб битирмайдиган ҳамда ўғрилар қовлаб талаб кетмайдиган хазиналарни тўпланглар. Чунки сизнинг хазинангиз қаерда бўлса, юрагингиз ҳам ўша ерда бўлади (Матто 6:19-21).

Юқоридаги саволга шундай жавоб берса бўлади: “Ҳа бўлади, фақат бу учун анча меҳнат қилиш керак.” Ҳар қандай таржима кўп йиллик меҳнатни талаб қилади. Олдин сўзларнинг маъноси ва икки тилнинг тузилмасини ўрганиш керак. Бундан кейин асл маънони аниқ ифодаловчи сўз ва тузилмани топиш керак. Қисқача қилиб айтадиган бўлсак, таржиманинг моҳияти биринчи ўринда сўз ёки жумла маъносини тушунтириш, кейин бошқа одамга тушунарли

бўлиши учун худди шу маънони *бошқа* сўзлар билан етказишга ҳаракат қилишдир.

Бу жуда мураккаб бўлиб кўриниши мумкин, лекин яхшилаб ўйласак, ҳатто она тилимизда ҳам айнан шундай йўл тутишимизни кўрамиз. Мисол учун, менинг ўсмир ёшдаги икки ўғлим ва набираларини тушунишга ҳаракат қиладиган отам бор. Аммо хоҳ ишонинг ёки ишонманг, баъзан бу осон бўлмайди! Йўқ, улар бир-бири билан бошқа тилда эмас, балки инглиз тилида гаплашади. Лекин шунга қарамай улар ўртасида воситачилик қилиб, бир-бирига айтаётган сўзларни таржима қилишимга тўғри келади.

Мисол учун, ўғлим “Йоу! Ҳаммаси жойида оқа”, деб сўраганида, дадам менга набираси тўсатдан қадимий юнонча ёки шунга ўхшаш тилда гапираётгандек қарайди. Дадам “ҳаммаси” деган сўздан бошқасини тушунмайди. Шунинг учун ўғлим айтган ҳар бир сўзнинг маъноси ҳақида ўйлаб, дадамга тушунарли бўлиши учун *бошқа* сўзларни ишлатган ҳолда таржима қилишимга тўғри келади.

Одатда барча гапни тўлиқ таржима қиламан. “Дада, у ҳаммаси яхши эканини айтмоқчи.” Лекин мен буни янада ўйлаб айтадиган бўлсам, ҳар бир сўзни бирин-кетин тушунтиришим керак ва бу тахминан мана шундай тарзда бўлади.

- “Йоу” – норасмий тарздаги ёшлар орасидаги саломлашув. Ёши катталар “салом” – деб айтган бўлар эди.
- “Ҳаммаси жойида” деган ёшлар ибораси, “ҳаммаси яхши, муаммо йўқ” деган маънони билдириб, “жойида” сўзи “боғловчи сўз” ҳисобланади.
- “Оқа” – “ака” сўздан олинган бўлиб, дўстона муносабатни билдиради. “Оқа” бўлиш учун туғишган ака бўлиш шарт эмас. Ота-оналаримиз оддий қилиб “дўст” ёки “ўртоқ” деб муурожаат қилган бўлар эди.

Агар ҳаммасини бир-бирига боғлайдиган бўлсак, ўсмирлар айтадиган “Йоу! Ҳаммаси жойида оқа” жумласини ёши катталар тилига қуйидаги тарзда таржима қилиш мумкин: “Дўстим, салом! Ҳаммаси яхши!” Дадам буни эшитгандан кейин енгил нафас олиб, мана энди тушундим дея – табассум қилиб, набирасига бош бармоғини кўрсатди. Бобоси билан набиралари бир-бирини тушуниши учун таржимонга мурожаат қилишга тўғри келди. “Баракалла!” – деди дадам . . . Бу гапдан кейин бошқа сўзларни яна таржима қилишга тушдим.

Ҳа тўғри, бу таржимон ишига жуда содда тарздаги ёндашув бўлиб, аслида таржима иши жуда мураккаб эканлиги тушунарли. Муқаддас Китоб ва бошқа машҳур китобларнинг таржимаси ёки умуман кундалик мулоқот учун зарур бўлган таржималар ҳақида гаплашадиган бўлсак, мазкур иш билан шуғулланувчилар қаҳрамон ҳисобланади. Аммо ҳозир оддий бир мисол орқали бутунлай бошқа нарсани тушунтироқчиман. Гап таржима қилиш осон ёки қийинлигида эмас. Гап таржима қилишнинг *имкони* борлиги ҳақида кетяпти. Таржима туфайли маълумотни аниқ, тўғри ва ишончли тарзда узатиш мумкин.

Муқаддас Китобни юнон ва қадимий иброний тилида ўқиётганимиз учун, уни тарихий ҳақиқат эканини ҳеч ким рад этолмайди. Олимлар асрлар давомида юнон, иброний, оромий ва бошқа тилларни ўрганаётгани учун аниқ таржима қила олади.

## **НИМА УЧУН МУҚАДДАС КИТОБНИНГ ТАРЖИМАЛАРИ КЎП?**

Агар шундай бўлса, нима учун Муқаддас Китобнинг турли хил таржималари мавжуд? [муҳаррир изоҳи: Ўзбек тилида учта таржима

бор: Янги Аҳд инжил номи остида чиққан таржимаси, Муқаддас Китоб таржимаси ва Муқаддас Ёзувнинг сўзма-сўз таржимаси.] Мисол учун, инглиз тилидаги таржималар орасида қирол Ёқубнинг Муқаддас Китоби (the King James Version, KJV), қирол Ёқубнинг Муқаддас Китобининг янги таржимаси (the New King James Version, NKJV) ва қайта кўриб чиқилган стандарт таржима бор (the Revised Standard Version, RSV). Бундан ташқари Холман Муқаддас Китоби (the Holman Christian Standard Bible, HCSB), Инглиз тилидаги стандарт таржима (the English Standard Version, ESV), Янги тирик таржима (the New Living Translation, NLT) ва Янги халқаро таржималар (the New International Version, NIV) ҳам бор. Яна мазкур таржималарнинг аксарият қисми ҳарбий хизматчи, спортчи, эркак, аёл, ўсмир, талаба ва тадбиркорлар учун мўлжалланган. Нега?

Инглиз тилидаги стандарт таржима устида меҳнат қилган таржимонлар, Янги халқаро таржимада хатолар бўлган деб ҳисоблаган бўлиши мумкинми? Эҳтимол, қирол Ёқубнинг Муқаддас Китоби жуда ёмон таржима қилингани учун Қайта кўриб чиқилган стандарт таржимасининг таржимонлари барчасини янгитдан қилишига тўғри келган? Наҳотки, Юҳанно Хушхабари уни ким ўқиётганига – эркак, аёл, спортчи ёки ҳарбийга қараб ўзгарса?

Қисқа тарзда жавоб бериш керак бўлса, унда барча саволларга йўқ деб айтиш керак! Муқаддас Китобнинг талаба, эркак, аёл ва ҳарбийлар учун мўлжалланган турли нашрларга келади деган бўлсак, бу шунчаки уларни қизиқтириш бўлиб, асосийси Муқаддас Китобнинг матни ўзгармаган. Бундай нашрлар фақат турли хил қўшимча матнлари – нутқ, эслатма, руҳий мавзудаги мақола ва шунга ўхшаш нарсалар билан фарқ қилади. Аёл ва эркакларга мўлжалланган Муқаддас Китоб бўлгани учун, Муқаддас Китобнинг матни ўзгаради ёки бошқа маъноларни келтириб чиқаради деб ўйламанг.

Турли таржималар ҳақида нима дейиш мумкин? Наҳотки, улар Муқаддас Китобни бошқа тарзда талқин қилса, наҳотки Муқаддас Китобнинг асл маъноси йўқолган бўлса? Бу жуда яхши савол. Аслида, турли таржималардаги юнон ва иброний тилдаги иборани етказиш учун турли сўзлар ишлатилгани, асл нусхадаги маъно ўзгарди дегани эмас.

Келинг яна бир бор ўсмирлар иборасини мисол тариқасида кўриб чиқамиз “Йоу! Ҳаммаси жойида, ока.” Мен буни бутунлай бошқача таржима қилишим ҳам мумкин:

- “Салом дўстим! Ҳаммаси зўр!”
- “Салом биродар! Менда ҳаммаси яхши.”
- “Хайрли кун қадрдоним! Сиздек фамхўр одамлар бўлгани учун яхши яшаяпман.”

Ҳар бир таржимадаги сўзлар турлича бўлишига қарамай, гапнинг маъноси ўзгармаганига шубҳа қиляпсизми? Қайси *таржимага* эътибор билан қарашингиздан қатъий назар, ўғлимни дўстона муносабатга эга бўлган одамга мурожаат қилаётганини ва унинг ҳозирги ҳолати аъло даражада эканини *кўришингиз мумкин*.

Муқаддас Китоб билан ҳам худди шундай. Келинг Муқаддас Китобга оид бўлган яна бир оятни олиб, турли таржималарда қандай ёзилганини кўриб чиқамиз. Рафиқамдан истаган Хушхабар китобини танлаб айтишини илтимос қилдим. У Марк Хушхабари китобини танлади.

- Энди бирдан ўн бешгача бўлган сонни айт.
- Ўн!
- Яна, бирдан эллик иккигача бўлган сонни танла.
- Эллик!

Келинг Марк 10:50 ни, шунингдек мазкур оятнинг бир нечта таржимасини кўриб чиқамиз. Мана бу юнон тилидаги асл матн:

οὗ δὲ ἀποβαλὼν τὸ ἱμάτιον αὐτοῦ ἀναπηδησας ἦλθεν πρὸς τὸν Ἰησοῦν.

2023 Муқаддас Ёзувнинг сўзма-сўз таржимасида шундай ёзилган:

*У устки кийимини улоқтириб ташлаб, ўрнидан турди ва Исонинг олдига келди.*

Муқаддас Китоб таржимаси:

*Кўр тўнини ечиб ташлаб, ўрнидан сакраб турди—да, Исонинг ёнига келди.*

Синодал таржимада шундай ёзилган:

*У устидаги кийимини ечиб ўрнидан турди ва Исонинг олдига келди.*

Янги русча таржимада эса қуйидагича таржима қилинган:

*Бартимай тўнини ечиб ўрнидан турди ва Исонинг олдига келди.*

Нозир Кассиан муҳаррирлиги остидаги таржима:

*У устки кийимини ечиб сакраб турди—да Исога яқинлашди.*

Рухоний Леонид Лутковскийнинг таржимаси:

*Ўзининг устки кийимларини ерга ташлаб ўрнидан турди ва Исонинг олдига борди.*

Славян жамоатига оид таржима:

*У ўз либосини ерга ташлаб, ўрнидан турди ва Исонинг олдига келди.*

Жуда қизиқ, тўғрими? Марк 10:50 да нима дейилганини қандай тушуниш мумкин? Бу одамнинг Исога яқинлашгани аниқ. Лекин у устки кийимини ечдими ёки ерга ташладими? Бу устки кийимми ёки либосми? Бу одам Исога яқинлашиш учун сакраб тургани ёки ўрнидан турганини қандай аниқлаш мумкин?

Майли, албатта бу ҳазил. Еттита таржиманинг фарқи бўлишига қарамай, гап нима ҳақида кетаётганини тушуниш осон. Бу одам тезда устки кийимини ечган ҳолда, ўрнидан туриб Исонинг олдига боряпти. Турли тарздаги таржималар бизга асл нусха нима ҳақида гапираётганини тушунишга тўсқинлик қилмай, аксинча икки ёки уч таржимани таққослаш орқали ёзилган фикрни тўлдиради.

Албатта, бунинг ўзи етарли эмас. Бошқа оятлар ҳам Марк 10:50 га ўхшаб оддий эмас. Баъзи сўз ва ибораларни таржима қилиш ҳақиқатдан ҳам қийин бўлади. Бундай ҳолларда таржимонлар орасида сўз ва ибораларни қандай қилиб етказиш ҳақида кўпинча келишмовчиликлар юзага келади. Шундай ҳолатларда қуйидагиларни ёдда тутишимиз лозим.

1. Олимлар Муқаддас Китобга оид бўлган таржиманинг жуда кичик сўз ва ибораларини сезиларли даражада фарқлайди. Бундай сўз ва ибораларни ҳар бир китобда, ҳатто Муқаддас Китобнинг ҳар бир бобида ҳам учратмаслигимиз мумкин.
2. Шунга ўхшаш келишмовчиликлар юзага келганида, Муқаддас Китобнинг энг яхши таржималари китобхонларга шундай изоҳ беради: “мазкур матнни иброний [ёки юнон] тилидаги маъноси аниқ эмаслигини.”<sup>3</sup> Яъни, ҳеч ким ўзича бирон-бир нарсани қўша олмайди. Ҳатто таржимонлар шундай иш қилишни хоҳласа ҳам буни қилолмаган бўлар эди, ҳарқалай инглиз (ва ўзбек) тилида бундай воқеа бўлмаган.
3. Олимлар томонидан амалга оширилган кўплаб таржималар, атайлаб нотўғри талқин қилинган таржималарни аниқлашга ёрдам беради. Мисол тариқасида Иегова шоҳидлари [сектаси] нинг “Янги дунё таржимаси” (New World Translation – NWT) ни келтириш мумкин. Юҳанно Хушхабари биринчи боб, биринчи оятда шундай ёзилган: “. . . бу Калом худолардан бири эди”, [яъни Иегова шоҳидлари кўп худолар бор, Исо Масих шулардан биттаси деб билади] бошқа барча жиддий таржималарда бу жойни қуйидаги тарзда таржима қилинганини билиш жуда фойдали: “. . . Калом Худо эди.” Бу ерда “Янги дунё таржимаси” муаллифлари бошқа таржимонлар қабул қилиши мумкин бўлмаган нарсаларга йўл қўйганини аниқ кўриш мумкин. Агар сиз юнон тилини чуқур ўрганиб, бу тилнинг грамматикаси қандай ишлатилишини

---

3. ЯРТ Ишаъё 10:27 даги изоҳга қаранг - *Муҳаррир изоҳи*.

билганингизда, сиз ҳам Иегова шоҳидларидан ташқари барча таржимонлар каби бир хил хулосага келар эдингиз. “Янги дунё таржимаси” муаллифлари мазкур оятни ўзига хос илоҳиётшунослик таълимотига асосан таржима қилган.

4. Мана шундай атайин қилинган таржимадаги хатолар аниқланиб рад қилингани учун биз ишонч билан ҳақиқий масиҳийликка хос бўлган таълимот ҳеч қачон баҳсга, Муқаддас Китобнинг бирон-бир жойи асл нусхасидан ноаниқ таржимага эга эмаслигини аниқ айта оламиз. Биз Муқаддас Китобда нима ёзилганини ва бу нимани билдиришини биламиз.<sup>4</sup>

Аmmo яна бир савол туғилади. Нима учун Муқаддас Китобнинг ҳар хил таржималари мавжуд? Агар таржима борасида келишмовчиликлар кам бўлиб, бу таълимотнинг моҳиятига таъсир қилмаса, нима учун бошқалар ўзини қийнаб кейинги таржимага кучи ва маблағини сарфлайди? Бу жуда ўринли савол. Бунга жавоб бериш учун одамлар Муқаддас Китобни турли сабабларга кўра ўқишини тушунишимиз керак.

Муқаддас Китобни Худо билан мулоқат қилиш, руҳий ўсиш, ваъз тайёрлаш, машғулотлар ўтиш, турли матнларни ўрганиш ва таҳлил қилишда, масиҳийликка оид таълимотларни муҳокама қилишда, шунингдек мазкур китоб орқали имон тушунчасини мустаҳкамлаш учун ўқишади. Мазкур машғулотларнинг аксарият қисмига юнон ёки иброний тилидан сўзма-сўз таржиманинг ўзи етарли эмас. Агар шундай бўлганида бу жуда зерикарли бўлар эди. Яна бир бор Марк 10:50 га мурожаат қиламиз. Юнон тилидан қатъий сўзма-сўз таржима қиладиган бўлсак, унда қуйидагича кўринишда бўлар эди:

---

4. Бу масала Бломберг ва Вегнер томонидан батафсил кўриб чиқилган.

У ташлаб устки кийимини ўрнидан туриб келди олдига  
Исонинг.

Албатта, буни ҳам ҳал қилиш мумкин. Бундай қатъий сўзма-сўз таржима, оятни илмий таҳлил қилиш билан шуғуланувчилар учун фойдали бўлар эди. Лекин сиз эрталаб қаҳва ичиб Муқаддас Китобни ўқиётганда, бундай услубга тоқат қила оласизми?

Айнан шунинг учун бизда Муқаддас Китобнинг турли таржималари мавжуд бўлиб, улар ҳар хил мақсадда ишлатилади. Баъзан қатъий деярли сўзма-сўз таржима қилинган асл нусха керак. Баъзан эса ўқишга қулай, тушунарлироқ бўлган таржима керак. Шунинг учун баъзи таржималар иборадаги сўзнинг маъносини (ёки алоҳида фикрларни) ёритиб, сўзларнинг тартибини таржима қилинаётган тилга хос равишда ўзгартиради ва асл нусхадаги фикрларни китобхонга тушунарли шаклда етказиш учун юнон ва иброний грамматикаси ўрнига унинг тизимларидан фойдаланади. Аслида, Муқаддас Китобнинг ҳар бир таржимаси *ўқиш учун аниқ ва қулай* бўлишига ҳаракат қилиш керак. Баъзи таржимонлар матнни аниқ тарзда етказишни ўзининг бурчи деб ҳисоблаб (буни Марк 10:50 мисоли тариқасида кўрдик), шу билан бирга муқаррар равишда қабул қилиш осон бўлган қулайликни қурбон қилади. Бошқалар эса ўқиш учун қулай бўлган таржимани яратиш устида ҳаракат қилади. Аммо бу асл нусхадаги сўзларнинг кетма-кетлигини ўзгартиришни талаб қилгани учун китобхон тилида мазкур иборалар “тўғри” тарзда жаранглайди.

Нима демоқчи эканлигимни тушуняпсиз деб умид қиламан. Муқаддас Китобнинг асл қўлёзмаси нима ҳақида гапираётганига назарий билим ёки Муқаддас Китобнинг таржима амалиёти шубҳа қилишимизга сабаб бўла олмайди. Бу китобда нима ёзилганини

ҳақиқатдан ҳам биламиз. Олимлар баҳслашадиган жой жуда кам. Улар Муқаддас Китобнинг барча жойларида сочилиб кетган бўлиб, ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Муқаддас Китобни тўғри таржима қилишнинг иложи бор ва бундай таржималар амалга оширилган ва яна амалга оширилиб келмоқда.

Муқаддас Китоб тарихий ишончли қўлёзма эканини аниқлаш учун бунинг ўзи етарли эмас албатта. Биз қуйидаги саволни беришимиз керак: ҳозир айнан муаллифлар томонидан дастлаб ёзилганларни таржима қилишимизми?

Бошқача қилиб айтганда, Муқаддас Китоб қўлёзмаларини ёзган одамлар нусхалардаги асл моҳиятни тўғри етказиб берганми?

### 3

## НУСХАДАН ҚАЙТА ЁЗИЛГАН НУСХА НУСХАМИ?

**М**актабда, кейин коллежда бир неча чет тилларини ўрганганман. Ҳалигача испан тили мен учун севимли тил ҳисобланади. Бу кўпчиликда, айниқса олимларда унчалик таассурот уйғотмаса ҳам, мазкур тилни ўрганиш учун *тўрт йилни* бағишлаганимни айтиб ўтмоқчиман. Ўша вақтдан бери тахминан ўн беш йил ўтди ва энди испан тилини унча яхши билмайман – яхши ўқий олмайман, гапира олмайман ва тушунмайман ҳам. Лекин ўша пайтларда жиддий шуғулланганим учун инглиз тилидан испан тилига ва аксинча испан тилидан инглиз тилига яхши таржима қилар эдим. Бунинг сабаби испан тили ўқитувчимнинг бизга *ҳар куни* таржима қилиш учун уйга вазифа берганидир. Кўплаб коллежларнинг жадвали қандай тартибда бўлгани эсингиздами? У ерда чет тили машғулоти кун ора бўларди – душанба, чоршанба, жума ёки сешанба, пайшанба. Лекин испан тили бундан мустасно. Бизда бу тил ҳар куни, душанбадан жумага қадар ўтилар эди. Менда ҳар куни инглиз ёки испан тилидаги матн бўлгани учун уни таржима қилиб, эртаси куни синфда муҳокама қилишга тайёргарлик кўрар эдим.

Аслида ҳам таржимани яхши қилардим. Коллеждаги сўнги ўқув йилида икки соат ичида мингга яқин сўзни таржима қила олар ва ҳар бир жумланинг грамматикасини талабга асосан тушунтириб берар эдим. Тўғри, машғулотларда бир неча бор ёқимсиз ҳаётий дарс ўрганишимга тўғри келган: менга берилган матнни эмас бошқа

жойни таржима қилган эканман, шу сабабли матнни яхши таржима қилганим фойдасиз бўлди!

Баъзида одамлар Муқаддас Китобни таржима қилганларни айблашади. Таржиманинг *аниқлиги* ҳақида кафолат беришимизга қарамай, *керакли нарсани* таржима қилаётганимизга ишонч ҳосил қила олмаймиз. Шунинг учун барча саъй-ҳаракатларимиз беҳуда бўлиши мумкин. Айблов муаллифлар томонидан ёзилган қўлёзмаларнинг йўқлиги билан боғлиқ эмас. Бу дегани, биздаги нусхалар нотўғри эканлиги ва шунинг учун дастлаб нима ёзилганини аниқ билмаслигимизни билдиради. Агар бу гап тўғри бўлиб, мазкур далил исботланган бўлса, унда баҳс-мунозарани давом эттиришнинг ҳожати йўқ.

Бир журналда бу ҳақда кескин равишда шундай деб ёзишган:

Ойнаи жаҳон орқали ваъз қиладиган ҳеч бир ваъзхон Муқаддас Китобни ўқимаган. Уни масиҳий сиёсатчилар ҳам ўқимаган. Бу китобни ҳатто Рим Папаси ҳам ўқимаган. Мазкур китобни мен ва сиз ҳам ўқимагансиз. Барчамиз ўқиётган таржима ёмон таржима бўлиб, бу таржима яна бошқа таржимадан таржима қилинган. Бу таржима бўлса нусханинг яна бир нусхасидан нусха кўчирилган нусхадан олинган, ҳамда мазкур ҳолат юзлаб маротаба яна ва яна такрорланган.<sup>5</sup>

“Ёмон таржима” билан боғлиқ бўлган айбловга мазкур китобда аллақачон жавоб бердик. Ёмон таржималар ҳақидаги уйдирмалар нотўғри эканлиги сизга тушунарсиз бўлса, эҳтимол унда қайтиб яна

---

5. Kurt Eichenwald, “The Bible: So Misunderstood It’s a Sin,” *Newsweek*, December 23, 2014, <http://www.newsweek.com/2015/01/02/thats-not-what-bible-says-294018.html>.

2-бобни ўқишингизга тўғри келади. Бошқа таржимадан олинган таржимага эга эканлигимиз нотўғри, гўё юнон асл нусхаси аввал хитой тилига, хитой тили эса немис тилига, немис тили бўлса полша тилига таржима қилинган ва шундан кейин у она тилимизга таржима қилингандек. Йўқ бундай эмас, бизда тўғридан-тўғри асл тилдан – юнон ва иброний тилидан таржима қилиш имкони бор. Шундай қилиб энг ёмон ҳолатда ҳам биз *таржимага* эгамиз тамом. Лекин охиргиси “нуханинг яна бир нухасидан нусха кўчирилган нусха” ҳақидаги айбловга нима деймиз?

## **БИЗДА АСЛ НУСХАЛАР ЙЎҚ. НИМА БЎПТИ?**

Келинг *дастурда* берилган савол ҳақида ўйлаб кўрамиз: Муқаддас Китобнинг асл матни асрлар давомида бизгача етиб келганига амин бўлишимиз мумкинми? Агар мазкур масалага эътибор қаратаётган бўлсак, унда аниқ бўлган ҳақиқатни тан олишимиз керак: ҳа тўғри, бизда асл нусха йўқ.<sup>6</sup>

Луқо, Юҳанно, Павлус ҳамда Юҳанно Хушхабари ва Римликларга мактубини нимага ёзилганидан қатъий назар, бу асл нусхалар тарих зарварақлари учун йўқ деб ҳисобланади. Эҳтимол ҳеч қачон Муқаддас Китобга тегишли қўлёзмани топа олмаганимиз учун “Бу айнан ўша ҳаворий ёзган варақ эканига юз фоиз аминман”,

---

6. Мазкур бобни ёзаётганда қуйидаги китоблардан фойдаланганман: Бломберг, Креиг Л. *Биз ҳали ҳам Муқаддас Китобга ишонишимиз мумкинми?* (Grand Rapids, MI: Brazos, 2014); Уегнер, Паул Д. *Матнлардан таржималар томон саёҳат: Муқаддас Китобнинг келиб чиқиши ва шаклланиб бориши* (Grand Rapids, MI: Baker Academic, 1999); [инглиз тили: Craig L. Blomberg, *Can We Still Believe the Bible?: An Evangelical Engagement with Contemporary Questions* (Grand Rapids, MI: Brazos, 2014); Paul D. Wegner, *The Journey from Texts to Translations: The Origin and Development of the Bible* (Grand Rapids, MI: Baker Academic, 1999)].

– деб айта олмаймиз.<sup>7</sup> Лекин қўлларимизни тушириб умидсизлик қилишимиз керак эмас. Умуман *асл қўлёзма* муҳим эканлиги ҳақида қай даражада ўйланишимиз керак? Албатта, агар шундай бўлганида зўр бўлар эди. Бир неча йил олдин Лондондаги “Британия кутубхонаси хазиналари” кўргазмасига ташриф буюрдим. У ерда энг қимматбаҳо маданий ва тарихий асарлар тақдим этилган бўлиб, ишчи ходимлар Британия кутубхонасидаги ҳайбатли архивлардан ёдгорликларни қазиб олган. Бу ажойиб учрашув бўлган эди. Олдимда озодликка оид буюк хартия, Гутенбергнинг 1455-йилдаги Муқаддас Китоби, Гендел томонидан ёзилган “Масихнинг” партитураси, Синай кодекси – Янги Аҳднинг қадимий ва машхур бўлган тўлиқ нусхаси, Леонардо да Винчининг ён дафтарчаси ва (илтимос тинчланинг) “Битлз” гуруҳидаги Жон Леннон томонидан қоғоз парчасига чизилган “Help!” қўшиғининг асл матни.

Хонимлар ва жаноблар, биз *билган* нарсалар ҳақида хабар беришдан мамнунман. “Help!” қўшиғининг матни “Битлз” томонидан ўзига хос шаклда ёзилганига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Ушбу маттни қоғоз сочиққа ёзилган ҳолда кўриш мумкин. Умуман олганда бу зўр эканини тан оламан. Аммо бу “Британия кутубхонасининг хазиналаридан” жой олиши кераклигига ишончим комил эмас, лекин шунга қарамай кўриб турибмиз.

Демак, савол. Наҳотки, фақат *асл ёзилган қоғозга эга* бўлиб, муаллифлар *аслида* нима ёзганини тўлиқ била олсак? Наҳотки, Гомер ва Платонинг “Одиссея” ёки “Республика” деб ёзилган қоғози бўлмагани сабаб, улар нима ҳақида ёзганини билмасак? Наҳотки, “Битлз”га тегишли бўлган “Help!” қўшиғининг матни бу биз *ҳақиқатдан* ҳам

---

7. Бундан ташқари қадимги муаллифлар қоғозга ёзмаган. Улар папирус, тери ва кейинчалик пергаментга ёзишган. Бироқ мазкур китоб учун “қоғоз” сўзининг ўзи етарли бўлади.

билган ягона кўшиқ бўлса? Албатта йўқ! Бу ўтакетган бемаънилик! Муқаддас Китобга оид ҳужжатлар ҳақида нима дейиш мумкин? Измимизда фақат бошқа нусхалардан қайта ёзилган кўплаб фойдасиз нусхалар борлигини тан олишдан бошқа йўл йўқми? Наҳотки, бизгача етиб келган нусхалар Муқаддас Китобнинг муаллифлари томонидан ёзилганини аниқ тасдиқлайдиган ишонч бўлмаса?

Бундай хулоса қилишимиз учун сабаб йўқ. Аслида Муқаддас Китобнинг *асл қўлёзмалари* йўқ бўлишига қарамай, уларнинг мазмунини билишимизга аминмиз. Нима учун?

Жавоб шундан иборатки, асл қўлёзмаларнинг йўқ бўлишига қарамай, бизда минглаб бошқа қоғозлар (яъни папирус, тери ва пергамент парчалари) бор бўлиб, унда Муқаддас Китобга тегишли ҳар бир матн асл тилда ёзилган ва фақат Янги Аҳднинг ўзи 5400 га яқин қўлёзмага эга. Замонавий босма нашрни ҳисобга олмаймиз: ҳозир босмаҳона ихтиро қилингандан олдин бўлган қадимий қўлёзмалар ҳақида гапиряпмиз. Кўпчилиги давримизнинг учинчи, иккинчи ва ҳатто (эҳтимол) биринчи асрларига мансуб. Баъзи қўлёзмаларда Муқаддас Китобдаги китобларнинг тўлиқ нусхаси сақланиб қолган, бошқалари эса қисман зарар кўрган. Бир пайтлар катта қўлёзма бўлган парча қисмлари ҳам бор. Қайтараман, бу топилманинг ҳеч бири Муқаддас Китобнинг асл қўлёзмаси эмас. Бунинг барчаси қадимги ҳужжатларнинг нусхасидир. Аммо уларни қадимги Рим империясида, форларга яширинган ҳолда, қадимги харобалар остида кўмилган ва ҳатто Миср шаҳрининг ташландиқ жойларидан топиб олишган! Мутахассислар бу топилган парчаларнинг ёшини аниқлагандан сўнг, улар бизга масиҳийлик тарихининг дастлабки учинчи ёки тўртинчи асрларидан келиб чиққани маълум бўлган.<sup>8</sup>

---

8. Янги Аҳднинг сақланиб қолган қўлёзмалари ҳақида батафсил маълумот олиш учун, масалан Вегнерга қаранг: 235–242 бетлар.

Бу барча қўлэмаларни ва парчаларни қизиқарли ёки жумбоқли қиладиган нарса, сиз бунга қандай қарашингизга боғлиқ бўлиб, гарчи улар Муқаддас Китобдаги муайян бир жойнинг нусхаси деб саналса ҳам, баъзи жойларда улар бир-биридан фарқ қилади. Мисол тариқасида, Матто Хушхабарининг қўлэмасида ёзилган Понтий Пилат сўзларини келтирамиз: “Бу Одамнинг тўкиладиган қони учун мен айбдор эмасман” (Матто 27:24). Худди шу Хушхабарнинг кейинги асрларда топилган парча қисмида, Пилатнинг сўзлари бошқача жаранглайди: “Бу Ҳақ Одамнинг тўкиладиган қони учун мен айбдор эмасман.”<sup>9</sup> Бундан нима келиб чиқяпти? Ҳеч бўлмаганда бир марта, баъзида бир неча марта хушхабарчи Матто сўзлари нотўғри тарзда ёзилган.

Бундай рақамни, яъни 5400 га яқин қўлэзма ва парча қисмларини кўргандан кейин – айримлар “Йўқ! Аслида нима ёзилганини билишнинг иложи йўқ. Сақланиб қолган нусхалар асл нусхалардан анча янгироқ бўлишига қарамай кўп зарар етгани учун, муаллифлар дастлаб нима ёзганини тушунтириш қийин”, деб айтишади. Лекин бу ниҳоятда қатъий ҳолдаги хулоса. Нимага дейсизми? Аввало шубҳа қилувчилар фикрига кўра муаммонинг келиб чиқиши, биздаги қўлэмалар билан асл нусхаларнинг орасида узоқ давр бўлгани ва уларнинг орасидаги ўзаро фарқи, лекин аслида бу улар тасаввур қилгандек кўрқинчли эмас. Бундан ташқари, бутун империядан йиғиб келинган айнан мана шу турли кўринишдаги минглаб нусхалар, асл қўлэзмада ёзилган нарсаларни тиклашга ёрдам беради деб *катта ишонч* билан айта оламиз.

Сизнинг рухсатингиз билан бунини тушунтиришга ҳаракат қиламан. Аста-секин, қадамма-қадам муқокама қиламиз.

---

9. Муқаддас Китобнинг рус тилидаги турли таржималарига қаранг. Қўлэмалардаги фарқ ҳақида Матто 27:24 да Кулаков томонидан таҳрир қилинган таржимада айтилган. *Тар. изоҳ.*

## ҚАНДАЙ ТАФОВУТ!

Биринчидан, биз эга бўлган ҳужжатлар ва асл қўлёзмалар ўртасида улкан тафовут бўлгани учун асл қўлёзма қандай эканини аниқлаш ҳаракатларини тўхтатиш керак деб айтилган кўп айбловлар қулоққа чалинади. Барча Янги Аҳд қўлёзмалари биринчи асрнинг иккинчи ярмида ёзилган бўлиб, дастлабки нусхалари 125, 150 ва 200 йилларга тўғри келади. Демак, асл қўлёзmani дастлабки нусхалардан 45-75 йил ажратиб туради. 75 йил узоқ вақт бўлиб кўрингани учун бу бизга жуда катта муаммодек туюлади: шу вақт ичида бошқа нусхалардан нусха кўчириб, кўплаб нусхаларни тайёрлаш ва баъзи нусхаларни йўқотиш мумкин. Шунинг учун асл қўлёзмалар қандай кўринишда бўлганини била олмаймиз. Бироқ, қадим замондаги одамлар китобни бизга қараганда кўпроқ қадрлагани ва яхшироқ муносабатда бўлганини эсга оладиган бўлсак, бундай тахмин мутлақо адолатсиз эканини тушунамиз. Ҳозир ҳам миллионлаб китоблар ҳар йили чоп этилаётган бир вақтда, дуч келган букинистик дўконига кириб, юз, икки юз ва ҳатто уч юз йиллик китобларни топиш мумкин. Одамлар китобларни асрайди! Айниқса қадим замонда шундай бўлган ва бир китобни қайта ёзиш учун *бир неча ҳафталар* талаб этилган. Олимлар қадимги кутубхоналарни ўрганиб чиқиб, одамлар китобнинг янги нусхасини чоп этишдан олдин 100-150 йил давомида эскисидан фойдаланганини аниқлашган.

Таъсирли мисоллардан бири – IV асрга тегишли бўлган Янги Аҳд нусхаси, Ватикан кодекси ҳисобланади. X асрда нусха кўчирувчилар китобни янада кўпроқ фойдаланиш мақсадида ҳарфларни сиёҳ билан бўяб чиқишган. Яъни, Ватикан кодекси пайдо бўлгандан кейин ундан *олти юз йил* давомида фойдаланишган! Ҳамма гап

шундаки: агар китоблардан бир неча асрлар давомида мунтазам равишда фойдаланишган бўлса, 45-75 йил ичида Янги Аҳднинг асл қўлёмаси ҳамда энг қадимги нусхалар орасидаги тафовутни жуда катта деб ҳисоблаб бўлмайди. Муаллифлари томонидан ёзилган асл қўлёмалар йўқолиб кетишидан аввал ўнлаб йиллар ва ҳаттоки асрлар давомида сон-саноксиз миқдорда янгитдан кўчирма қилинган ва сақланиб қолинган. Шунинг учун асл қўлёзма нусхалари бошқа нусхалардан кўчирилган деб таъкидлаш – бўрттириб гапиришни билдиради. Имконимиз чегарасидан чиқмайдиган бўлсак, асл қўлёзмадан кўчирилган нусха музейларда сақланаётганини тахмин қилишимиз мумкин.

Бундан ташқари, бошқа қадимий асарларнинг асл қўлёмалари ва сақланиб қолган нусхаларнинг энг қадимги нусхалари ўртасидаги вақт тафовутига қарасак, Янги Аҳд билан боғлиқ бўлган тафовут деб айтилган сўз фақат баландпарвоз гап ҳисобланади. Мисол тариқасида, бугунги кунгача сақланиб қолган Фукидиданинг “Пелопоннес уруши тарихи” асарини роппа-роса саккизта қўлёмасини келтириш мумкин. Илк қўлёзма асл қўлёзмадан 13 асрга кичик! Юлий Цезарнинг “Галл уришидаги мактуб” асарига келадиган бўлсак, фақат тўққиз ёки ўнта нусхаси ўқишга яроқли бўлиб (ўқиш учун нимани яроқли деб ҳисоблашга боғлиқ), энг аввалги қўлёзма асл қўлёзмадан тўққиз юз йилдан кейин кўчирилган деб саналади. Тацитнинг “Тарих” ва “Анналар” деб номланган асарлари биринчи асрда ёзилган бўлиб, иккита сақланиб қолган қўлёмалар IX ва XI асрларга тўғри келади, яъни улар асл қўлёзмадан саккиз юз йил ва минг йил ёшроқ ҳисобланади.

Бошқа қадимий адабиётлар ҳақида гап кетганда, вақтдаги фарқга ҳеч ким эътибор бермай, фақатгина Янги Аҳд қўлёмалари одамларнинг безовталанишига сабаб бўлади.

## ТҮРТ ЮЗ МИНГТА ФАРҚ?

Энди иккинчи айбловга ўтамыз: бизгача етиб келган қўлёзмаларда жуда кўплаб тафовут бўлиб, асл қўлёзманинг аниқ мазмунини ишонч билан мана шундай деб бўлмайди. Бир олимнинг айтишича Янги Аҳд қўлёзмаларининг – тасаввурга сиғмайди! – тўрт юз мингга яқин матни бор эмиш. (“Яқин” деб айтишимизга сабаб, ҳеч ким буни ҳисоблаб чиқмаган. Ҳатто бундай гапни айтган тадқиқотчи ҳам, “баъзилар икки юз минг, бошқалари уч юз минг, яна бирлари эса тўрт юз минг ва ундан ҳам кўп турлари бор деб таъкидлайди!”)<sup>10</sup> Нима бўлишидан қатъий назар, бу айблов ҳақида бир неча фикрларни билдиришимиз мумкин.

1. Аслида қўлёзмалар орасида *унчалик* кўп фарқ бўлмай, “тўрт юз минг” сони тўғри бўлган тақдирда ҳам бир қарашда унчали қўрқинчли эмас. Гап шундаки, мазкур вариантлар сони ҳақида гапирган олим, нафақат бизгача етиб келган беш мингта асл юнон қўлёзмаларини босмахона ихтиро қилингунга қадар кўриб чиққан, балки яна бошқа тиллардаги ўн мингта қўлёзmani, шунингдек Янги Аҳд қисмидаги жамоат тарихининг биринчи олти юз йил вақт оралиғидаги маълумотга эга бўлган! Барчасини бирлаштирсангиз чиндан ҳам тўрт юз мингта вариантни оласиз (балки икки юз минг ёки уч юз минг. . .), гап олти юз йил вақт оралиғида, ҳар бир қўлёзма учун атиги ўн олтита вариант тўғри келиши мумкин бўлган

---

10. Барт Д. Эҳрман, *Исонинг сўзларини нотўғри иқтибос қилиш: Муқаддас Китобни ким ва нима учун ўзгартиргани ҳақидаги ҳикоя* (Сан Франсиско: Ҳарпер Сан Франсиско, 2005), [инглиз тили: Bart D. Ehrman, *Misquoting Jesus: The Story Behind Who Changed the Bible and Why* (San Francisco: Harper San Francisco, 2005), 89].

ва кенг тарқалиб кетган йигирма беш мингта қўлёзма мулоҳазаси ҳақида кетяпти. Тўғриси айтганда, бу жуда кўп эмас.

2. Тўрт юз мингта матн вариантлари тўрт юз мингта ноёб тарздаги ўқишни англамайди. Бу бир қўлёзмада “мен бу Одамнинг қони тўкилишида айбсизман”, деб ёзилганини, бошқа *ўнтасида* эса “мен бу Ҳаҳ Одамнинг қони тўкилишида айбсизман”, деб ёзилиб, энди бу *ўн биринчи* вариант бўлишини билдиради. Бунга диққатингизни қаратсангиз даҳшатли бўлиб кўринган тўрт юз минг сўзи эътиборсиз бўлиб қолади.
3. Мазкур йигирма беш минг қўлёзма вариантлари бутун матн давомида учрамайди; аксинча улар одатда матннинг бир хил жойларида “тўпланган” ҳолда келади. Янги Аҳдда бундай саволларни юзага келтирадиган жойлар ҳайратли тарзда жуда камдир.<sup>11</sup>

Аслида, тушуниб бўлмайдиган даражадаги улкан фарқга эга бўлган бахтсиз нусхаларни кўрмайсиз. Умуман бундай нарса йўқ. Аксинча, асрлар давомида Янги Аҳднинг кўплаб қисмлари ҳайратланарли равишда изчил узатилгани (яъни нусхаларни ишлаб чиқариш) ва шу билан бирга асл мазмунига нисбатан турли фарқларга сабаб бўлган бир нечта жойни кўрасиз.

Қисқа қилиб айтганда, нусха кўчирувчилар жуда яхши ишлаган.

---

11. Бу масала Бломбергда батафсил кўриб чиқилган: Бломберг, Креиг Л. *Биз ҳали ҳам Муқаддас Китобга ишонишимиз мумкинми?*, 13-28-бетлар; [инглиз тили: Craig L. Blomberg, *Can We Still Believe the Bible?*, 13–28].

## **ЖУМБОҚНИ ЕЧАМИЗ**

Бу ерда яна бир муҳим саволни муҳокама қилиш керак: ҳақиқатдан ҳам айнан фарқ қиладиган жойларнинг борлиги асл ҳужжатнинг мазмунини тиклашга ёрдам беради. Нимани назарда тутаётганимни ҳозир тушунтириб бераман.

Аввалги мазмунни матн асоси ёрдамида тиклаш жумбоқни ечишга ўхшаб кетади. Мазкур жараённинг асосида қуйидаги тахминни кўриш мумкин: қарама-қаршилиқлар бўлгани сабаб, нафақат нусха кўчирувчининг матн нусхаси ўзгарганини, балки у нима учун бу ишга қўл урганини тушунишимиз мумкин. Нусха кўчирувчилар турли сабабларга кўра матнни ўзгартирган. Баъзан бу тасодифан бўлган. Мисол учун, *бир-бирига ўгшаш ҳарфларнҳи адаштиришган; бир сўзни бошқа ўгшаш сўз билан алмаштиришган; сўзларни қолдириб кетишган; сўзларни такрор ишлатишган* ёки ёки *ҳарфларни иккии марта ёзишган; бир неча сатрдан кейин қайтарилиши керак бўлган матнни бир қисмини ташлаб кетишган.* (Юқоридаги жумлани яна бир бор ўқинг; ҳеч қандай ғалати ҳолат сезилмадимми?)

Лекин ўзгаришларни атайин қилган пайт ҳам бўлган. Мисол учун, нусха кўчирувчи сўз ёки исм нотўғри ёзилганини кўрганида, уни тўғрилаб ёзишга қарор қилган; бирон-бир матн бошқаси билан мос келиши учун қайсидир парчадаги сўзни ўзгартирган ёки ўзаро боғланмагани учун ўрнига бошқа сўз қўйган; китобхон айнан нимани тушуниши кераклигини тушунтириш мақсадида матнга қўшимча қилган.

Мана шу ерда хурсандчилик бошланади. Нусха кўчирувчи мазкур нусхага у ёки бу ўзгаришни *нимага* киритганини аниқлаб, ўзгаришдан олдин асл қўлёзмада нима бўлганини билиш мумкин. Мана жуда оддий бир мисол: тасаввур қилинг сизда йўқолган

қўлёзманинг нусхаси бор ва у ерда шундай ёзилган: “Қизил атингул, кўк бинафша.” Асл қўлёзмати қайта ёзиш вақтида нима бўлганини тушуниш унчалик қийин эмас, тўғрими? Агар асл муаллифнинг айбсизлик презумпциясидан келиб чиқиб, уни “қизил атингул” каби номаълум сўзларни ёзмаган деб ҳисобласак, унда нусха кўчирувчи “атиргул” сўзини нотўғри ёзган деб айтишимиз мумкин. Яъни дастлаб: “Қизил атиргул, кўк бинафша” деб ёзилган.

Энди бироз мураккаброқ бўлган мисолларни келтирамиз. Айтайлик, бизда узоқ вақтдан бери ўзининг асл қўлёзмалигини йўқотган иккита нусханинг парчалари бор. Нусхаларнинг бирида (уни А парчаси деб номлаймиз) шундай ёзилган:

Ҳозир фуқаролар урушининг катта синовидан ўтмоқдамиз. Биз бу ернинг бир қисмини муқаддас қилиш мақсадида келдик – мазкур халқнинг ҳаёти учун ким ҳаёт берган бўлса бу охириги паноҳдир.

Бошқа бир нусхада (Б парчасида) шундай ёзилган:

Ҳозир бу халқ ёки туғилиши ва чақируви билан унга ўхшаган бошқа халқ тура олиш қобилиятига қодирлигини ҳал қилувчи фуқаролар урушининг катта синовидан ўтмоқдамиз. Ушбу урушнинг қизғин жанг бўлган жойига тўпландик. Биз бу ернинг бир қисмини муқаддас қилиш мақсадида келдик – мазкур халқ ҳаёти учун ким ҳаётини берган бўлса бу охириги паноҳдир.

Биринчи ўринда қандай фарқ ҳақида гап кетаётганини аниқлаймиз. Бу ерда иккита фарқ бор. Қайта ўқиб чиқинг.

А парчанинг жуда қисқалиги дарров кўзга ташланади. Унда бутун бир парча ташлаб кетилган: “. . . бу халқ ёки туғилиши ва чақируви билан унга ўхшаган бошқа халқ тура олиш қобилятига қодирлигини ҳал қилувчи . . . Ушбу урушнинг қизгин жанг бўлган жойига тўпландик.” Бундан ташқари мазкур икки парчанинг охириги жумласида катта фарқ бор. Аслида қандай ёзилган? “Бу халқнинг ҳаёти учун ким ҳаёт бердим” ёки “одамлар ҳаёти учун ким ҳаёт бердим”?

Келинг биринчи фарқни “ушбу урушнинг қизгин жанг бўлган жойига” деб ёзилган ва қолиб кетган жумладан бошлаймиз. Нусха кўчирувчи асл қўлёзмага бу сўзларни қўшгани ҳақида жиддий асос борми? Бундай иш қилишнинг нима кераги бор, ундай бўлмаса керак деб ўйлайман. Ундай бўлмаса, мазкур сўзларни нега тушуриб қолдирганини қандай изоҳлаш мумкин? Тўғри. “Уруш” сўзи Б парчада икки марта такрорланган. Айнан А парчасида тушиб қолган жумла ушбу иккита бир хил сўз ўртасида жойлашган. Агар асл қўлёзмада “уруш” сўзи икки марта (айниқса, ҳар икки ҳолатда ҳам, яъни чизиқнинг боши ва охирида бўлса) учраса, унда ёзувчининг фикри тасодифан бир сўздан бошқасига ўтиши табиий ҳолат. Бу ҳолат қандай қилиб бепарво тарзда мазкур жумла тушиб қолганини тушунтириб беради. Ушбу мантиққа асосланган ҳолда матннинг узунроғи, яъни Б парчаси асл қўлёзмага мос деб ишонч билан айтишимиз мумкин.

Иккинчи фарқ ҳақида нима дейиш мумкин? Нусха кўчирувчи “Бу халқнинг ҳаёти учун ким ҳаёт берди” жумласини “одамлар ҳаёти учун ким ҳаёт берди” жумласига ўзгартиришига сабаб борми? Эҳтимол йўқ. Аммо шундай бўлган тақдирда ҳам “бу халқ” ибораси ортиқча. Шунинг учун нусха кўчирувчи муваффақиятсиз иборани тузатишга қарор қилган бўлиши

мумкин. Хулоса қилиб айтганда, асл қўлёзма қабул қилишга осон бўлган А парча қисмидир.

Шундай қилиб қуйидаги хулосага келдик, Б парчаси асл қўлёзманинг мазмунидаги биринчи фарқни кўрсатади (нусха кўчирувчи биринчи ва иккинчи парчалар орасидаги “уруш” сўзини унутиб қолдирган), А парчаси бўлса, асл қўлёзманинг мазмунидаги иккинчи фарқни кўрсатади (бу ерда нусха кўчирувчи дастлаб айтилган сўзларни тузатмаган). Шу тарзда, биз томондан қайта тикланган асл қўлёзма қуйидагича жаранглайди:

Хозир бу халқ ёки туғилиши ва чақируви билан унга ўхшаган бошқа халқ тура олиш қобилиятига қодирлигини ҳал қилувчи фуқаролар урушининг катта синовидан ўтмоқдамиз. Ушбу урушнинг қизгин жанг бўлган жойига тўпландик. Биз бу ернинг бир қисмини муқаддас қилиш мақсадида келдик – мазкур халқ ҳаёти учун ким ҳаётини берган бўлса бу охириги паноҳдир.

Кўряпсизми? *Нумага* нусха кўчирувчи матнга баъзи ўзгартиришлар киритгани ҳақида ўйлаганимизда, *энг охириги вариант биздаги ҳар бир парчанинг кўринишидан фарқ қилишига қарамай*, асл қўлёзмада айтилган сўзларга хулоса қила олишимиз мумкин. Ажойиб, тўғрими?

Олимлар асрлар мобайнида бизга таниш бўлган Янги Аҳд қўлёзмаларини айнан мана шундай йўл билан ўрганиб келмоқда. Албатта уларнинг олдидаги жумбоқ бизнинг оддий мисолларимиздан анча мураккаб, лекин сиз гапнинг моҳиятини тушундингиз деб умид қиламан. Қадимги қўлёзмаларни таққослаб, нусха кўчирувчининг ўзгаришлар киритгани ёки баъзи хатоларга йўл қўйгани ҳақида

яхшилаб ўйласак, аслида олимлар бу ҳаракат орқали асл қўлёзмада қандай эканини аниқлашга ёрдам беради. Бу фолбинлик ва сеҳргарлик эмас. Шу билан бирга тахмин ёки “бармоқни сўриш” ҳам эмас. Бу дедуктив усулни моҳирона қўллашдир.

Буни Янги Аҳддаги мисол ёрдамида аниқ қилиб тушунтириш мумкин. Қўлёзмалардаги Матто 5:22 да фарқни кўрса бўлади:

Лекин Мен сизга айтаман: кимки биродарига ғазабланса, жавобгарликка тортилади (Касс.).

ёки

Лекин Мен сизга айтаман: кимки биродарига беҳуда ғазабланса, жавобгарликка тортилади.

Сабаб ва фарқни аниқ кўриш мумкин. Исонинг насиҳатлари осон қабул қилиниши учун нусха кўчирувчи “беҳуда” сўзини қолдириб кетгани ростми? Бундай бўлиши мумкин эмас. Эҳтимол нусха кўчирувчи биродарининг ғазаблангани жавобгарликка тортилиши ёқмагани сабаб, Исога “ёрдамлашиш” мақсадида “беҳуда” сўзини қўшиб қўйгандир. Аслида асл қўлёзмада мазкур сўз бўлмаган, қабул қилиниши мураккаброқ бўлган қўлёзма яқиндир. Шу сабаб бошқа кўп таржималарда бу сўз йўқ бўлиб, у фақат эслатмаларда берилди.

## **УЛАР НИМА ЁЗГАНИНИ БИЛАМИЗ**

Ушбу масалани яқунлашдан олдин, яна бир нечта фикрларни айтиб ўтишимиз керак. Биринчидан, шуни таъкидлаш

керакки, бизда мавжуд бўлган қўлёзма нусхаларидаги матн вариантларининг аксарияти драматик ва қизиқарли эмас. Улар бирлик ёки кўплик олмошлари, гап тартиби, истак ёки хабар майллари, ўтган тугалланган ва тугалланмаган замон ва ҳоказолар билан боғлиқ. Жуда зерикарли! Буларнинг аксарияти Муқаддас Китобни тушунишимизга таъсир кўрсатадиган ҳеч нарсани ўз ичига олмайди.

Иккинчидан, масиҳий тадқиқотчилар энг муҳим вариантларни биз ушбу бобда биз амалга оширганимиз каби уларнинг таҳлиллари билан бирга ҳужжатлаштиришга жуда эҳтиёткор бўлишган, ва маълум бир китобларда бунга амалга оширишган, сиз уларни, агар хоҳласангиз, сотиб олишингиз мумкин. Тўғри, сиз олимларнинг ҳар қайси хулосаси билан рози бўлмаслигингиз мумкин. Масиҳийлар бу каби нарсалар ҳақида, ишонасизми йўқми, доим баҳслашиб мазза қиладилар. Лекин асосий маъно шуки: такрор айтаман, бу ерда ҳеч қандай фитна йўқ ва ҳеч ким кимнидир алдамоқчи эмас. Қўлёзмалардаги вариантлар ҳақида гап кетганда масиҳийлар бунга очиқ тарзда гапирдилар, чунки биз масиҳийлар ишонамизки, ушбу вариантлар (ва биринчи навбатда уларнинг мавжуд бўлишининг сабаблари), Янги Аҳднинг асл қўлёзмаларида аслида нима деб ёзилганини юқори даражадаги эҳтимолликда аниқлашга бизга ердам беради.

Ниҳоят, таржима масаласида бўлгани каби ҳақиқий масиҳийликнинг биронта таълимоти Муқаддас Китобга оид бўлган матннинг баҳсли қисмига таянмаслигини яна бир бор таъкидламоқчиман. Мана шундай баҳсли жойларда чиндан ҳам қизиқарли нарсанинг ўзи йўқ, бўлган тақдирда ҳам худди шу таълимотлар Муқаддас Китобнинг бошқа *мунозарали* бўлмаган қисмларида баён этилган.

Тушуныпсизми? Бизни асл қўлёзмаларнинг ҳақиқий мазмунини била олишмайди, деган гап мутлақо ёлғон. Асл қўлёзма ва энг қадимги нусхалар орасидаги вақт фарқи умуман олганда унчалик катта эмас. Кўплаб сақланиб қолган нусхалар сони асл қўлёзмаларнинг мазмунини билишимизга *тўсқинлик қилмай*, аксинча тарихий ишончлилик даражаси юқори бўлган мантиқни кўрсатиб, Юҳанно, Луқо, Павлус ва бошқа Янги Аҳд муаллифлари аслида нима ёзганини билишга ёрдам беради.

### **ҚАНДАЙ ХУЛОСАГА КЕЛДИК?**

Шундай қилиб, Янги Аҳдга оид ҳужжатларнинг тарихий тўғри эканлиги ҳақидаги тадқиқотимизда қуйидаги фикрга келдик. Биринчидан, бизнинг таржималар аниқ ва тўғри эканига ишонсак бўлади. Иккинчидан, ушбу ҳужжатларни ҳақиқатдан ҳам муаллифлар ёзганига ишонсак бўлади.

Муқаддас Китобни тўғри таржима қилишганми? Ҳа.

Унинг мазмунини бизга тўғри етказишганми? Ҳа

Лекин биз ҳали тугатмадик. Таржималар тўғри эканига ишончимиз комил, муаллифлар нима ёзганини билиш эҳтимоли юқори бўлишига қарамай, тўғри танланган ҳужжатларни ўрганаётганимизни ишонч билан тасдиқлай оламизми?

Бошқача қилиб айтганда, *айнан шу* ҳужжатларни ўрганишимиз керак деган биздаги ишонч қаердан?

## 4 БИЗ ЎША КИТОБЛАРНИ ЎҚИЯПМИЗМИ?

**Д**эн Брауннинг “Да Винчи коди” китобини катта завқ билан ўқиганман. Ажойиб тарздаги ўткир сюжетли роман бўлгани учун ўқиш жуда қизиқарли бўлган. Қаҳрамонлар қай тарзда жумбоқ ортидаги жумбоқнинг ечимини топиши ва бутун Европа бўйлаб саёҳат қилиб қадимий сирларни ошкор қилишини ярим тунгача ўтириб ўқирдим. Биринчи нашр вақтидан ҳозирги китоб ёзилган кунгача “Да Винчи коди” китоби Google хабарига кўра, 80 миллиондан ортиқ нусхада сотилган. Бу муваффақият қисман Дэн Брауннинг ҳикояни етказиб бериш қобилияти билан боғлиқ деб ўйлайман, аммо бу билан барчасини тушунтириб бўлмайди. Унинг юксак бадиий фазилатларида китобнинг юқори даражадаги савдоси сабабини излай олмаймиз. Йўқ, “Да Винчи коди” китобининг тижоратдаги муваффақияти ҳар қандай муаллифнинг орзуси ҳисобланади: мазкур роман бутун дунё бўйлаб баҳс-мунозарага сабаб бўлди.

Умуман олганда, кўплаб одамлар Браун томонидан ёзилган шов-шувли ҳикояни жиддий қабул қилмаган. “Да Винчи коди” китобининг биринчи бетида шундай ёзилган: “Ушбу китобдаги барча қаҳрамонлар ва воқеалар ўйлаб топилган, тирик ёки ўлган одамлар билан бўлган тасодиф воқеалар шунчаки тасодифдир”. Лекин китобнинг машҳурлиги ундаги баъзи ғояларни одамларнинг

онгига кириб боришига сабаб бўлди ва бу биз масиҳийларга ҳам таъсир кўрсатди. Бундай ғоялардан бири бизга яхши маълум бўлган Муқаддас Китоб ҳақида бўлиб, у сунъий равишда яратилган китоб тўплами, ҳатто бу дунёдаги энг кучлилар фитнасининг самараси деб тахмин қилинади. Бу фитна “Да Винчи коди” китобида қуйидаги тарзда намоён бўляпти:

“Қайси Хушхабар китобларини Муқаддас Китобга киритишни ким қарор қилган?” – деб сўради Софи.

“Ана!” – деди, Тибинг иштиёқдан портлаб. – “Мана бу масиҳийликнинг фундаментал истеҳзоси! Ҳозир биз билган Муқаддас Китоб, мажусий Рим императори Буюк Константин томонидан жамланган.”<sup>12</sup>

Тўғриси айтганда ҳикоянинг шу жойи унчалик келишмаган, аммо Браун ишонтирмоқчи бўлган ҳодисалар Муқаддас Китобга шубҳа қилувчилар орасида аллақачон маълумдир. Юзага чиқаётган манзара шуки, жамоат мавжудлигининг дастлабки уч асри давомида жуда кўплаб ҳужжатлар бутун Рим империяси бўйлаб эътибор ва таъсир учун курашишган. Уларнинг фикрига кўра ҳар бир имонлилар жамоатида Исонинг ҳақиқий таълимоти акс эттирилган ҳужжатлар тўплами бўлган. Ўша даврда масиҳийлик гуркураган ҳолатда бўлиб, унда ажойиб тарздаги хилма-хиллик ва жуда кўплаб ғоялар ҳукмронлик қилар эди! Бундан ташқари IV-асрнинг ўрталарида бир неча нуфузли фитна-нозирлар

---

12. Дэн Браун, *Да Винчи коди* (Нью Ёрк: Даблдей, 2003), 231-бет; [инглиз тили: Dan Brown, *The Da Vinci Code: A Novel* (New York: Doubleday, 2003), page 231].

хўмрайган юзлари билан Никеядаги кичик бир дам олиш масканида тўпланиб, мажусий-ҳимоячи бўлмиш Константин исми императорни қўлаб-қувватлашга қатъий қарор қилишади. Улар ўзи ёқтирган ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаб, бошқаларини қатъийан тақиқлашган. Улар ҳар қандай бошқа фикрларга қарши курашар ва уларнинг тасавурида бўлмаган Исога тегишли барча ҳужжатларни йўқ қиларди. Шу залда Янги Аҳд “канони” тасдиқланди ва турли ғояларни нурга олиб борувчи эшик, зиндон эшиги сингари ёпилди. Дунё зулмат ичида қолди.

Албатта ҳозир кўпиртириб гапиряпман, лекин кўпчилик Муқаддас Китобнинг қонун тарихини айнан шундай тасаввур қилади деб ўйлайман. Мен билган масиҳийларнинг аксарият қисми шубҳалар билан азобланган ҳолда, қуйидаги саволни беришар эди: “Керакли китобларни ўқиётганингизга аминмисиз?”

Мақсадимиз Муқаддас Китобнинг тарихий ишончли эканлиги ҳақида қатъий хулосага келиш бўлгани учун мазкур савол муҳим ҳисобланади. Ундай бўлса тўғри ҳужжатларни ўрганаётганимизга аниқ ишонч ҳосил қилишимиз керак. Агар кимдир Исо ҳақидаги тарихий ва *ишончли бўлган* бошқа китобларни чиндан ҳам йўқ қилган, ёқиб юборган ёки бошқа қандайдир йўл билан китоблар ҳақида сукут сақлашга ҳаракат қилган бўлса, унда Муқаддас Китобнинг тарихий аниқлигига бўлган ишончимиз сезиларли даражада заифлашиб бориши шубҳасиз.

Шунинг учун бу бобда, биз ўрганаётган ҳужжатлар айнан шуми? – деган саволга жавоб беришимиз керак. Бошқача қилиб айтганда, эътиборимизни қаратишимиз керак бўлган бошқа “Хушхабарлар” (ёки эҳтимол бўлиши мумкин) бордир? Эҳтимол, худди шу нарсаларни ўрганиш керак бўлгандир? Бошқаларини эмас, балки

айнан шу ҳужжатларни Муқаддас Китобга киритиш керак деган ишонч қаердан келди?<sup>13</sup>

## **КАНОН НИМА?**

Муқаддас Китоб *канони* деганда, масиҳийлар томонидан қабул қилинган китоблар рўйхатини ва Исо ҳақидаги билимлар манбаини тушунамиз. *Канон* сўзи юнон тилидан олинган бўлиб, “қоида” ёки “стандарт” деган маънони англатади. Нима учун масиҳийлар бу сўзни ўзларининг ишончли китобларида ишлатишини тушуниш қийин эмас. Бу ҳужжатлар ва фақат улар масиҳийларнинг ҳаёти ва таълимотини баҳолаши, шакллантириши, ва керак бўлса ўз ҳаёти ҳамда таълимотини тўғрилашга ёрдам берадиган *стандарт*дир. Албатта канон қандай пайдо бўлди деган савол туғилади. Киритилган китобларнинг шаклланиш жараёнини ҳисобга олган ҳолда, аслида нима содир бўлгани ҳақида аниқ маълумот олишимизнинг иложи борми?

Асл мақсадимиз чиндан ҳам Исонинг тирилганини исботлаш бўлгани учун Эски Аҳд канони ва унинг далилига кўп вақт

---

13. Ушбу бобни ёзишда қуйидаги китоблардан фойдаландим: Бломберг, Креиг Л. *Биз ҳали ҳам Муқаддас Китобга ишонишимиз мумкинми?* (Grand Rapids, MI: Brazos, 2014); Брюс, Ф. Ф. *Муқаддас Ёзув Канони* (Downers Grove, IL: IVP Academic, 1988); Ҳилл, С. Е. *Ким Хушхабарларни танлаган? Буюк Хушхабар Фитнасини текшириб кўриш* (Oxford: Oxford University Press, 2010); Уегнер, Паул Д. *Матнлардан таржималар томон саёҳат: Муқаддас Китобнинг келиб чиқиши ва шаклланиб бориши* (Grand Rapids, MI: Baker Academic, 1999); [инглиз тили: Craig L. Blomberg, *Can We Still Believe the Bible?: An Evangelical Engagement with Contemporary Questions* (Grand Rapids, MI: Brazos, 2014); F. F. Bruce, *The Canon of Scripture* (Downers Grove, IL: IVP Academic, 1988); C. E. Hill, *Who Chose the Gospels? Probing the Great Gospel Conspiracy* (Oxford: Oxford University Press, 2010); Paul D. Wegner, *The Journey from Texts to Translations: The Origin and Development of the Bible* (Grand Rapids, MI: Baker Academic, 1999)].

ажратмаймиз.<sup>14</sup> Мазкур мавзуга 7-бобда эътибор қаратамиз. Исо даврида деярли барча Эски Аҳд канонни тан олганини айтишнинг ўзи ҳозирча кифоя. Унинг Ўзи ва Унинг биринчи издошлари ҳеч қачон Эски Аҳдга нисбатан шубҳага бормаган.

Мақсадимиз учун асосий савол – Янги Аҳд канонини пайдо бўлишидир. Буни жуда муҳим масала деб айтиш мумкин, чунки Янги Аҳд ҳужжатларининг тарихий эканига бўлган ишончимиз унга қай тарзда жавоб беришга боғлиқ. Агар Янги Аҳд канони аниқликка тенг даъво қила оладиган бошқа китобларни тақиқлаган ҳокимиятга эга одамларнинг ёвуз фитнаси натижасида юзага келган бўлса, унда ҳозирги шаклдаги Янги Аҳдни тарихий жиҳатдан ишончли деб бўлмайди. Бундан ташқари, ўша китобларни танлаш мутлақо ўзбошимчалик билан қилинган бўлса, яъни бу учун бошқа яхши сабаблар бўлмаса, унда мазкур китоблар Исонинг аниқ ва ишончли қиёфасини беради деб айтиш қийин. Каноннинг шаклланиши қандайдир сирли бўлганида ҳам у худди шу қийинчиликларга дуч келган бўлар эди. Бошқача қилиб айтганда шахсий ҳис-туйғудан ташқари тарихий жиҳатдан айрим китобларни танлаб бошқасини истисно қилиш учун етарли асослар бўлмаса, унда уларни тарихий ишончли ҳужжат деб ҳисоблаб бўлмайди. Қисқа қилиб айтганда, Янги Аҳд ҳужжатларининг тарихий жиҳатдан ишончли деб ҳисоблашдан олдин қуйидаги саволни бериш керак: бошқа китобларни эмас, балки *айнан шу* китобларни ўрганишнинг сабаби нимада?

---

14. Эски Аҳд канони ва апокриф мавзуси бўйича мунозаралар ҳақида батафсил маълумотни олиш учун қуйидаги иккита китобларга қаранг: Брюс, Ф. Ф. *Муқаддас Ёзув Канони* (Downers Grove, IL: IVP Akademik, 1988); Уегнер, Паул Д. *Матнлардан таржималар томон саёҳат: Муқаддас Китобнинг келиб чиқиши ва шаклланиб бориши* (Grand Rapids, MI: Baker Akademik, 1999); [инглиз тили: Wegner, Journey, 101–30; F. F. Bruce, “Old Testament,” part 2 in *The Canon of Scripture*].

Мазкур саволга қисқа жавоб берадиган бўлсак, унда жавобимиз “ҳа” ва бунга жиддий сабаблар бор. Бироқ бундай хулосага келиш ҳаракатни талаб қилади. Бу ҳаракат икки қадамдан иборат. Биринчи ўринда, кўпчилик томонидан қабул қилинган “Да Винчи коди” фикридан халос бўлиш керак, гўё Янги Аҳд канонини нуфузли нозир-фитначилар яратиб, эътиборга лойиқ бўлган кўплаб ҳужжатларга тақиқ қўйган ҳолда ноинсоф ва ноҳақ йўл тутгандек. Иккинчи ўринда, илк масиҳийлар бошқа ҳужжатларни эмас, балки айнан шуни қабул қилиши учун жиддий асослар борми? Агар бошқа ҳужжатлар тақиқланмаган бўлса, биринчи жамоат жиддий асосларга суянган ҳолда ҳужжатларни қабул қилган бўлса, унда керакли китобларни ўқиётганимизни ишонч билан айта оламиз.

## **ХУШХАБАРЛАРНИНГ КўПЛАБ ТУРЛАРИ?**

Бошқа ҳужжатларни тақиқлаш мақсадида тил бириктириш бўлган ёки бўлмаганидан бошлаймиз. Нима бўлишидан қатъий назар бу фикр бемаъни бўлиб туюлади, сабаби мана нимада.

Биринчидан, илк жамоат бутунлай бошқа эътиқоддаги китобларга шўнғиган дейиш нотўғри. Жамоат мазкур муаммони ҳал қилиш учун (баъзан бунинг рангли тарзда тасвирлайди) фақат сеvimли китобларни қолдириб, қолган ажойиб китобларни ўрмондаги дарахтларни кесиб ташлагандек йўқ қилмади. Илк масиҳийларда бу каби турли эътиқодлар бўлмаган. Аслида I-асрга таалуқли бўлган *ягона* масиҳий асар охир-оқибат Янги Аҳд таркибига кирди. Бундан ташқари: II-асрнинг биринчи ярмида ёзилган қуйидаги китоблар бир қатор ўқитувчилар томонидан ёзилган бўлиб, биз уларни ҳаворий эрлар деб атаймиз. Бу одамлар Янги Аҳдда баён этилган таълимот билан ҳайратланарли даражада бир бўлган. Фақат II-асрнинг

охирида, Янги Аҳдга киритилган китоблардан кейин юз йил ўтиб, аввал баён этилган таълимотдан сезиларли даражада фарқ қилувчи ҳужжатлар пайдо бўлган. Ҳатто сал кейинроқ бажарилган ишларда ҳам уларнинг муаллифлари аввалги китоблар ҳақида билишган. Бинобарин, улар кучли ва мустаҳкам аънаналарга қарши бўлган.

Бу нима ҳақида гапиради? Масиҳийлик тарихининг дастлабки икки асрида “Хушxabарлар” ва бошқа китобларнинг ниҳоятда кўплиги ва бу китоблардан хоҳлаганини танлаб олиши мумкинлиги ҳақидаги ғоя ёлғон. Янги Аҳд китоблари бўлган, кейин юз йил ўтиб бошқалар – Янги Аҳд таълимотига шубҳа туғдиришга уринган бошқа муаллифлар пайдо бўлган.

Иккинчидан, фитнанинг барча назариялари мазкур ғоядан ташкил топган – гуркираб кетган хилма-хиллик, бир неча асрлар давомида китобларнинг ниҳоятда кўпайиб кетгани, бу ҳолат IV-асрга қадар нозирлар ман этмагунга қадар давом этди. Бироқ жамоат Янги Аҳд китобларини ишончли эканини фитна назариясига рухсат берилишидан анча олдин тан олган кўринади. Одатда шубҳа қилувчилар IV-асргача канон йиғилиш ёки нозирлар томонидан тасдиқланмагунча, ҳеч қандай канон бўлмаган деб таъкидлайдилар. Жамоат IV-асрга қадар бир нечта Янги Аҳд ҳужжатларини ишончли эканлиги ҳақида баҳслашаётган бўлса-да, бугунги кунда Янги Аҳдга киритилган китобларнинг аксарият қисми II-асрнинг охирида масиҳийлар томонидан кенг эътироф этилганини тарихда кўришимиз мумкин. Бундан ташқари, ушбу китобларнинг аксарият қисми (жумладан, Ҳаворий Павлуснинг кўп мактублари) I-асрнинг охирида ишончли деб тан олинган.

Тўртта Хушxabарга келадиган бўлсак – Матто, Марк, Луқо ва Юҳанно Хушxabарларини жамоат IV-асрдан анча олдин, уларнинг ишончли эканини тан олгани ҳақида жиддий асосларимиз бор.

Бу нуқтаи назарнинг ҳимоячиларидан бири – нозир Ирений Лионскийдир. У 180-йилда дунёда тўрт асосий шамол ва тўрт томон бўлгани учун Худо жамоатга тўртта Хушхабарни беришни лозим топди деб ёзган. Кўп йиллар мобайнида баъзилар Иринеининг бу фикрини мазах қилиб келди. Уларнинг фикри шундай эди: тўртта шамол бор бўлгани учун тўртта Хушхабар бўлиши керак деб фақат аҳмоқ айта олади. Бундай бемаъниликка қандай ишониш мумкин? Хулоса қилишга шошилманг. Иринеий *мантикий* далилларни келтиришга ҳаракат қилмаган. У шубҳа қилувчиларни *ишонтирмоқчи* эмас. Унинг сўзлари – эстетик усул бўлиб, бу билан масиҳийларда тўртта Хушхабарнинг борлиги қанчалик яхши эканини айтмоқчи. Мазкур сўзлар биринчи навбатда *алақачон ишониб*, фақат тасдиққа муҳтож бўлганлар учундир. Бу тарихий далилни билдиради. Иринеий бунини шубҳа қилувчи одамларни ишонтириш учун эмас, балки алақачон ишонганларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ёзган: 180-йилда ҳамма жойда аслида ҳам *тўртта фақат тўртта Хушхабар* борлигини тан олишган.

Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Агар излашни давом эттирсак апологет Жафокаш Иустин [Justin Martyr] тахминан 150-йилда тўрт Хушхабарнинг ҳоқимиятга эга эканлигини, яъни ишончилигини тан олиши ҳақида ёзгани кўрамиз. Папий [Papius] ҳам айнан шу сўзларни 110-йилда тасдиқлаган. Бундан ташқари янада қизиқарли далиллар ҳам мавжуд: Папий Ҳаворий Юҳаннонинг ўзи ёзган Хушхабардан ташқари яна учта Хушхабар борлигини тан олганини айтиб ўтган.<sup>15</sup>

---

15. Хилл, С. Е. *Ким Хушхабарларни танлаган? Буюк Хушхабар Фитнасини текшириб кўриш* (Oxford: Oxford University Press, 2010), 207-225-бетлар; [инглиз тили: С. Е. Hill, *Who Chose the Gospels? Probing the Great Gospel Conspiracy* (Oxford: Oxford University Press, 2010), pages 207-225].

Масала қуйидагича. Илк масиҳийлик ҳақида бошқалар томондан тан олинмиш учун тенг курашаётган ва тўрттинчи асрдаги бир неча епископ ва маъжусий император томонидан бостириб йўқ қилинмагунча тарқалиб борган кўплаб хушхабар ёзувчилари ва мактуб муаллифлари кўплиги сифатидаги умумий қараш шунчаки, уйдирмадир. Тарихий ҳақиқат Янги Аҳд ҳужжатларининг аксариятини, хусусан тўртта Хушхабарни дарҳол ишончли деб топишидадир. Барча томондан қабул қилинган китобларга шубҳа уйғотувчи уйдирма гаплар бир неча асрлардан кейин пайдо бўлган. Агар бу тўғри бўлса, унда Янги Аҳд канонини аниқлаш учун муҳим қадам ташлаган бўламыз: баъзи китобларни танлаб, бошқа худди шундай ишончли лекин ноқулай бўлганларини йўқ қилиш фитнаси бўлмаган.

## **ТАНЛАМАГАН БЎЛСАК ҲАМ ОЛДИК**

Жавоб бериш керак бўлган яна бир савол бор. Янги Аҳд ҳужжатларини кимнингдир ёмон нияти ёки ёлғони билан канонлаштирилмаган бўлса ҳам, савол беришимиз керак: илк масиҳийлар айнан шу ҳужжатларни канонга киритиши ҳақида асосли сабаблар бўлганми?

Тўхтаб туринг. Аввалги сатр бошини нотўғри ифодаладим. Илк масиҳийлар ҳеч қачон канонга қўшиладиган китобларни “танлаш” ҳақида гапирмаган. Нимага айнан шу китобларни танлагани ҳақидаги савол, улар учун нимага айнан шу ота-онани танлагансиз деган савол билан бир хил бўлиб жаранглаган.

Илк масиҳийлар бунга бутунлай бошқача ёндашган. Канонга киритилган ва киритилмаган китобларни бирма-бир ёзган пайтда, улар “биз олдик” ва “бу китоблар бизга берилди” деган ибораларни

ишлатишган. Улар китобларни ажратиб, сўнг ҳар бирига баҳо бериб, қўллари билан кўрсатиб *танламаган*. Аксинча, очиқ қўллар билан қабул қилишган.

Кўриб турганингиздек бу ерда гап маъно ва ҳатто (ҳозирча) руҳий жиҳатдан қабул қилиш ҳақида эмас, балки тарихий жиҳатдан қабул қилиш ҳақида кетяпти. Мазкур ҳаракат канон қандай шаклланганини тушунишимиз учун катта аҳамиятга эга. Жамоат канон учун китобларни танлаб олган деб ҳисоблайдиган бўлсак, унда у маълум бир ўхшаш китобларни танлаган ҳолда тоза вароқдан бошлагани, кейин эса уларга баҳо бериб қайси бири афзал эканини ҳал қилган бўлади. Аммо бунга ўхшаш ҳолат ҳеч қайси илк жамоатда содир бўлмаган. Аслида ҳар бир жамоат – ҳар бир авлод – тоза вароқдан эмас, балки олдинги авлоддан *мерос бўлиб қолган* бир нечта ишончли, яъни ҳокимиятга эга бўлган китоблардан бошлаган. Олдинги авлод ундан олдинги авлоддан олиб, шу тарзда – ҳаворийларнинг ўзидан олинган бўляпти. Тўғри, мерос бўлиб қолган китоблар баъзан у ёки бу даражада шубҳага сабаб бўлган бўлиши мумкин, аммо масиҳийлар бунини ҳал қилиши керак бўлган. Лекин факт бўлиб қолади: улар *танлаш* ёки *қарор қилиш* ҳақида гапирмаган. Улар *берилган нарсани қабул қилгани* ҳақида гапирган. Бу мазмунига нисбатан камтарона муносабатдир. Улар танламади, балки қабул қилди.

## **ЖИДДИЙ АСОСЛАР**

Шунга қарамай, илк масиҳийлар нима учун керакли ҳужжатларни ишончли деб тан олгани ҳақида сўрамоқчиман. Эски анъаналарга шубҳаланиб, у ёки бу китоб мос келмаслигини айтганларга ва шу вақтнинг ўзида бошқалар бунини ҳақиқат деб маъқуллаганларга қандай жавоб беришган? Илк масиҳийлар қуйидаги гапни айтиши

учун ишончли мезонга эга бўлганми: “Ҳа, тўғри китобни мерос қилиб олганимизга аминмиз, бунинг сабаби мана шу” ёки “Йўқ, бу нотўғри китоб эканига аминмиз, мана нима учун шундай деяпман”? Наҳотки улар *кўр-кўрона тарзда* берилган нарсаларни мерос қилиб олган бўлса ёки китобларнинг ҳақиқат эканини кўрсатувчи бошқа сабаблар бўлганми?

Жавоб – ҳа, улар маълум бир асос ва мезонга эга бўлган ва бу мезонларнинг асосий қисми ҳаворийлик, қадимийлик, ортодоксалик (тўғри нарсаларга ишониш ва таълим бериш) ва тарқатишдан ташкил топган.

Вақтимиз бемалол, жойимиз эса етарли даражада кенг бўлганида илк манбаларнинг барчаси билан танишиб чиқиб, *нега* масиҳийлар жамоатда у ёки бу ишончли китобларни тан олиш кераклиги ва аксинча тан олиш керак эмаслиги ҳақида қандай мулоҳаза қилганини, ҳамда шу тадқиқот орқали тўрт мезон (ва бошқалари) қандай пайдо бўлганини билиб олар эдик. Бироқ вақтимиз ҳам, жойимиз ҳам йўқ, қолаверса китобимиз ҳам катта эмас! Бахтимизга қадимги ҳужжатларнинг бирида тўртта мезондан камида учтаси тақдим этилган. Мазкур ҳужжат Муратори канони (ёки Муратори парчаси) деб номланиб, у VII-VIII-асрларга таалуқлидир. Бу ҳужжат лотин таржимасида бўлиб, аслида II-асрнинг охирида юнон тилида ёзилган. Унинг тўлиқ матнини канон мавзусига оид бўлган китобдан топишингиз мумкин (иловага қаранг), биз бўлса ушбу мезонлар қандай қўлланилишини бир нечта жумла орқали кўриб чиқамиз. Келинг энг муҳимидан бошлаймиз: ҳаворийлик.

### **1-асос: Хаворийлик**

Ҳаворийлик – оддий маънога эга бўлган мураккаб сўздир. Бу ҳужжат ҳаворийлардан бири ёки ҳаворийлар билан яхши таниш

бўлган шахс томонидан ёзилганини билдиради. Мураториевнинг Канонининг муаллифи, китобларнинг каноний эканлигини тасдиқлаб, яна ва яна айнан шу мезонга мурожаат қилади. Мисол учун: “Тўртинчи Хушхабар шогирдлардан [бирига] Юҳаннога тегишли”. Луқо Хушхабарини Ҳаворий Павлуснинг розилиги билан Луқонинг ўзи ёзган. Шунга ўхшаш жумлалар билан муаллиф Павлуснинг мактублари ҳақида шундай ёзади: “Марҳаматга сазовор ҳаворий Павлуснинг ўзи. . . номини айтиб фақат етти жамоатга мурожаат қилади”.<sup>16</sup>

Ҳаворийлик муҳим мезонлардан бири бўлиб, илк жамоат шу мезон орқали у ёки бу китобнинг канон даражасини аниқлаган. Унинг моҳияти жуда оддий ва кучли: ҳар ким ҳам Исо Масиҳ ҳақида китоб ёзиши, ҳамда жамоат уни муқаддас деб тан олиши мумкин эмас эди. Йўқ, бу ҳокимият даражаси Исонинг ўзи ҳаворийлар сифатида махсус тайинлаган кишилар ва ҳаворийларнинг бир нечта яқин шериклар учун ажратилган эди.

Бу ерда қизиқ бир ҳолатни таъкидлаб ўтиш керак, II-VI-асрларда кўп муаллифлар ўз ёзганларини Муқаддас Китоб сифатида таклиф қилиб, *ҳаворийлар ёки I-асрда яшаган Исонинг издошлари номидан ёзган ҳолда* жамоатни алдашга ҳаракат қилган! Улар нимага бундай йўл тутган? Ҳаммаси жуда оддий: ўз ёзганларини ҳаворийлар ёки уларга яқин бўлган одамлар номидан ёзмаса, буларни ҳеч ким тан олмаслигини улар яхши билган.

---

16. Жумла Мураториев канонининг электрон кўринишидан олинган: Уегнер, Паул Д. *Матнлардан таржималар томон саёҳат: Муқаддас Китобнинг келиб чиқиши ва шаклланиб бориши* (Grand Rapids, MI: Baker Academic, 1999) 147-бет; Стивинсон, Янгу Евсевий: *Милодий 337-йилгача бўлган даврдаги жамоат тарихига доир ҳужжатлар*, 137-138-бетлар; [инглиз тили: Quoted in Wegner, *Journey*, 147, and in J. Stevenson, ed., *A New Eusebius: Documents Illustrating the History of the Church to AD 337*, 3rd ed., rev. W. H. C. Frend (Grand Rapids, MI: Baker Academic, 2013), pages 137–38].

## **2-асос: Қадимийлик**

Қадимийлик мезони ҳаворийлик мезони билан чамбарчас боғлиқ. Биринчи ўринда китоб чиндан ҳам ҳаворийликка оид ёки оид эмаслигини аниқланган. Оддий қилиб айтганда, китоб ҳаворийлик ҳокимиятига эга бўлиши учун I-асрга тегишли ва қадимий бўлиши керак эди. II-асрнинг бошларида барча ҳаворийлар вафот этгани сабаб, кейинроқ ёзилган китоблар тан олинмаган. Шундай қилиб, қадимийлик канонликни *кафолатламаган*, лекин китобнинг қадимий эканлиги тасдиқланмагунча канонга киритишга *рухсат берилмаган*.

Айнан шу ерда “Ермнинг Чўпони” номли китобни Мураториевнинг канони рад қилётганини кўриш мумкин, чунки “Ерм Чўпон ҳақида яқинда, ҳозирги кунда Рим шаҳрида ёзган . . . Шунинг учун . . . уни жамоатдаги одамлар, кўплаб пайғамбарлар ва ҳаворийлар орасида ўқиб бўлмайди”.<sup>17</sup> Илк масиҳийлар янгиларни қабул қилмасликка қарор қилган!

## **3-асос: Ортодоксалик**

Канонга киритиш учун учинчи мезон: китоб Исонинг ўзидан мерос бўлган анъанавий таълимотни акс эттирган ҳақиқатга мос келиши керак бўлган. Дастлаб таълим оғзаки бўлиб, у йиллар давомида оғиздан оғизга узатилган. Бироқ Хушxabарлар ва мактублар ёзилиб, уларни ҳокимиятга эга бўлган, яъни ишончли тан олингандан кейин, канон орқали бошқа китобларни солиштириш мумкин бўлган. Шунинг учун қайсидир китоб тан олинган ишончли манбага зид келадиган нарсани ўргатса унда уни рад этишган. Мураториев

---

17. Жумла Мураториев канонининг электрон кўринишидан олинган: Уегнер, *Матнлардан* 148-бет; Стивинсон, *Янги Евсевий: Милодий 337-йилгача бўлган даврдаги жамоат тарихига доир ҳужжатлар*, 138-бет; [инглиз тили: Quoted in Wegner, *Journey*, 148, and in J. Stevenson, ed., *A New Eusebius*, page 138].

канонининг муаллифи тўрт Хушхабар ҳақида шундай дейди: “Хушхабар китобларида турли тарздаги воқеаларни ўқисак ҳам бу масиҳийларнинг имонига таъсир қилмайди, чунки ҳар бири [Хушхабар] бир Рухда эълон қилинган: туғилиш, азобланиш, тирилиш, шогирдлар билан бўлган ҳаёт ва Унинг иккинчи бор келиши”.<sup>18</sup> Тўрт Хушхабар нафақат ҳаворийлар томонидан ёзилган ва нафақат қадимий, балки ҳаммага маълум ҳақиқатни акс эттиргани учун уларни шубҳасиз канон деб тан олишган.

#### **4- асос: Тарқалиш**

Илк жамоат учун канонни тасдиқлашда муҳим бўлган яна бир мезон китобларнинг тарқалиши бўлган. Мезоннинг моҳияти, барча масиҳийлар фойдаланган ва ҳурматга сазовор деб билган ишончли ва ҳокимиятга эга бўлган китобларни тан олишдан иборат бўлган. Агар китоб фақат бир мазҳабда пайдо бўлган ёки фақат битта минтақада ўқилган бўлса унда у рад этилган. Бошқа томондан бутун дунёдаги масиҳийлар мурожаатидан сўнг, бу ёки у китобга бўлган шубҳалар сезиларли даражада камайган. Мисол тариқасида Ибронийлар мактуби ва Ваҳий китобини кенг тарзда тарқалгани ва охир-оқибат ҳар иккала китоб ҳам канон деб тан олинганини айтиш мумкин.

### **БИЗ ЎША КИТОБЛАРНИ ЎҚИЯПМИЗМИ?**

Қандай хулосага келдик? Аввало Янги Аҳд канони виждонсиз фитначилар томонидан ярим тунда бир китобни танлаб,

---

18. Жумла Мураториев канонининг электрон кўринишидан олинган: Уегнер, *Матнлардан* 147-бет; Стивинсон, *Янги Евсевий: Милодий 337-йилгача бўлган даврдаги жамоат тарихига доир ҳужжатлар*, 137-бет; [инглиз тили: Quoted in Wegner, *Journey*, 147, and in J. Stevenson, ed., *A New Eusebius*, page 137].

бошқасини Исога нисбатан нотўғри қарашда бўлгани учун тақиқлаб тузилмаганлигига амин бўлдик. Аслида “бошқалар” деган ибора узоқ вақт давомида бўлмаган. Бу ибора яхши ташкил этилган, кучли аъналарга бўлган муносабат сифатида пайдо бўлган. Бундан ташқари, илк масиҳийлар канонни тузишда фақат сирли илҳомга таянмаганига, ўзбошимчалик билан иш тутмаганига, ҳамда ишонувчанлик ҳисси билан бошқарилмаганига амин бўлдик. Бундай бўлмаган. Бошқа китоблар эмас, балки айнан шу китоблар Исонинг ҳаёти ва таълимотини яхшироқ етказиб беришини кўрсатувчи ишончли ва ҳатто тарихий маънога эга бўлган асосларга эга бўлган: улар ҳаворийлар (шу билан бирга қадимий) томонидан ёзилган бўлиб, авлоддан-авлодга узатилгани ҳақидаги ҳақиқат рост. Бутун дунёдаги масиҳийлар бу китобларни ҳурмат билан қабул қилиб, уни ҳокимиятга эга деб ҳисоблайди.

Шунинг учун Муқаддас Китобдаги Янги Аҳднинг ҳақиқийлиги ҳақида гап кетганида шундай фикр юритиш керак: уларнинг ҳеч бири бу ердаги мезонларга қарши эмас. Айрим китобларнинг текширувдан ўтиши учун кўпроқ вақт талаб қилингани ҳеч кимга сир эмас, аммо жамоат ҳар бир китоб тўлиқлигича ҳокимият мезонига жавоб беришини тан олган. Мазкур мезонларга асосланиш Янги Аҳд китобларидан ҳеч *бирини канондан чиқармасликни* англатади. Уларнинг барчаси қадимий, барчаси ҳаворийлар ёки уларга яқин бўлган одамлар томонидан ёзилган, барчаси мерос бўлиб қолган ҳақиқатга мос ва барчаси бутун дунё томонидан тан олинган. Бир сўз билан айтганда, уларнинг барчаси Исонинг ҳаёти ва таълимотини ишончли далилидир.

Бундан ташқари – эҳтимол бу муҳимроқдир, лекин бутун давр мобайнида *канонга мос келадиган* битта ҳам ҳужжат бўлмаган, қандайдир сабабларга кўра унга алоқадор бўлмаганини назарда

тутяпман. Тўғри, биринчи асрдаги баъзи китоблар одамларни ҳайратлантирган, шунинг учун уларнинг ҳар бирини етарли даражада қадимий бўлмагани, етарлича ҳаворийликка мос эмаслиги, тан олинган таълимотга мос келмаслиги ёки кенг тарзда қабул қилинмаганлигини тан олишган. Бу мезонларнинг бошқа бирикмалари ҳам бўлиши мумкин. Мисол тариқасида “Ермнинг Чўпони” қадимий мезонга ва шу билан бирга ҳаворийликка мос келмаслигини кўрдик. Ерм ҳаворий бўлмагани ва ҳаворийлик доирасига тегишли бўлмагани учун илк масиҳийлар унинг иши ишончли каноннинг бир қисми бўлмайди деган хулосага келган. “Петрус баён этган Хушхабар” бошқа айрим китоблар сингари икки мезонга жавоб бермайди. Биринчидан, у ерда гўё Исо яширинча таълим бергани ва Унинг мазкур насиҳати очиқ айтилган сўзларга зид эканини кўриш мумкин. Шундай қилиб бу “хушхабар” ортодоксиалликка дош беролмаган. Иккинчидан, уни фақат бутун дунё бўйлаб тарқалган алоҳида жамоатлар тан олгани учун у яна тарқалиш синовига ҳам дош беролмаган. Лекин энг машҳур мисол бу “Томас баён этган Хушхабар” ҳисобланади. Ушбу хушхабар фақатгина II-асрда ёзилгани учун рад этилмаган (бу мазкур Хушхабарни ҳаворий Томас ёзмаганини билдиради, чунки бу вақтда Томас вафот этган), балки у ердаги ғоялар барчага бегона бўлиб, Исо таълимотига зид келгани учун рад этилган.

Келинг бу саволга бошқача ёндашамиз: агар сизда Янги Аҳд канонини тоза варақдан тузиш имкони бўлганида, ишониш керак бўлган ва аксинча ишониш керак бўлмаган қадимий ҳужжатларни қандай мезонларга асосланиб танлаган бўлар эдингиз? Қуйида келтирилган мезонлардан яхшироғини таклиф қила оласизми, шу ҳақда ўйлаб кўринг?

Ишончли китоблар деб қуйидагилар ҳисобланади:

- 1) Исога яқин бўлганлар томонидан ёзиб тасдиқлаган (қадимийлик ва ҳаворийлик);
- 2) биз билган Исо Масиҳнинг таълимотидан фарқ қилмайдиган (ортодоксиаллик);
- 3) мазҳаб томонидан тузилмаган ва фақат битта минтақада тан олинмаган, аммо кўплаб масиҳийлар томонидан кенг қўлланилган (тарқалиш).

Тўғри, энг яхши мезонларни танлаш жуда қийин.

Шундай бўлса-да, Янги Аҳднинг қайси китобларини ўз канонингиздан чиқариб ташлаган бўлар эдингиз? Бу масиҳийлик таълимотини қай даражада ўзгартирди? Бошқача тарзда сўрайман: сизнингча *бошқа яна қайси китоблар* канонга киритилиши керак? “Ермнинг Чўпони” канонини илк масиҳийлар Исонинг ўлиmidан бир неча асрдан кейин ноъмалум шахс томонидан ёзилган деб ҳисоблашса ҳам сиз бу канонни маъқуллар эдингизми? “Петрус баён этган Хушxabар” Петрус томонидан ёзилмаган бўлса ҳам, сиз уни канонга киритган бўлармидингиз? Бундан ташқари, муаллиф Исонинг ҳеч ким эшитмаган баъзи насиҳатларини масиҳийликка олиб келишга ҳаракат қилган. Томас томонидан ёзилмаган “Томас баён этган Хушxabарга” нима дейсиз? Агар шундай бўлса канонга қўйидагиларни қўшишга тўғри келар эди:

“Шимўн Петрус уларга деди: “Марям бизни тарк этсин чунки аёллар ҳаётда яшашга лойиқ эмас.” Исо шундай деган: “мана мен уни эркакка айлантириб юборяпман, токи унинг руҳи сиз эркакларга ўхшаб тирик бўлсин. Чунки ҳар бир эркак бўлган аёл осмон шоҳлигига киради.””<sup>19</sup>

---

19. *Томас баён этган Хушxabар*, 114-фикр; жумла электрон кўринишда; [инглиз тили: *The Gospel of Thomas, saying 114*; English translation quoted in Blomberg, *Can We Still Believe the Bible?*, 73].

Ха жиддий айтяпман, у ерда шундай ёзилган. Агар мазкур саволга виждонан ёндошадиган бўлсак, илк жамоат тузган ишончли ҳужжатлардан яхшироқ тўпламни йиға олмаган бўлар эдик деб ўйлайман.

Илк масиҳийлар чиндан ҳам Исо гапирган ва бажарган воқеалар ҳужжатларини ишончли деб ҳисоблаш бўйича яхши иш олиб борган кўринади. Бир томондан, баъзи бир бошқа мутлақо ажойиб тарздаги ҳужжатларни йўқ қилиш учун сиёсий фитна йўқдек бўлиб кўринади. Бошқа томондан, илк масиҳийлар ҳужжатларнинг ишончлилик даражасини талаб қилиши, ҳужжатларнинг жуда ишончли эканини кўрсатади.

Агар ҳақиқатдан ҳам шундай бўлса, бизда бошқа ҳужжатлар борлигидан ва қаердадир яна бошқа ҳужжатларда Исонинг тимсоли Янги Аҳдга қараганда *яхшироқ* акс эттирилганидан кўрқмаслигимиз керак. Бундан ташқари китобларимиз *энг қадимий ва энг ишончли* эканига амин бўлишимиз мумкин.

Мазкур ҳужжатларнинг муаллифлари билганини аниқ тарзда етказишга ҳаракат қилгани мақсадимиз учун катта аҳамият касб этади.

Лекин ундай бўлмасачи?

## 5 СИЗГА ИШОНСАМ БЎЛАДИМИ?

Кўча одамлар билан тўла. Шаҳардаги шовқин худди янги йил кириб келганини эслатади. Бир дақиқа . . . Ҳозир душман Пэлисейдсдан кўриняпти. Бешта – бешта улкан машина. Биринчиси дарёни кесиб ўтяпти. Мен уни шу ердан кўряпман . . . Менда маълумот бор . . . Бутун мамлакат бўйлаб марс цилиндрлари кўнди. Бири Буффало атрофига, бошқаси Чикагога, яна бири Сент-Луисга . . . Улар вақтни ва кўниш жойини ҳисоблаб чиққанга ўхшайди . . . Биринчи машина қирғоққа етиб борди. Шаҳарни кўздан кечирмоқда . . . Қолганларни кутяпти. Ғарбда улар гўё янги миноралар каби ўсяпти . . . Улар металл қўлларини кўтарди. *Тамом*. Атрофдаги барча нарсалар тутун ичида . . . бутун шаҳар қора тутун ичида қолди. Кўчаларда одамлар! Шарқ Дарёси томон минглаб одамлар каламуш каби югурмоқда! Тутун борган сари тез тарқалиб, Таймс-скверга етиб борди. Ҳамма қочишга ҳаракат қиляпти, лекин бу фойдасиз. Одамлар пашша каби йиқилияпти! Тутун Олтинчи авенюни . . . Бешинчи авенюни ҳам қамраб олди... тутун мендан юз метр . . . йигирма метр нарироқда . . .

[Нафас сиқадагиган йўтал овози, кураш овози ва сукут. Кейин шовқин ортидан овоз эшитилди:] 2X2L барчани чақиради, 2X2L барчани чақиради . . . Нью-Йорк?

Эфирда кимдир борми? Эфирда кимдир борми? Кимдир борми? . . .”<sup>20</sup>

1938-йил 30-октябрнинг якшанба кунида, тахминан соат 20:15 да, Америкадаги барча одамлар “Си-би-эс” – “Коламбия бродкастинг систем”даги янгиликларни эшитиш мақсадида радиони ёқишади. Бир неча дақиқадан сўнг Нью-Йоркда бўлган радионинг продюсери телефон қўнғироғини қабул қилади: шаҳарлардан бирининг ҳокими ғазабланган ҳолда эфир орқали узатилаётган эшиттиришни тўхтатишни талаб қилади, чунки кўп одамлар кўчага чиқиб кетган эди. Кўп ўтмай бошқа янгилик нашрларининг мухбирлари “Си-би-эс” нинг бош офисини қамраб олиб изоҳ талаб қилишади:

Кейинги бир неча соат ичида ҳақиқий даҳшат ҳукмронлик қиларди. Бинони тўсатдан оломон эгаллаб олди. Атрофдаги одамлар тўқ-кўк рангдаги кийимда эди . . . Ниҳоят, даҳшатли тафсилотларни билишга қизиқаётган матбуотдагиларни киришига рухсат берилди. Қанчадан-қанча ўлим ҳақида эшитганмиз (минглаб одамлар ўлганини улар билади деб назарда тутилган эди)? Нью-Жерси залдаги ҳалокатли сур-сур ҳақида нима биласиз (бу ягона сур-сур эмаслиги назарда тутилган эди)? Ҳалокатли йўл ҳаракати ҳодисалари ҳақида нима биласиз (гўё барча йўллар жасадлар билан тўлиб кетгандек)? Ўз жонига қасд қилиш ҳақида нима дейсиз (Риверсайд-драйвда жонига қасд қилганлар ҳақида

---

20. “Одамлар уруши” радио эшиттиришидаги асл матн; [инглиз тили: “The War of the Worlds,” Internet Sacred Text Archive, accessed May 26, 2015, <http://www.sacred-texts.com/ufo/mars/wow.htm>].

эшитмаганмисиз?)? Буларнинг барчаси ҳақида менда жуда даҳшатли хотиралар қолган.<sup>21</sup>

Маълум бўлишича ўша тунда ҳеч қандай ўлим ҳолати – на сур-сур ёки на ўз жонига қасд қилиш, на автоҳалокат юз бермаган. Марсликлардан ҳам ҳеч ким зарар кўрмаган. Кўплаб одамларни ваҳимага солган “Янгиликлар хизмати”, аслида Герберт Уэллснинг “Оламлар уруши” романи экан.

Радио эшиттириш туфайли бундай ваҳиманинг нима учун бошлангани ҳалигача номаълум, чунки бундай эшиттиришлар олдин ҳам бўлган. “Оламлар урушининг” ўзи “Меркьюри театри эфирда” номли циклнинг бир қисми бўлган. Аммо ўша ҳолатда вазиятлар бирлашиши содир бўлди: Германия билан уруш ҳақидаги таҳдид, эълон учун жуда кам бўладиган танаффуслар, баъзи тингловчилар бошқа радиотўлқинда бериладиган машҳур дастур тугамагани туфайли эшиттиришнинг бошини ўтказиб юборган бўлган. Натижада кўп одамлар *Нью-Йоркга чиндан ҳам марсликлар ҳужум қилганига ишонган!*

Мазкур ҳодисани Исонинг ҳаётида Муқаддас Китобга асосан содир бўлган воқеа билан солиштириш қизиқарли бўлса керак. Биз ҳам “Оламлар уруши” тингловчилари каби хушxabарчиларнинг ниятини тушунмаган бўлсак-чи? Улар бўлиб ўтган воқеани эмас, балки бошқа мақсадни назарда тутган ҳолда санъат асари, афсона ёки алдашга ҳаракат қилган бўлса-чи?

Ҳозир қуйидагиларга аниқ аминмиз:

---

21. Жон Ҳаусман, *Югуриб ўтиш: Мемуар*, (Ню Ёрк: Симон ва Шустер, 1972), 404-бет; [инглиз тили: John Houseman, *Run Through: A Memoir* (New York: Simon & Schuster, 1972), page 404].

1. Бизда Муқаддас Китоб қўлёзмаларининг аниқ таржимаси мавжуд.
2. Бугунги кунгача сақланиб қолган қўлёзмалар асл ҳужжатларнинг мазмунини аниқ акс эттиради.
3. Биз тўғри ва энг ишончли ҳужжатларни ўрганаёпмиз.

Мана кейинги савол: Муқаддас Китобга оид бўлган ҳужжатларни *ёзган одамлар ишончли эканини* биламизми? Улар ўзларининг фикри бўйича содир бўлган воқеани аниқ тарзда етказишга чиндан ҳам ҳаракат қилганми?<sup>22</sup>

## **ЙЎЛ-ЙЎРИҚ ҚИДИРАМИЗ**

Энг қизиғи, тингловчилар эътиборига “Оламлар уруши” эфирга узатилган пайтда, бу янгиликлар эмас балки санъат асари эканлиги ҳақида бир неча бор такрорлашган. Бу зўрға кўринадиган ишора бўлмаган. Мисол учун, эфирда узатилган илк сўзлар қуйидагича жаранлаган: «“Коламбия бродкастинг систем” ва ретрансляция станцияси намойиш этади: Герберт Уэллснинг “Оламлар уруши” асари, Орсон Уэллс ва “Меркьюри театри эфирда” кўмаги остида эфирга узатилляпти».<sup>23</sup> Сухандонни марсадаги газ бўғиб қўйгандан кейин шундай сўзлар жаранглади: «Сиз “Си-би-эс” ни тинглаяпсиз, эфирда Герберт Уэллснинг “Оламлар уруши” асари, бу асар Орсон Уэллс ҳамда “Меркьюри театри эфирида” томонидан тақдим

---

22. Ушбу бобни ёзишда қуйидаги китобдан фойдаландим: Бломберг, Креиг Л. *Хушxabарларнинг тарихий жиҳатдан ишончлилиги* (Downers Grove, IL: IVP Академик, 2007); [инглиз тилш: For this chapter, I have relied especially on Craig L. Blomberg, *The Historical Reliability of the Gospels*, 2nd ed. (Downers Grove, IL: IVP Academic, 2007)].

23. “Оламлар уруши” радио эшиттиришидаги асл матн.

этиляпти. Қисқа танаффусдан сўнг яна эфирга қайтамыз».<sup>24</sup> Дастур тўрт мартаба эълон сабаб тўхтатилди. Шунга қарамай “Си-би-эс” дан оқшом пайти яна уч марта марсликлар чиндан ҳам ҳужум қилмаганини эълон қилишини сўрашган!

Шу оқшом шарқ вақти билан соат 20:00 дан 21:00 га қадар бизнинг радиотўлқинни эшитган тингловчилар диққатига! Мазкур вақт давомида Орсон Уэллс ва “Меркьюри театри эфирда” томонидан Герберт Уэллснинг “Оламлар уруши” асари эътиборингизга ҳавола этилди. Эшиттириш вақтида тўрт марта айтилганига қарамай, яна қайтарамиз: тўғри бошқа роман ва спектаклдаги каби бу ерда ҳам баъзи Америкадаги шаҳарларнинг номи айтилган, аммо барча айтиб ўтилган воқеалар ўйлаб топилган.<sup>25</sup>

Бу баёнотни тайёрлаган “Си-би-эс” жаҳли чиққан ҳолда эътиборли бўлишни талаб қилди! Одамлар эшиттириш орқали айтилган кўрсатмаларга, яъни воқеалар ўйлаб топилганига эътибор бериши керак эди. Чунки уларга ҳаммаси тушунтириб ўтилганди!

Энди саволимизга қайтамыз. Аниқлашимиз керак бўлган нарса: Муқаддас Китобда шунга ўхшаш йўл-йўриқлар борми? Унда фақат тарихий воқеа, бадийий уйдирма ёки афсонани кўрмаслик учун нимага эътибор қаратиш керак? Тўғри, Муқаддас Китобда қандайдир

---

24. “Оламлар уруши” радио эшиттиришидаги асл матн.

25. Ҳадлий Кантрил, Ҳазел Гаудет ва Герта Ҳерзог, *Марсдан келган босқин: машҳур Орсон Уэллс эшиттиришининг тўлиқ матни билан Ваҳима психологияси ҳақида тадқиқот*, (Принстон, НЖ: Принстон Университети Пресс, 1940), 43-44-бетлар; [инглиз тилш: Hadley Cantril, Hazel Gaudet, and Herta Herzog, *The Invasion from Mars: A Study in the Psychology of Panic, with the Complete Script of the Famous Orson Welles Broadcast* (Princeton, NJ: Princeton University Press, 1940), pages 43–44].

изоҳлар бор, аммо улар эътиборни бутунлай тескари ҳолатга қаратади. Буларнинг барчаси Муқаддас Китоб муаллифлари воқеани қандай кўрган бўлса, шундай айтиб беришини олдига мақсад қилиб қўйгани ҳақида хулоса қилишимизга имкон беради.

## **УЛАР НИМА ҚИЛГАН?**

Мана гап нимада. Агар сиз Муқаддас Китоб муаллифлари кўрган нарсаларни аниқ етказишдан бошқа мақсади борлиги ҳақида айтмоқчи бўлсангиз, унда оддий, тўғри ҳаракат бу ҳолатни шунчаки маъқуллашни эмас, балки ишончли муқобил таклиф беришни талаб қилади. Муқадас Китоб муаллифлари бўлиб ўтган воқеалар ҳақида аниқ маълумот беришни истамаган бўлса, унда уларда қандай мақсад бўлган? Келинг шу ҳақда ўйлаб кўрамиз.

1. Эҳтимол, Муқаддас Китоб муаллифлари *тарихий бўлмаган* мақсадларга эга бўлгандир. Улар Герберт Уэллс сингари романга ўхшаш нарса ёзгандир. Буни ўйлаб топилган воқеа эканини билишгани учун кимдир буни бўлган воқеа сифатида қабул қилади деб ўйлашмаган. Эҳтимол, улар афсона ўйлаб топиб, яъни унчалик диққатга сазовор бўлмаган воқеани ажойиб тафсилотлар билан безагандир. Афсона ёзадиган ёзувчилар кўпинча уларнинг ҳикоялари бирор нарсани аниқ тарзда баён қилмаслигига қарамай, бор бўлган нарсалар ёки халқини келиб чиқиши ҳақида фикрга ишонади. Шу билан бирга уларнинг ўзи жуда ғалати воқеаларни ўйлаб топганини билади. Шубҳасиз муаммо шундан иборатки, вақт ўтгандан

сўнг тингловчи ва китобхонлар ҳар доим ҳам фарқни кўрмагани сабаб ҳикояни ҳақиқат деб ўйлашади. Эҳтимол, Муқаддас Китобда биз чиндан ҳам бўлган воқеаларга эмас, балки *ўйлаб топилган афсонага* дуч келгандирмиз ва масиҳийлар бу ўйин эканини тушунмагандир.

2. Эҳтимол, Муқаддас Китоб муаллифларининг мақсади *ёлғон* бўлган. Уларгача ва улардан кейин бўлганларни атайлаб бармоқ атрофида айлантириб, бўлмаган нарсаларга ишониши учун мажбурлашган. Балки бу катта фирибгарлик, сиёсий фитна ёки носоғлом амбициядир.
3. Эҳтимол, Муқаддас Китоб муаллифларининг ўзи *адашгандир*. Шу билан бир қаторда уларни онгли равишда алдаш шарт эмас. Балки уларни ўз фикри алдагандир. Балки масиҳийлар орасида кенг тарқалган ривоятни бузилган шаклда эшитгандирлар. Қандай бўлишидан қатъий назар, муаллифлар атайлаб бу ёлғонни бизга етказган.
4. Эҳтимол, муаллифлар нима ўйлагани муҳим эмас. Улар воқеанинг аниқ тафсилотларини етказишни хоҳласа ҳам биз уларнинг ҳеч бирига ишонишни истамаймиз, чунки улар айтаётган гапларда барча нарса *умидсиз тарзда чалкаш, бир-бирига қарама-қарши ва жуда кўп хатоларга эга*.

Эҳтимол, ҳақиқат юқорида айтиб ўтилган кўрсатмаларнинг бирида бўлиши мумкин. Лекин ундай бўлмаса-чи? Уларни ҳақиқатга мос келмаслигига ишонч ҳосил қилган бўлсак нима

бўлади? Айтайлик, муаллифлар санъат асари ёки афсона яратмаган, алдашга уринмаган, уларнинг ўзларини йўлдан оздирмаганлар ва улар томонидан ёзилган кўлёмаларда хато йўқ. Шундай бўлганида, муаллифлар самимий ниятда аниқ маълумот бермоқчи деб таъкидласак бўлар эди. Кейин ишонч билан шундай деб айтсак бўларди: “Янги Аҳд ҳужжатлари *тарихий жиҳатдан ишончли*”. Бу улар айтаётган сўзлар ҳақгўй эканига ишонса бўлади дегани эмас (ҳақгўйлик ҳақида кейинги бобда гаплашамиз), агар шундай бўлса унда сезиларли даражада олдинга қараб ҳаракат қилган бўламиз. Муқаддас Китобнинг муаллифлари бадий уйдирма ёки фирибгарликни яратишга ҳаракат қилмаган, улар алданмаган ва улар ёзган нарсада қарама-қаршиликлар йўқ, улар бунинг барчаси содир бўлганига чин дилдан ишонганини таъкидлаш етарли.

## **БАДИЙ УЙДИРМА?**

Биринчи вариантдан бошлаймиз. Эҳтимол Муқаддас Китоб муаллифлари тарихий воқеани тасвирлашни истамаган ва улар ёзган нарсаларга чиндан ҳам ишонишимизни кутмаган. Бу ердаги биринчи савол, муаллифлардан бири бадий асар ёзаётгани ҳақида маълумот берганми – “Си-би-эс” га ўхшаб бу радио эшиттириш эканлиги ҳақида айтиб ўтганми? Жавоб – йўқ. Муқаддас Китобда бунга ўхшаш ҳеч нарса йўқ. Аксинча, Муқаддас Китоб муаллифлари яна ва яна аниқ тарзда жавоб берапти. Улар бизга имкон қадар аниқ гапириб, гапирган сўзларига ўзлари ҳам ишоняпти ва бизни ҳам ишонишимизни хоҳляпти.

Мисол тариқасида хушxabарчи Луқо Исонинг ҳаёти ҳақидаги ҳикояни қандай бошлаганини кўриш мумкин:

Бизларнинг орамизда тўлиқ маълум бўлган воқеалар ҳақида кўплар баёнот тузишни бошлаганларидай, буни энг бошидан ўз кўзлари билан кўрган ва Сўзнинг хизматкорлари бўлган одамлар бизга топширганларидай, мен ҳам, ҳурматли Теофил, бошидан ҳаммасини синчиклаб текшириб чиққанымдан сўнг, буларни тартиб билан сенга ёзиб беришни лозим топдим, токи сенга ўргатилган таълимотнинг мустаҳкам асосини билиб олгин (Луқо 1:1-4).

Ўз мақсадини яна қандай ифодалаш мумкин? Луқо “бошидан ҳаммасини синчиклаб текширган” ва “тартиб билан ёзган”, токи Теофил Исо ҳақидаги “таълимотнинг мустаҳкам асосини билиб олсин”. Нима бўлганда ҳам Луқо ҳикояни фақат ўйин-кулгу учун ёзмаган; Луқо у ёзган сўзлар ҳаққоний эканига ишонишини истаган.

Шунингдек, Юҳанно Исонинг ҳаёти ҳақида ёзиш нияти ҳақида шундай дейди:

Исо шогирдларининг ҳузурида бу китобда ёзилмаган бошқа яна кўп мўъжизаларни яратди. Бу нарсалар эса, Исонинг Масих ва Худонинг Ўғли эканлигига ишонишингиз учун ёзилган, токи бунга ишониб, Унинг номи ҳақи ҳаётга эга бўлинглар (Юҳанно 20:30-31).

Кўряписизми? Юҳанно ҳам бадийий уйдирма билан шуғулланмай, одамлар “Исонинг Масих эканига” ишонишини хоҳлаган. Ўзи ёзган нарсаларга аслида бизни ҳам ишонтиришга ҳаракат қилган.

Юҳанно ўз мақсадини бошқа парчада ҳам очиб берганини кўришимиз мумкин:

Бошидан бор бўлган, биз эшитган, ўз кўзимиз билан кўрган, биз синчиклаб қараган ва ўз қўлларимиз билан ушлаб сезган Ҳаёт Сўзи ҳақида сизларга маълум қилмоқдамиз. Чунки Ҳаёт зоҳир бўлди ва биз уни кўрдик. Ота билан туриб, бизга зоҳир бўлган ўша абадий ҳаёт ҳақида сизларга гувоҳлик бериб хабар қилмоқдамиз. Сизлар биз билан мулоқотда бўлишингиз учун ўзимиз кўрган ва эшитганларимиз ҳақида сизларга хабар бермоқдамиз. Бизнинг мулоқотимиз эса Ота ва Унинг Ўғли Исо Масиҳ биландир (1-Юҳанно 1:1-3).

Юҳанно қуйидагича бериладиган жавобни ҳаммасидан камроқ кутган эди: “О, Юҳанно китобни аъло даражада ёзишини биламиз! Унинг китоблари яхши сотилиши керак!” Йўқ, у ҳақиқатдан ҳам кўргани, эшитгани ва ҳатто ҳис қилгани ҳақида хабар беришни хоҳлаган. Унинг сўзларига қараганда, Юҳанно уйдирма ёки афсона ёзмаганини, балки унга ишонишимизни ҳақиқатдан ҳам хоҳлаганини кўриш мумкин.

Бу хоҳишлардан ташқари, Муқаддас Китоб муаллифлари ўзлари ёзган сўзларга бошқа йўллар билан ҳам ишонтиришни истаган. Мисол тариқасида, ишончлилик даражасини текшириш мумкин бўлган тарих воқеалари ва шароитларига тез-тез мурожаат қилишганини келтириш мумкин. Янги Аҳдда бундай жойлар кўп учрайди, бироқ улардан бири алоҳида эътиборга лойиқ. Луқа Хушхабарда ёзилган кичкина бир парчага диққатингизни қаратинг:

Император Тибериус подшоҳлигининг ўн бешинчи йилида, Яҳудияда Понтий Пилат, Галилияда Хирод, Итурия билан Трахонит вилоятларида унинг укаси Филип, Авила

юртида эса Лисаний ҳокимлик қилаётганларида, Ҳанан ва Каяфа олийруҳонийлиги пайтида, саҳрода яшаётган Захарияҳнинг ўғли Яҳёга Худонинг сўзи келди (Луқо 3:1-2).

Бир тадқиқотчи Луқо фақат икки оятнинг ўзида тарихий шахс, жой ва ҳолатлар ҳақида камида 21 марта эслаб ўтганини пайқаган ва бунинг ҳаммасини тасдиқлашни (аслида ҳам шундай бўлиши керак эди, Луқо шунинг учун буни ёзган), лекин Луқо хатога йўл қўйган бўлса рад қилиш ниятида бўлган!<sup>26</sup> Луқо ўзининг бошқа китоби – Ҳаворийлар фаолияти китобида ҳам тафсилотларга эътиборли эканини кўришимиз мумкин. Янги Аҳд китобларининг бошқа муаллифлари ҳам текшириш мумкин бўлган ўша замондаги ҳодисаларни эслаб ўтган. Қайтарамиз: Луқо ҳамда Муқаддас Китобнинг бошқа муаллифлари бадийий уйдирма ёки афсона ёзмаган. Аксинча, улар ўз ҳикояларини тарихий ҳақиқатнинг бир қисми сифатида тақдим этишга ҳаракат қилган. Улар ёзилган нарсаларга ишонишимизни жуда хоҳлаган.

Аммо улар ҳақиқатдан ҳам ёлғон нарсаларни ёзган бўлиб, бизни шунга ишонтирмоқчи бўлган бўлса-чи?

## **ЁЛҒОНЧИЛАР?**

Шундай қилиб биз иккинчи вариантга келдик: эҳтимол, Муқаддас Китоб муаллифларининг мақсади ёлғон бўлган. Улар бутун дунёни алдаб кейин аслида бўлмаган нарсаларга бизни ишонтиришга

---

26. Натан Бусенитз, *Биз ишонадиган сабаблар: Масиҳийликни тасдиқловчи 50 та далил*, (Витон, ИЛ: Кроссвай, 2008), 127-бет; [инглиз тили: Nathan Busenitz, *Reasons We Believe: 50 Lines of Evidence That Confirm the Christian Faith* (Wheaton, IL: Crossway, 2008), page 127].

ҳаракат қилган бўлиши мумкинми? Улар доим ҳақиқатни гапирётганини таъкидлаган бўлса-да (ҳатто ўз ҳикояларини тарихий асослар билан боғлаган бўлишига қарамай), бизни аҳмоқ қилиб, уйдирма гапларга ишонтирган ҳолда етаклашган бўлса-чи?

Тўғри, шундай бўлиши мумкин. Бироқ бу ерда бизнинг мақсадимиз *эҳтимоли паст бўлган* бирон нарсани аниқлаш эмас. Биз *ҳақиқатдан* ҳам бор бўлган нарсага ишонишни хоҳлаймиз. Агар яхшилаб фикрлайдиган бўлсак, Муқаддас Китоб муаллифларининг алдашга ҳаракат қилгани нолга тенг. Келинг бошқа нарса ҳақида ўйлаб кўрамиз.

Биринчидан, бундай катта ёлғонни яратиш жуда қийин ва ҳатто имконсиз вазифа ҳисобланади. Янги Аҳддаги барча 27 та китоб Исонинг ердаги ҳаётидан бир неча йиллардан кейин ёзилган. Мазкур қўлёзмалар тарқала бошлаганида юзлаб ва ҳатто минглаб одамлар ҳали тирик бўлгани учун Исонинг нима қилганини ўз кўзи билан кўрган. Шунинг учун Луқо бу воқеаларни ўйлаб топганида ёки чиройлироқ қилиб айтганида бошқалар унга: “Тўхта, бундай бўлмаган эди. Луқо сен барчасини ўзинг ўйлаб топгансан” – деб эътироз билдиришарди. Биз бундай ҳолатларни аниқламадик. Масиҳийликни йўқ қилишга ҳаракат қилганлар ҳам Исонинг сўзлари ва ишлари ҳақида ёзилган Муқаддас Китоб муаллифларининг гувоҳликларини *инкор этмагани* ишончли далил ҳисобланади. Улар Исони ёлғончи ва адашган деб айблашган. Исо бундай гапларни *гапирмаган* деб тахмин қилсак ҳам (Муқаддас Китоб муаллифлари барчасини ўзи ўйлаб топган), сизни ишонтириб айтаман-ки, масиҳийликка қарши бўлган одамлар бу ҳақда албатта айтган бўлар эди.

Иккинчидан, гап фақат гувоҳлар кўп бўлгани учун уларни алдаш жуда қийинлигида эмас. Кимдир бизни чиндан ҳам алдашга

уринаётган деб тахмин қилсак, унда бу топшириқ ғалатироқ одамга берилган. Ўзингиз ўйлаб кўринг, хушxabарчилардан иккиси – Луқо ва Марк ҳаворий бўлмаган. Улар ҳатто Исо билан кўришмаган. Луқо Павлус билан яқин бўлгани учун сафарда унга ҳамроҳ бўлган, лекин у ҳеч қачон жамоатда машҳур етакчи бўлмаган ва ҳеч қандай ҳокимиятга даъво қилмаган. Марк Петрус ва Павлуснинг дўсти, ҳамда ҳамкори бўлган, лекин у Павлусни Памфилияда қолдириб, кейин қайтиб келишни хоҳлаганида Павлус уни келишини истамай рад этган ва улар орасида “келишмовчилик” юзага келган (Ҳаворийлар 13:13; 15:37-41). Ҳатто ҳаворийлардан бири бўлмиш Матто ҳам ўз халқи учун хоин ҳисобланган, чунки у римликлар учун солиқ йиғувчи сифатида хизмат қилган. Агар сиз бутун дунёдаги одамларни алдашни режа қилган бўлсангиз, жамоага низо олиб келувчи қочоқни, солиқчини ва таниқли бўлмаган одамни танлаганингизни тасаввур қилиш қийин. Бундай йўл билан ҳийла-найранг муваффақиятга эриша олмаслиги аниқ.

Бу бизни учинчи саволга олиб келади. Агар Янги Аҳд муаллифларининг барча сўзлари ёлғон бўлса, буни қандай мақсадда бажаришган? Машҳурликка интилишганми? Бой бўлишни хоҳлашганми? Катта жамоатнинг нуфузли етакчиси бўлиш истагида бўлганми? Шундай бўлса унда барчаси муваффақиятсизликка учраганини тан олиш керак. Ҳаворийларнинг аксариятининг ҳаёти ўлим билан якунланган – кимнидир бошидан жудо қилишган, кимнидир хочга миҳлашган, кимнидир бошқа дахшатли ўлимга топширишган.

Бундан ташқари, агар улар ўзини ёрқин нурда кўрсатишга ҳаракат қилган бўлса, ёки *масиҳийлик* ниқоби остида алдашга ва кўпиртириб гапиришга интилган бўлса, унда улар ўз оёғига ўзи болта урган бўлади. Чунки ёзилган сўзларга қарасак, у ердаги

қахрамонлар умуман қахрамонга ўхшамайди. Агар сиз янги динни чиройлироқ қилиб кўрсатиш мақсадида бирор нарса ўйлаб топган бўлсангиз, ўқитувчиси гапирганини тушунмаган келажак етакчиларини доимо фойдасиз қилиб кўрсатишнинг нима кераги бор? Петрус Исони тушунмагани сабаб аскарнинг қулоғини кесиб ташлагани ҳақида гапиришнинг нима кераги бор, охир-оқибат у ўзининг бундай ҳаракати учун Исодан танбеҳ эшитган? Исо ҳақидаги ғалати воқеаларнинг нима кераги бор (сизлар ўйлаб топган ҳамма нарсани билувчи Илоҳий Одам ҳақида), гўё ким кийимига тегинганини Исо билмагандек, икки аёл билан қабр олдида турганида кўзи ёшланган ёки анжир дарахтида мева бўлмагани учун уни лаънатлаган?

Ҳа биламан, масиҳийлар бу ҳикояларда чуқур маъно бор деб айтишади (тўғри, бу ҳақиқат), лекин ҳар қандай воизчи бунга шунчаки юзаки қарамасликни, мазкур маънони тушуниш учун ҳаракат қилиш кераклигини айтиши даркор. Мана нима демоқчиман: агар сизда янги динни яратиш режаси бўлганида, унда сиз бу диннинг асосчиси ва етакчиларини кўрсатиш учун аниқ бундай воқеани ўйлаб топмаган бўлар эдингиз. Марк билан Павлус ўртасидаги можаро – Марк Павлусни ташлаб кетгани, кейин қайтиб келганида уни Павлус қабул қилмагани ва бу улар ўртасида келишмовчиликни юзага келтиргани ҳақида умуман айтмаган бўлар эдингиз. Буларнинг барчасини айтишнинг ягона сабаби чиройли гапириш эмас, балки *ҳақиқатдан ҳам нима бўлганини гапиришдир*.

Тўғри, бунинг барчаси кўзбўямачилик бўлиб кўриниши, мазкур маълумотлар ёлғон томон етаклаш учун керак бўлгани, гўё гап чиндан ҳам бўлган воқеа ҳақида кетаётгандек, лекин аслида бунинг ҳаммаси ёлғон бўлиши мумкин. Аммо бу кўп қатламли фитна

назарияси бўлгани учун сизга савол бериш адолатли бўлади: сиз чиндан ҳам ҳақиқатни билмоқчимисиз ёки нотўғри фикрларингизни ҳимоя қилмоқчимисиз?

Нима бўлганда ҳам ушбу бобда айтилган барча гапларга тегишли бўлган яна битта фикрни айтишимга ижозат беринг. Ҳеч ким тўқиб чиқарилган уйдирма учун ўзини қурбон қилмайди. Ҳеч ким ёлғон учун ўзини қурбон қилмайди. Агар мақсадингиз роман ёзиб алдаш бўлса, унда бошингизни танангиздан жудо қилмоқчи бўлганида ёзган нарсаларингизга ёпишиб олмайсиз. Сиз фақат биргина ҳолатда ўз сўзингизда турасиз: *тасвирланган нарсалар ҳақиқатдан ҳам содир бўлганига ишонсангиз*. Янги Аҳд муаллифларининг китобида айнан шуни кўряпмиз. Уларни бу ишлари учун ўлдириши мумкинлигига қарамай, барибир ёзиб таълим беришган. Ҳар қандай таҳдидга қарамай, ўла-ўлгунча ҳақиқатни *гапиришни давом эттиришган*. Нима бўлишидан қатъий назар улар ёлғон гапирмаган. Улар ўзи ёзган нарсаларга ишонган ва бизни ҳам ишонишимизни хоҳлашган.

## **УЛАРНИ ШУНЧАКИ АҲМОҚ ҚИЛИШГАН?**

Аммо бошқача бўлган бўлиши мумкин. Муқаддас Китоб муаллифлари ҳеч кимни алдамаган бўлиб, ўзлари алданган бўлса-чи? Бу назария турли вариантларда асрлар давомида гапириб келинган, аммо у ишончсиз бир тахмин бўлиб қолмоқда. Машҳур бир тахминга кўра барча шогирдлар оммавий алаҳсираш ҳолатида Исонинг тирилганини кўрган, кейин тирилишдан олдин бўлган воқеани ёзган. Мазкур тахмин қай даражада эҳтимолдан узоқ эканлиги ҳақида ўйлашнинг ҳожати йўқ. Аввало оммавий алаҳсирашнинг ўзи бемаънилик. Алаҳсираш – ички, шахсий

ҳолатни билдиради ва у алоҳида тоифадаги одамларнинг онгида содир бўлади. Агар сиз одамлар ўртасида экстрасенсор ёки паранормал алоқа бор деб ҳисобламасангиз, унда алаҳсираш юқумли эмас. Бундан ташқари, бир ҳафта мобайнида кўплаб одамлар Исони кўрганини ҳисобга оладиган бўлсак, унда оммавий тарздаги юқимли алаҳсираш ғояси шунчаки кулгили бир ҳолатдир.

Бошқа, тушунишимиз қийин бўлган тахминга кўра, Исонинг шогирдлари ўзини-ўзи алдаш ҳолатидан азоб чеккан. Мазкур тахминни қўллаб-қувватловчилар, ҳаворийлар Исонинг ўлимини қабул қилишга тайёр бўлмагани учун орзулар дунёсида яшашни бошлаган. Улар Исонинг тирик эканига ишонган ва бунни тасдиқлаган, кейин Унинг тирилиши билан боғлиқ бўлган воқеалардан афсона яратишган. Бу ҳийла-найрангга ўхшайди, лекин шогирдлар ўзини-ўзи алдаш билан овора бўлгани ҳақидаги фикр оммавий алаҳсираш тахмини каби бир хилдир. Мазкур ҳолат шогирдлар Исонинг тирилишини хоҳлагани билан умуман боғлиқ эмас. Ҳатто уларнинг руҳияти бузилган тақдирда ҳам, улар Исонинг ўлимини қабул қилмай, Уни ҳали-ҳамон тирик деб ўзларини ишонтирганига қарамай, Исони *тирилгани* ҳақидаги юпанчни ҳеч қандай йўл билан ўйлаб топишмаган бўлар эди. Нимага? Чунки биринчи асрда яшаган яҳудийлар учун тирилиш маълум бир маънога эга бўлган илоҳий тушунча ҳисобланган. Тирилиш *фақат охира*тда, барча ўлганлар *бир вақтнинг* ўзида тирилганда содир бўлиши мумкин бўлган. Баъзи тирилганларни Худо ҳукм қилади, бошқаларини эса улуғлайди. Тарихда ҳеч *нарса ва ҳеч ким*, ҳатто қандайдир фикр ва дин ҳам, кимдир белгиланган муддатдан *олдин* тирилиб шон-шухратга эга бўлиши мумкинлиги ҳақидаги ғояни шогирдларга берган бўлиши мумкин

эмас. Шогирдлар Исонинг *руҳий жиҳатдан* тирик эканлиги ва У аслида ўлмаганлигини, балки Лазарни тирилтиргандек Уни ҳам тирилтирганини тасдиқлаши ўзини-ўзи алдаш айбловида катта аҳамиятга эга. Аммо улар Исонинг ўлганлигини ва нариги дунёдан тирилиб қайтганини таъкидлашган. Бу янги ва мутлақо мисли кўрилмаган ҳолат бўлган. Сиз ниманидир *хоҳлаганингиз учун* дунёқарашнинг тўлиқ ўзгаришини талаб қиладиган бундай фикр ақлга сиғмайди. Бу фикр аста-секин етилади ва кўз кўрган ҳамда бошдан ўтган кечинмаларни тушунтириш имкони йўқлиги сабаб онгимизда тезлашади.

Бундан ташқари, ҳаворийлар баъзилар ўйлаганидек, Исонинг тирилганига осонгина ишониб қолган, содда ва хаёлпараст инсонлар эмас эди. Ҳаворийларга берилган бундай таъриф мутлақо Муқаддас Китобда улар ҳақида берилган таърифга тўғри келмайди. Матто “баъзилари . . . шубҳаландилар” деб хабар беради (Матто 28:17). Луқо эса шундай ёзади, аёллар Исо тирилгани ҳақида айтиш учун келишди, “Аммо бу сўзлар ҳаворийларга қуруқ гапдай туюлди ва улар аёлларга ишонмадилар” (Луқо 24:11). Исо ҳатто шогирдларига зоҳир бўлганида ҳам “Шогирдлар эса кўрқиб ва ваҳимага тушиб, биз руҳни кўряпмиз, деб ўйладилар” (Луқо 24:37). “Тома уларга: – Мен Унинг қўлларида михларнинг чандиғини кўрмагунимча, бармоғимни михларнинг чандиғига теккизмагунимча ва қўлимни Унинг биқинига кўймагунимча ишонмайман, – деди” (Юҳанно 20:24-25).

Бундай шубҳа (далилларни кутиш билан) Муқаддас Китобда кадр-қимматга эга эмас. Муаллифлар қуйидагича ёзмаган: “Қаранг, қандай мустаҳкам ва барча нарсага ишонадиган одамлар! Агар бу бўлмаганида улар Исонинг тирилганига ишонмаган бўлар эди!” Аксинча, Муқаддас Китобда шогирдларнинг ишончсизлиги шармандали ҳолат сифатида намоён қилинган. Исо бу учун уларга

бир неча марта таъна қилиб, ҳатто Томага шундай деган: “Сен Мени кўрганинг учун ишондинг. Мени кўрмай ишонганлар нақадар бахтлидир.” Тушуняпсизми? Муқаддас Китоб ҳаворийларнинг ишончсизлигига эътиборни қаратиб, уларни намунали прагматик ва далил талаб қиладиган шубҳали одамлар сифатида кўрсатмайди. Муқаддас Китоб бу шармандали ҳолат бўлишига қарамай барибир айтади ва содир бўлган воқеаларни ўзини-ўзи алдаш деб бўлмайди.

Ўзини-ўзи алдаш назариясининг сўнги тахминини таъкидлашича, Муқаддас Китоб муаллифларининг баъзи оғзаки аъёнлари кўп йиллар давомида бузилмаган. Чунки Исо 33-йилда вафот этган ва энг биринчи Хушхабар 27 йилдан кейин ёзилган. Наҳотки Исонинг таълимоти ва у ҳақидаги ҳикоя *йигирма етти йил давомида* фақат оғиздан-оғизга узатилган бўлишига қарамай, ҳеч қандай қўшимча ёки камчиликларсиз асл шаклда сақланган деб ўйласак? Бу ерда яна бир нарса ҳақида айтиб ўтиш керак. Биринчидан, барча Янги Аҳд муаллифлари маълум бир маънода оғзаки аъёнларга мурожаат қилганига қарамай, улардан кўпчилиги – Матто, Юҳанно, Петрус, Ёқуб ва Яҳудо ҳамма бўлиб ўтган воқеаларнинг гувоҳи бўлишган. Агар оғзаки урф-одатда бирон-бир нотўғри талқин бўлган бўлса, улар буни дарров билишган бўлар эди. Бундан ташқари Исонинг таълимоти эски аҳд башоратлари билан бир хил кучга эга эканлиги, шунингдек Унинг таълимотининг кўп қисми эслаб қолиш учун осон шаклда бўлгани ҳақида ўйласак, илк масиҳийларнинг узоқ вақт давомида Исонинг кўрсатмаларини тўлиқ такрорлагани ажабланарли эмас.

Агар оғзаки сўзлашув ҳақида гапирадиган бўлсак, 27 йил унчалик узоқ муддат эмаслиги ва бу вақт ичида аъёна ўзгармаганлигини тушунишимиз керак. “Жек ва Жилл” номли болалар шеъри бор. Келинг уни паст овозда, ичимизда ўқиб кўрамыз:

Жек ва Жилл тепалик томон борар,  
Кўлларида челаги билан.  
Жек йиқилди ёриб пешонасин,  
Жилл эса думалади тепаликдан.<sup>27</sup>

Бу шеър қачон ёзилганини биласизми? Йўқ, билмайсиз. Гарчи ҳозирги кунга қадар қизғин баҳс-мунозара давом этишига қарамай бунга ҳеч ким билмайди. Сақланиб қолган нашрларнинг энг қадимги китоби “Она ғознинг мусиқаси” деб номланиб, 1791-йил Лондонда бундан икки аср олдин чоп этилган.<sup>28</sup> Мазкур шеърни ҳеч ким китобдан ўрганмайди, айниқса 1791-йилда нашр қилинганини. Ушбу нашрни жуда кам одам кўрган. Ота-оналар шеърни болалар билан оғзаки ўрганган ва бу авлоддан авлодга оғзаки тарзда ўтиб келган. Мана шу оғзаки анъана деб аталади. Сизнингча, ўтган икки юз йилдан ошиқроқ вақт мобайнида “Жек ва Жилл” шеъри оғзаки анъанадан қай даражада ўзгартирилган? Чап томондаги замонавий инглизча кўриниш, ўнг томондаги 1791-йилда нашр этилгандан қай даражада фарқ қилади?

---

27. С. Маршак таржимаси.

28. Факсимил нусха 1791-йилда “Она ғознинг мусиқаси” китобида нашр этилган. [инглиз тили: A facsimile of the 1791 edition of *Mother Goose's Melody* can be found in Colonel W. F. Prideaux, ed., *Mother Goose's Melody: A Facsimile Reproduction of the Earliest Known Edition, with an Introduction and Notes* (London: A. H. Bullen, 1904), available online at Internet Archive, accessed May 26, 2015, <https://archive.org/stream/mother-goosesmelo00pridiala/page/n27/mode/2up>].

<b>ЗАМОНАВИЙ ИНГЛИЗЧА КЎРИНИШ:</b>	<b>1791-ЙИЛДА НАШР ЭТИЛГАН:</b>
Jack and Jill	Jack and Gill
Went up the hill	Went up the hill,
To fetch a pail of water;	To fetch a pail of water;
Jack fell down	Jack fell down
And broke his crown,	And broke his crown,
And Jill came tumbling after.	And Gill came tumbling after.

Мана шу холос. Мана шу тарзда у 1791-йилда чоп этилган! Фақат Жилл исми ёзилишидаги фарқни ҳисобга олмасак (ҳозир Jill, олдин Gill), бугунги кунда ҳам *икки юз йил олдин* қандай бўлса шундай жарангламоқда. Шунинг учун такрорлашимга ижозат беринг: 27 йил давомида асарни ўзгатиришсиз сақлаб қолиш қийин эмас.

Албатта “Жек ва Жилл” тарихи билан Янги Аҳднинг оғзаки анъанаси ўртасида аниқ чизиқ чизишнинг иложи йўқ. Гап шундаки, оғзаки анъанани узоқ вақт давомида сақлаб қолиш қийин эмас. Бунинг умуман иложи йўқ деб ҳисоблаб бўлмайди.

Шундай қилиб, алданган муаллифлар назариясининг ҳеч бир тахмини танқидга дош бера олмайди. Ҳаворийлар оммавий тарзда алаҳсилашларни бошдан кечиргани ҳақидаги тахмин асоссиз ва маъносиздир. Ҳаворийлар ўзлари хоҳлаган нарсани ҳақиқат деб ҳам таъкидламаган. Ниҳоят, улар содир бўлган воқеанинг гувоҳи бўлгани учун атиги 27 йил ичида оғзаки анъана ўзгариб кетмаган.

## **ЯҚҚОЛ ҚАРАМА-ҚАРШИЛИКЛАР?**

Янги Аҳд ҳужжатларининг муаллифлари бадийий уйдирма ёзмаган, ҳеч кимни алдашга уринмаган ва ўзлари ҳам алданмаган. Бироқ сўнги бир эҳтимол бор: балки муаллифларнинг мақсади ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмагандир. Нимага? Чунки улар нима бўлганини аниқ тасвирлагани учун уларнинг китобларида барча нарса қарама-қаршилик, ишончсизлик ва жуда кўп хатолар сабаб бунга ишонишнинг иложи йўқ.

Бу ерда жавоб бериш керак бўлган муҳим нарса, бундай нотўғри тасаввурда мавжуд далиллар *кўринмагани* учун кўпчилик уларни қўллаб-қувватлайди ва ким *кўриб чиққан бўлса* уларнинг ҳеч бири қўллаб-қувватламайди. Муқаддас Китоб икки юз йилдан ортиқ вақт мобайнида шубҳа қилувчилар томонидан йўқ қилиниши, ҳамда танқид остига олингани билан боғлиқ бўлишига қарамай, ҳар бир хатода камида битта тушунтириш, айрим пайтда кўпроқ тушунтиришларни топиш мумкин. Тўғри бу умумий тушунча. Энг яхшиси мазкур муаммоли саволларни ишончли изоҳлар билан таҳлил қилиш учун бир неча юз саҳифали фолиант тузиш керак эди. Биз албатта, бундай оғир ва машаққатли иш билан шуғулланмаймиз, чунки барчаси аллақачон ҳал бўлган ва буни тасдиқлайдиган бошқа китоблар ҳам бор. Шунинг учун сизни Муқаддас Китобдаги қайсидир жой ўйлантираётган бўлса, мен ушбу китоблардан бирига мурожаат қилиб, уни ўқишни маслаҳат бераман (иловага қаранг). Агар саволларни сабр-тоқат билан ўрганиб, барчасини тушунишга ҳаракат қилсангиз, ҳатто энг қийин саволларга ҳам аниқлик киритса бўлади.

Бошқа томондан Муқаддас Китобга қарши айбловни қўяётган бўлсангиз, унда сизга бир нарсани очиқ айтаман: сизни интеллектуал бурчингиз бу айбловдан воз кечиш ёки масихий тадқиқотчиларнинг энг яхши ишларига мурожаат қилган ҳолда, скептиклар кўрадиган барча номувофиқликлар ва хатоларни тушуниш учун ишонарли – одатда ҳатто эҳтимолли рисоаларни ўқишдир. Бундай ўқиш сизни тўлиқ ишонтира олмаслигини тушунман. Бошингизни чайқатиб ҳатто айрим парчаларда қарама-қаршилиқларни кўришингиз мумкин. Бу оддий ҳолат. Бироқ сизни ишонтириб айтаман-ки, агар бу ишни бажарсангиз сиздаги шубҳа камайиб, ишончли жавоблар янада кўпроқ бўлади. Нима қилиш мумкин эмас (агар кетма-кет ҳаракат қилинадиган бўлса), Муқаддас Китобдаги ишончсиз қарама-қаршилиқлар ва ундаги хатоларни талаб қилишни давом эттирган ҳолда ўз фикрини тасдиқлаш учун ҳеч қандай ҳаракат қилишни хоҳламаслик мумкин эмас. Шунинг учун ҳаракат қилиб кўринг. Эҳтимол, билиб олгандан кейин ҳайрон қоларсиз.

Аслида шубҳа қилувчилар томонидан айтилган номувофиқликларнинг аксарият қисмига етарли даражада чуқур мулоҳаза қилинса бу умуман муаммо ҳисобланмайди. Икки юз йил мобайнида танқидчи тадқиқотчилар бундай қарама-қаршилиқларнинг ҳар бири учун жуда ишончли тушунчаларни таклиф қилишган. Фақат саволга виждонан ёндашиб, изоҳни ўқиш учун вақт ажратиш керак.

Айтайлик барчасини батафсил ўрганиб чиққанингиздан кейин сизни ҳеч бир изоҳ қониқтирмади. Сиз ўзингиздан яна бир савол сўрашингиз керак: барча келишмовчиликлар ҳеч нарса бўлмаганини кўрсатувчи аниқ далил эмасми ёки ҳақиқатдан ҳам нима бўлганини била олмаймизми? Мисол учун, Матто Исонинг қабри олдида икки аёл турганини, Луқо бўлса уч ва ундан кўпроқ аёл ҳақида

гапираётган бўлса, якшанба куни эрталаб нима бўлганини қандай қилиб ишонч билан айта оламиз? Майли! Гувоҳлар шоҳид бўлган бир нечта фарқ ҳар қандай нарсани англатиши мумкин, аммо бу дегани ҳеч *нарс*а содир бўлмаган ёки нима бўлганини билишимиз керак эмас дегани эмас.

Қабр олдидаги аёлларнинг сони ҳақида гап бошлаган бўлсак, бу қарама-қаршиликни осон йўл билан бартараф этиш мумкин. Матто *фақат* иккита аёл келгани ҳақида айтмаган. У фақат улардан иккитасининг исмини эслатиб ўтган (Матто 28:1). Луқо ҳам қабрга қанча аёл келганини айтмаган. У учта аёлнинг исмини айтиб, “ҳаворийларга бу хабарни етказган . . . бошқа аёллар” борлиги ҳақида қўшимча қилган (Луқо 24:10). Бу ерда нимани кўряпмиз? Матто ва Луқо бир-бирига зид нарсаларни гапиряптими? Йўқ, бу ерда бир нечта ечим бўлиши мумкин. Балки Луқо Маттога қараганда қабрга келган аёллар ҳақида батафсил ёзгандир. Матто барча аёллардан фақат иккитасини исмини айтиб ўтган. Эҳтимол шунингдек, қабрда фақат иккита аёл бўлган бўлиб, қайтиб келишганида улар бошқалар билан гаплашган, ҳаворийларга эса бўлиб ўтган воқеани биргаликда айтиб беришган. Нима бўлганидан қатъий назар моҳиятни тушундингиз: биз ҳақиқатга зид бўлган ҳолатларга жуда кўп мақбул тушунчаларни беришимиз мумкин, шунинг учун шошилиб дарҳол қарама-қаршиликларга эътиборингизни қаратманг.

Бундан ташқари барча ҳикоядаги бор фарқлар тўғрилиб, бир-бирига мос келтирилганлиги унга бўлган ишонччи кўрсатади. Бир тадқиқотчи шундай ёзган:

[Муқаддас Китоб] ҳикоялари . . . айнан шундай бўлганини исботлаш учун кўринарли бўлиб турган фарқни эртақларга

хос эмаслигини, ammo ўз кўзи билан кўрган одамлар сирли ҳикоядан ҳайратланганига қарамай, улар буни тушунтириб бера олмайди.<sup>29</sup>

Муқаддас Китоб ҳужжатлари бир-бирига зид ва чалкаш деган хулосага келмаслик учун барча асослар мавжуд, уларда жоҳил одамлар айтгандек жуда кўп хатолар йўқ. Барча тафсилотларни дарҳол ўзлаштира олмасликка қарамай, қўлларни пастга тушуриб ҳеч нарса бўлмаган деб айтиш нотўғри. Аслида Исонинг ҳаёти ҳақидаги ҳикоялар бир неча одамлар қандай тасвирлаган бўлса худди шундайдир. Улар ғайритабиий ҳодисаларнинг гувоҳи бўлгани учун бошқа ҳеч нарсани қўшимча қилмай, *нима содир бўлган бўлса ўз фикри билан буни билдиришган.*

## **МУҲИМ ЛАҲЗА**

Ҳа, бу муҳим лаҳза вақти келди. Чуқур нафас оламиз! Муҳим хулосага келишимиз учун фикрлайдиган вақт келди. Юқори даражали ишонч билан . . . тайёрланинг . . . деб айта оламиз.

Муқаддас Китоб тарихий жиҳатдан ишончлидир.

Бундай фикрга қандай келганимиз эсингиздами? Биз ўзимиздан Янги Аҳддаги воқеалар қайд этилган Муқаддас Китоб томон йўл олиб қуйидагиларга амин бўлиш мумкин деб қарор қилдик.

---

29. Н. Т. Райт. *Худонинг Ўлини турилиши*, (Минниаполис: Фортресс, 2003), 612-бет; [инглиз тили: N. T. Wright, *The Resurrection of the Son of God*, vol. 3 of *Christian Origins and the Question of God* (Minneapolis: Fortress, 2003), page 612].

1. Муқаддас Китоб қўлёмаларининг биздаги таржимаси аниқ таржима.
2. Биз эга бўлган Муқаддас Китоб қўлёмалари асл нусхаларнинг мазмунини аниқ акс эттиради.
3. Биз маълумотларни энг яхшисидан, керакли ҳужжатлардан олганмиз.
4. Муқаддас Китоб муаллифлари бадиий уйдирма билан шуғуланмаган, алдамаган ва нотўғри талқин қилмаган, улар нима содир бўлган бўлса худди шуни ёзишган.

Агар мазкур тасдиқ чиндан ҳам асосли бўлган хулосадан келиб чиққан бўлса, унда Муқаддас Китобнинг муаллифлари нима содир бўлгани ҳақидаги гапларга умуман шубҳа қилмасак бўлади.

Бизда яна бир савол, охириги савол бор: Муқаддас Китоб муаллифларининг *фикрига кўра* аслида нима содир бўлганини аниқ билиш мумкинми?

## 6

# БУ АСЛИДА ҲАМ БЎЛГАНМИ?

Одамлар баъзан бирор нарсага кучли ишонишига қарамай, хато қилиши мумкинлигини тушунтиришнинг ҳождати йўқ. Ҳаётим давомида бир неча марта кўрган нарсам аниқ шундай эканига ишончим комил бўлган, лекин кейинчалик бу ундай эмаслиги, аслида ҳаммаси бутунлай бошқача бўлганини тушунганман.

Бу Муқаддас Китобнинг ишончли эканлиги билан боғлиқ бўлган охирги савол. Муқаддас Китоб муаллифлари ҳақиқатдан ҳам содир бўлган воқеаларни айтиб беришни хоҳлаган ва ўзлари ҳам бунга ишонган, аммо аслида улар адашганми? Мен уларни алдаган ёки бошқаларни алдашга ҳаракат қилган, шу билан бирга бизга бадийий уйдирмани таклиф қилган деб айтмоқчи эмасман. Балки улар баъзан биз каби адашгандир? Мен тўғридан-тўғри савол бераман: Муқаддас Китоб муаллифлари *тўғри нарсани* гапирганига ишонсак бўладими? Улар ҳақиқат деб *ҳисоблаган* барча нарсалар чиндан ҳам содир бўлган деб ишонсак бўладими?<sup>30</sup>

Йўқ, бунга *математик аниқлик* билан ёндашишнинг иложи йўқ. Аммо тарихий воқеалар ҳақида гап кетганда, бунга математик аниқлик билан эришиш мумкин эмаслигини ёдимизда тутишимиз

---

30. Ушбу бобни ёзишда қуйидаги китоблардан фойдаландим: Креиг Л. Бломберг, *Биз ҳали ҳам Муқаддас Китобга ишонишимиз мумкинми?*; Н. Т. Райт, *Худонинг Ўғлини турилиши*; [инглиз тили: Craig L. Blomberg, *Can We Still Believe the Bible? An Evangelical Engagement with Contemporary Questions* (Grand Rapids, MI: Brazos, 2014); N. T. Wright, *The Resurrection of the Son of God*, vol. 3 of *Christian Origins and the Question of God* (Minneapolis: Fortress, 2003)].

керак. Шахсан ўзингиз гувоҳ бўлмаган тарихий воқеалар ўртасидаги тубсизликни мантиқий илм, фикрлаш ва ҳисоб-китоб ёрдамида енгиб ўтишнинг иложи йўқ. Ҳар доим *барча нарсада хато қиялпмиз* деган (минимал даражада бўлса ҳам) *эҳтимол бўлади*. Бундай тубсизлик ҳақида аниқ гапирадиган бўлсак унга “кенг ва жирканч оқава ариғи” деб беришган.<sup>31</sup> Баъзи одамлар бу оқава ариққа қараб қўлларини пастга туширганча, тарих билан боғлиқ бўлган ҳеч қандай тарихий тасдиқларга умуман ишониш мумкин эмаслигини таъкидлашади. Аммо бундай фикрлаш бизни зулматга бурканган тарихий нигилизмга олиб келиши мумкин. Албатта, ҳеч биримиз доимо шундай ўйлашни истамаймиз. Йўқ. Математик аниқликка эриша олмасак ҳам, тасвирланган воқеаларни ишончли эканини аниқлай олишимиз мумкин. Бундай ҳолатда биз ишонч билан шундай деб айта оламиз: “Ҳа, бу воқеа содир бўлганига ишонаман”. Кейин мазкур воқеани содир бўлганига ишонган ҳолда яшаб, ҳаракат қилиш керак бўлади.

Тарих математик аниқликка интилмайди. Тарих асосан аниқликни изламайди. Тарих – аслида ҳам бирон нарса содир бўлганига ишонч ҳосил қиладиган эҳтимоллик даражасини излайди. Қандай воқеа ҳақида гап кетишидан қатъий назар, тарих биринчи навбатда манбанинг ишончли эканлиги ҳақида сўрайди. Бу биз Муқаддас Китоб ҳақида берган саволдир. Агар манбага ишониш мумкин деб қарор қилинган бўлса, унда кейинги савол қуйидагича бўлади: бу ишончли манбада тасвирланган нарсалар

---

31. Готтхольд Эфраим Лессинг, “Руҳ ва кучнинг исботи тўғрисида”, *Фалсафий ва теологик ёзувларда*, ed. Х. Б. Нисбет, *Фалсафа тарихидаги Кембридж матнлари* (Кембридж: Кембридж Университет Пресс, 2005), 87-бет; [инглиз тили: Gotthold Ephraim Lessing, “On the Proof of the Spirit and of Power,” in *Philosophical and Theological Writings*, ed. H. B. Nisbet, *Cambridge Texts in the History of Philosophy* (Cambridge: Cambridge University Press, 2005), page 87].

ҳақиқатдан ҳам содир бўлган деб айта оламизми? Одатда мазкур саволга тезда қуйидаги жавобни бериш мумкин: “Ҳа, албатта бўлган”. Агар ишончли манбада бундай армия бундай дарёни кесиб ўтган деб айтилган бўлса, кесиб ўтиш жараёнида ҳеч қандай муҳим нарса йўқ деб ҳисобланса ва армия дарёни кесиб *ўтмаганлигини* тасдиқлайдиган гувоҳлар бўлмаса, унда одатда қуйидагича жавоб бериш мумкин: “Ҳа, бундай армия бундай дарёни кесиб ўтган”. Бу математик даражадаги аниқлик эмас, бу тарихий ишончлиликнинг *юқори даражасидир*.

## **МЎЪЖИЗАЛАР ҲАҚИДАГИ САВОЛ**

Аммо, Муқаддас Китобга мурожаат қилганда бошқа савол туғилади. Тўғри, у ерда дарёни кесиб ўтган қўшин ҳақида гапирилган. Лекин улар Худо сувни иккига ажратгандан кейин қуруқ ерни босган ҳолда кесиб ўтган! Муқаддас Китобда сувни шаробга айлантирган, сув устида юрган ва одамларни Ўз сўзи билан шифолаган шахс ҳақида ҳам гапирилган. Уни ўлдиришди, аммо У учинчи кун тирилди! Буни қандай тушуниш мумкин? Келинг тўғриси айтмиз. Ҳатто ўзимиз *аниқлаган ишончли тарихий манбада* яна бир қўшин ҳақида ўқиганимизда бефарқлик билан шундай деймиз: “Йўфе! Жиддий айтяпсизми?”

Нима учун бу бундай муҳокамага сабаб бўлди? Эҳтимол, мўъжизалар ҳақидаги ҳикояларга бўлган табиий ишончсизлигимиз кўплаб омиллар билан озиқлангани учун шундай бўлгандир, аммо энг аниғи ва менимча энг муҳими қуйидаги ҳисобланади. Одатда *мўъжиза кўрмаган одам* мўъжиза борлигига ишонмайди. Бунинг ажабланарли жойи йўқ: биз тажрибамиздан ташқарида бўлган нарсаларга ишонишга мойил эмасмиз.

Кўпинча қуйидаги тарзда мисол келтирамиз: бутун ҳаёти давомида экваториал кенгликдаги тропик оролда яшаган одамни (кўп йиллар олдин, электр ва бошқа замонавий технологиялар ихтиро қилинишидан олдин) тасаввур қилинг. Кунларнинг бирида кема келиб, улар узоқ Шимолий мамлакатдан келгани ва у ерда жуда совуқ бўлган пайтда тошга айланадиган мўъжизавий тарздаги сувни “муз” деб номланиши ҳақида айтишибди. Тропик оролда яшовчи дўстимиз ҳеч қачон музни кўрмаган ва сувни музлатадиган совуқни ҳам ҳис қилмаган. Албатта, уни сувнинг совуқ тошга айланишига ишониши жуда қийин. Эҳтимол, у буни *имконсиз* деб айтар, денгизчилар бўлса ёки аҳмоқ, ёки уни алдашга ҳаракат қилаётган қаллоблар. Муз оролда яшаган одамнинг тажрибасидан йироқда бўлгани учун у бунга ишонмаган.

Лекин муз аслида бор.

Жанубий одам музга қандай муносабатда бўлган бўлса, кўпчилик мўъжизага нисбатан шундай муносабатда бўлади. Биз ҳеч қачон одамни сув устида юрганини, сувни шаробга айлантирганини ёки ўликлардан тирилганини кўрмаганмиз. Шунинг учун бундай бўлмайди – *бундай бўлиши мумкин эмас* деб ҳисоблаймиз. Лекин бундай ҳолатни кўрмаган бўлса, бу содир бўлмаган дегани эмас. Оролдаги одам ҳеч қачон музни кўрмагани учун муз бўлмайди деб таъкидлаш нотўғри. Лекин мўъжизани *кўрганлар* – бутун дунёдаги миллионлаб одамлар кўрганини таъкидлайди – мўъжизаларнинг имконияти ҳақида қайсидир маънода ниманидир гапиришнинг ҳожати йўқ. “Албатта, бундай бўлиши мумкин – мен буни *кўрдим*” – деб таъкидлайди. Тўғри сиз ўзингизни оролдаги одам каби, бу одамлар аҳмоқ ёки мени алдашга уриняпти деб ўйлашингиз мумкин. Аммо улар елкасини қисганча табассум қилиб шундай дейди: “Дўстим бир куни сиз ҳам музқаймоқни татиб кўрасиз”.

Мўъжиза ва шу билан бирга Муқаддас Китобдаги барча воқеаларни ўзингиз кўрмаганингиз учун имконсиз деб ҳисоблаб бўлмаслиги ҳақида айтиб ўтмоқчиман. Ҳар бир инсон ўзгача тажрибани бошидан кечиради. Сиз ўз ҳаётингизда бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисадан бошқасини хато деб ҳисобласангиз, бу сизда такаббурлик борлигидан далолатдир. Агар сиз мўъжизаларни имконсиз деб ҳисобласангиз, унда сизда буни тасдиқлайдиган қандайдир асос бўлиши керак.

## **ИЛМИЙ ДАЛИЛЛАР МЎЪЖИЗАЛАРГА ҚАРШИ**

Кўп асрлар давомида одамлар Муқаддас Китоб муаллифлари томонидан тасвирланган мўъжизанинг йўқлиги ҳақидаги ёлгон билан боғлиқ бўлган иккита асосий далилни илгари суришган. Келинг, ҳар бирини кўриб чиқамиз.

Биринчидан, *илмий эътироз* мўъжизаларга қарши. Илм-фаннинг муваффақияти (айниқса сўнгги икки аср давомида) мўъжизалар имконсиз эканини исботлади. Одамлар дунё қандай яратилганини тушунмагани учун биринчи навбатда ғайритабиий нарсаларга ишонишни бошлади. Уларда биология, астрономия, кимё ва экология фанларида бўшлиқлар бўлгани учун бу бўшлиқни мўъжизалар билан тўлдиришга ҳаракат қилишган. Бугунги кунда илм-фан бўшлиқларининг аксарият қисмини тушунтириб бериш учун мўъжизаларга эҳтиёж қолмади. Демак, аслида мўъжиза бўлмас экан-да.

Ҳамма нарса шундай оддийми? Биринчи иддао – одамлар дунёни қандай яратилганини *бизларга* қараганда унчалик яхши тушунмаганлиги туфайли мўъжизаларга ишонишганлиги Муқаддас Китобдаги мўъжизаларга мос келмайди. Ҳатто қадим замонларда яшаган одамлар ҳам болага ҳомиладор бўлиш учун

иккита одам кераклигини, сувда юришга ҳаракат қилганда чўкиб кетиш мумкинлигини ва ўликлар тирилмаслигини билишган! Шунга қарамай, Муқаддас Китоб муаллифлари бу воқеалар содир бўлгани ва улар буни кўрганини таъкидлайди. Ҳатто барча замонавий билимларни ишга солсак ҳам, Муқаддас Китоб муаллифлари нимани кўрганини тушунтириб беролмаймиз. Яъни, биз Муқаддас Китоб муаллифларига шундай сўзларни айтолмаймиз: “Эҳ сиз, қоронғуликда қолган одамлар, сувда юриш билан боғлиқ ҳеч қандай мўъжиза бўлмаганлигини биласизми? Сиз шунчаки квант физикаси қонунлари бўлмиш нисбийлик назариясини билганингизда, сувда юриш *табиий ҳол* эканини тушунган бўлар эдингиз ва бу ерда ажабланарли нарса йўқлигини аллақачон билиб олар эдингиз. Бокира қиздан туғилган бола ҳам мўъжиза эмас. Шамолни тўхташи, касал одамга сўз билан шифо берилгани ёки ўликни тирилганида ҳеч қандай мўъжиза йўқ. Бунинг барчасини илм-фан тушунтириб бера олиши мумкин”. Йўқ, илм-фан бу воқеаларни Муқаддас Китоб даврида қандай бўлган бўлса, шундан камроқ хайратланарли даражада қилиб кўрсатмоқчи.

Мени тушуняпсизми? Муаммо шундаки, илм-фан табиат қонунлари нуқтаи назаридан мўъжизаларни (шу жумладан Муқаддас Китобга оид) тушунтириш учун етарлича ривожланмаган. Илм-фан Муқаддас Китобда тасвирланган мўъжизаларни тушунтириб беролмайди. Нимага ғайритабиийликни илм-фан томонидан исботлаб берилган баёнотига ишонишимиз керак?

Жавоб: биз бундай қилмаслигимиз керак. Агар тўғридан-тўғри гапирадиган бўлсак, бу эътироз жуда юқори, яъни тасдиқланмайдиган нарсаларни талаб қилади. Бу жуда оддий: илм-фан ғайритабиийлик йўқ эканини ва бўлиши ҳам мумкин эмаслигини *исботлай олмади*. Коинот ва инсон ҳаётида илм-фан тушунтира олмайдиган жуда кўп

нарсалар бор. Мени тўғри тушунинг. Илм-фан тушунтира олмайдиган барча нарса ғайритабиийликка хос деб айтмоқчи эмасман. Йўқ, илм-фан ривожланаётгани учун у келажакда ҳозир жавоб бера олмайдиган саволларга жавоб бера олади. Бироқ, айтган сўзларини қадрлайдиган ва илм-фан *чегараларини* (айниқса, квант физикаси, астрономия ва ҳатто биология каби фанлардаги сўнги ютуқларни) тасаввур қиладиган ҳеч бир олим қўйидаги гапни умуман гапирмайди: “Дунёда содир бўлаётган воқеаларни осонгина тушунтириш мумкин, бундан кейин ҳеч қандай сир бўлмайди”. Аслида бундай олим қўйидаги сўзларни айтади: “Қанча нарсани билганимиз сари, шу даражада кўп нарсани тушунмаслигимизни ва жуда кўп нарса бизнинг тушунчаларимиздан анча узоқда эканини биламиз”.

Мўъжизалар ҳақидаги савол охир-оқибат Худонинг борлигига олиб келади, шундай эмасми? Агар Худо бор бўлса, демак мўъжизанинг имкони бор, бўлди нуқта. Бироқ, ҳар бир одам илм-фан Худонинг мавжудлигини аниқлашга қодир эмаслигини билади. Илм-фан ҳеч қачон Худонинг йўқлигини ва шу билан бирга мўъжизалар амалга оширилмаганлигини *исботлай олмайди*. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак ёш олимлардан тез-тез қўйидаги ишончли бўлмаган энгилтаклик ва мағрурликни эшитаман: илм-фан ғайритабиий ҳолатни имконсиз эканини исботлади!

## **ФАЛСАФИЙ ДАЛИЛЛАР МЎЪЖИЗАЛАРГА ҚАРШИ**

Мўъжизаларнинг ишончли эканига иккинчи эътироз *фалсафийликдир*. Унинг моҳияти шундан иборатки, агар илм-фан мўъжизалар *бўлмаслигини* исботлай олмаса ҳам (муҳим эътирофга эътибор беринг), биз мўъжизаларни *жуда кам аҳамиятли* деб ҳисоблаб унга ишонмаслигимиз керак. Мисол учун, Исонинг сув устида

юрганига ишонмаслигимиз керак чунки қачонлардир сув устида юришга ҳаракат қилиб муваффақиятсизликка учраган ҳар бир одам (айтайлик юз миллиард одам – қачонлардир ер юзида шунча одам яшаган) ҳақида гапирадиган бўлсак, унда Исонинг ҳақиқатдан ҳам сув устида юргани юз миллиарддан бирга тенг бўлади. Бу жуда катта кўрсаткич эмас.

Лекин бундай далиллар билан қизиқишнинг кераги йўқ. Шубҳа қиладиган ҳар бир нарсанинг эҳтимоллик даражасини аниқлашнинг иложи йўқ. Ундай бўлса барча ўзгача ва ноёб нарсаларни шубҳа остига қўйишга тўғри келади. Ер юзида етти миллиард атрофида одамлар яшайди, аммо билишимизча фақат *бир одам* юз метр масофани 9,58 сонияда югуриб ўтишга муваффақ бўлган. Мен томондан қуйидаги сўзларни айтиш беъманилик ва ўзига ортиқ даражада ишонишни билдиради: “Хм! Ҳа Усейн Болтни 9,58 сония ичида юз метр масофани босиб ўтиш эҳтимоли етти миллиарддан бирга тенг эканини тушунапсизми? Бунга ишониш аҳмоқлик”. Айнан шу сабабли Исонинг сув устида юрганини рад этиб бўлмайди, чунки бу ажойиб ҳолат ҳисобланади. Ҳаворийлар ҳам бундай ҳолатдан ҳайратлангани учун бу ҳақда ёзишган.

Мана шундай эътирозлар. Албатта, шубҳа қилувчилар мазкур икки далилдан кўплаб тахминларни ўйлаб топишади, аммо уларнинг барчаси мўъжиза ёки ғайритабиий ҳолатни йўқ қилиб кўрсатишни олдига мақсад қилиб қўйган. Илм-фан Муқаддас Китоб муаллифлари гувоҳ бўлган ҳодисаларни тушунтириб беролмайди. Шу билан бирга илм-фан бундай ҳодисалар бўлмаслигини исботламаган. Бундан ташқари, эҳтимоллик асосида воқеаларнинг ишончли эканини аниқлашга эҳтиёж йўқ. Агар сиз ғайритабиий ҳолат бўлмайди (умуман, ҳеч қачон) деб тасдиқлайдиган бўлсангиз, унда фақат *тасдиқлаб* юришингизга

тўғри келади. Сизда ҳеч қандай далил ёки асос йўқ. Бошқача қилиб айтганда, сиз ўзингизни мўъжизалар бўлмади, деган кўр-кўрона ишончдан чеклашингиз керак.

## **МУҚАДДАС КИТОБДАГИ МЎЪЖИЗАЛАР ИШОНЧЛИМИ?**

Шундай қилиб, Муқаддас Китоб муаллифлари ажойиб тарздаги нарсаларни кўрганини тасдиқлаган. Содир бўлган воқеаларни имконсиз ёки умуман мумкин эмаслигини таъкидлашимиз учун мантиқий асос йўқ. Лекин шунга қарамай бир савол бор. Кўпчилик мўъжизалар ҳақида ҳикоялар айтган. Бобилликлар. Юнонлар. Римликлар. Лекин бугун ҳеч ким *уларнинг* ҳикояларига ишонишимиз кераклиги ҳақида айтмаяпти. Муқаддас Китобдаги воқеалар нимаси билан фарқ қилади? Муқаддас Китобда ёзилган мўъжизаларни нима янада ишончли қилиб кўрсатади? Гап шундаки, Муқаддас Китоб қадимги китоблардан бутунлай фарқ қилади ва бу Муқаддас Китобни *янада ишончли қилиб кўрсатади*.

Нима демоқчи бўлганимни тушунтириб беришимга ижозат беринг. Мўъжизалар ёзилган бошқа қадимий ҳикояларни биз ҳатто гувоҳларнинг гувоҳлиги сифатида ҳам кўриб чиқмаймиз, улар бундай қилишимиз учун даъво қилмаяпти. Аксинча, биз қуйидагиларга эгамиз: 1) асрлар мобайнида кўплаб янги тафсилотлар билан тўлиб кетган афсоналар, худди кемага ёпишган чиганоққа ўхшайди; 2) дастлаб диққатга сазовор бўлмаган тарихий ҳикоялар, вақт ўтиши билан ғайритабиий тафсилотлар билан безатилган, чиндан ҳам ажойиб, лекин бу ҳеч нарсага асосланмаган ҳолат. Бу билан мен бу ҳикоялардаги ғайритабиий воқеалар ҳикоянинг ўзи учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслигини назарда тутяпман;

ҳикоя ғайритабиий қисмларсиз тўлиқ маънога эга бўлар эди, бу эса бу қисмлар кейинчалик таъсирлироқ қилиш учун қўшилганлигини кўрсатади. Гап шундаки, ҳар икки ҳолатда ҳам тарихчилар ўша қадимий ҳикояларга назар ташлаб, мўъжизавий тафсилотлар тарихий эмас, деган ишонч билан хулоса қилишлари мумкин. Булар вақт ўтиши билан тафсилотлар орқали яратилган афсоналар ёки таасурот қолдириш мақсадида қўшиб қўйилган лофга тўла сўзлардир. Аммо бу воқеалар ҳақидаги гувоҳлик эмас, чунки у ерда тарихий воқеалар ҳеч қандай маънога эга эмас.

Аммо, айнан шу ҳолат Муқаддас Китобдаги мўъжизалардан ажралиб туради. Бу афсона эмас. Улар асрлар давомида ниҳоясига етмаган. Одамлар гапиргани учун улар ҳақида шундай ёзилган: “Мен буни кўрдим, яқинда кўрдим”. Нафақат бу, балки Муқаддас Китобда ёзилган мўъжизалар уларнинг атрофидаги воқеалар учун жуда муҳимдир. Исонинг мўъжизаси шунчаки ажойиб эмас. Диққат билан қарасангиз улар Исо эълон қилган сўзлар билан тўлиқ боғлиқлигини тушунасиз. Айнан шунинг учун Исо шляпадан куён чиқариш ўрнига одамларга шифо берган: У одамларни гуноҳ касаллигидан шифолаш кучига эга эканини кўрсатган. Айнан шунинг учун Исо тангани қўлдан ғойиб қилиш ўрнига, одамларни ўликдан тирилтирган: У руҳий ўлимдан ҳаётга қайтара олишини кўрсатган. Ҳатто Исонинг сув устида юриши ҳам арзон бир найранг бўлмаган. Исо шу тарзда “Мен борман” деб Ўзининг буюклигини тасдиқлаётганини шогирдлари тушунган. Денгизни ўзига бўйсундирган одам қадимдан бетартиблик ва ёвузликни ўзида мужассам этган деб ҳисобланган. У Ўзи “юсакликда кўплаб сувларнинг шовқинидан, денгизнинг қудратли тўлқинларидан қудратлироқдир” (Санолар 92:4). Бу бошқа дин ва бошқа маданиятлардаги “мўъжизалар” ҳақидаги ҳикояларга ўхшамайди.

Муқаддас Китобда мўъжизалар ортиқча безак ҳисобланмайди. Улар Муқаддас Китобнинг ажралмас қисми бўлгани учун унинг моҳиятини кўрсатиб туради. Бундан ташқари, бу вақт ўтиши билан яратилган афсона эмас, балки одамларнинг ўз кўзи билан кўрган гувоҳлигидир. Нима бўлганда ҳам мўъжизалар ҳақидаги Муқаддас Китоб ҳикоялари юнон ва бобил афсоналаридан жуда катта фарқ қилади, шунинг учун уларга бутунлай бошқача муносабатда бўлиш керак.

Бу бизни Муқаддас Китобда тасвирланган мўъжизалар ҳақидаги муҳим хулосага олиб келади: уларни мантиққа тўғри келмайди деб айтиш нотўғри, улар бошқа ҳикоялардаги “мўъжизаларга” қараганда анча ишонарли. Шунга қарамай, бу ҳақда кўпроқ гапириш мумкинми деб ўйлайман. Муқаддас Китоб муаллифлари томонидан тасвирланган воқеаларнинг ишончли эканлиги ҳақида эмас, балки уларнинг тарихий *эҳтимоллик даражаси* ҳақида гапириш мумкинми?

Ўйлайманки, мумкин.

## **БАРЧА НАРСА ТИРИЛИШГА АСОСЛАНГАН**

Энди фикрлаш учун бизда бир нечта вариантлар бор. Исо томонидан амалга оширилган ўнлаб мўъжизаларни ҳар томондан ўрганишга киришсак бўлади. Бошқа кўплаб китобларнинг муаллифлари шундай йўл тутуди ва уларнинг хулосаси кўпинча ишончли бўлади (иловага қаранг). Бўлмаса масиҳийликка асосланган ва барчасини бошланишига сабаб бўлган бир мўъжизага эътиборимизни қаратишимиз мумкин. Унда масиҳийлик тарихи, масиҳийлик таълимоти ва масиҳийликка оид урф-одатлар бор. Ниҳоят, мазкур мўъжиза масиҳийларнинг асоси бўлиши Муқаддас Китоби – Худонинг Каломидир.

Бу албатта Исонинг тирилиши.

Буни умуман четлаб ўтиб бўлмайди: агар тирилиш амалга ошган бўлса унда масиҳийликда тузилган барча нарсалар ҳамоҳанг, худди соат механизмидек ҳаммаси ўз жойида, шу жумладан Эски ва Янги Аҳд қисмлари ҳам Муқаддас Китоб сингари ҳоқимиятга эга. Агар тирилиш амалга *ошмаган* бўлса унда ҳамма нарсани унутишингиз мумкин. Агар биз билган Муқаддас Китоб муаллифлари энг муҳим нарса – тирилишда хатога йўл қўйган бўлса, унда бошқа қолган нарсаларда уларни тўғри деб бўлмайди. Бундан ташқари, ҳар бир нарса ҳақидаги уларнинг ҳақиқати муҳим эмас, чунки қолган *ҳамма нарса* – мўъжиза, таълимот, турли баёнотлар Исони Масиҳ эканини кўрсатиш учун мўлжалланган. Агар Исо ўликлардан тирилмаган бўлса, унда У Масиҳ эмас ва қолган нарсаларнинг барчаси аҳамиятсиз. Бўлди нуқта. Масиҳийликнинг мавжудлиги Исонинг ўликлар ичидан диний ёки руҳий тарзда тирилганлиги билан эмас, балки *тарихий тарзда* тирилганлиги билан боғлиқ.

Муқаддас Китоб муаллифлари мазкур воқеани бўлиб ўтган воқеа деб ўйлашган. Улар адашмаган, улар ҳеч кимни алдамаган ва улар афсона яратмаган. Улар кўргани, эшитгани, ушлаб тегиниб кўргани ва бошдан ўтказган кечинмалари ҳақида гапирган. Лекин биз, улар тўғри йўл тутган деб, ишонч билан айтишимиз мумкинми?

Ҳа, мумкин. Нимага?

## **НИМА УЧУН УЛАР ИСО ТИРИЛГАН ДЕБ ҲИСОБЛАШГАН?**

Келинг гапимизни аниқ бир савол билан бошлаймиз. Умуман олганда, Муқаддас Китоб муаллифлари ва илк масиҳийларни Исо тирилишига ишонтиришга нима мажбур қилган? Уларнинг

гувоҳлигига асосан бу эътиқод икки сабабга кўра пайдо бўлган: 1) ҳафтанинг биринчи куни эрталаб улар Исонинг жасади қўйилган қабрни бўш ҳолда топишган; 2) Исонинг ўлиmidан кейин улар Уни жисмонан бир неча марта кўришган.

Илк масиҳийларнинг мазкур тажрибасига келсак, баъзи вазиятларни тушуниш муҳим. Биринчидан, муаллифлар Исонинг жисмсиз, руҳ, арвоҳ ёки шунга ўхшаш ҳолатда пайдо бўлганини (яъни жисмоний танасиз) қатъиян рад этишади. Луқо Исо Ўзини шогирдларига биринчи марта зоҳир бўлганида, Исо Ўзига тегиниб кўришни таклиф қилмагунча улар чиндан ҳам Уни арвоҳ сифатида қабул қилишган: “Руҳнинг эту суюги бўлмайди”. Бу сўзларни тасдиқлаш мақсадида Исо қовурилган балиқдан бир қисмини еган (Луқо 24:39; 42-43). (Балиқ қовурилганлиги ҳақидаги эслатма жуда қизиқ. Пиширилган, қовурилган ёки қайнатилганлигини нима фарқи бор? Ҳеч қандай. Бу афсоналарга қўшилмайдиган тафсилотлардан бири ҳисобланади. Бу яққол бўлмаган, лекин аниқ кўрсатма бўлгани учун тирик гувоҳ айтаётган воқеадир.)

Иккинчидан, шогирдларга зоҳир бўлган шахс бошқа бўлмай, балки айнан хочда ўлган Исо эканига уларнинг ишончи комил бўлган. Исо Томага деди: “Бармоғингни бу ерга узат ва қўлларимга қара, қўлингни бу ерга чўз ва биқинимга қўй” (Юҳанно 20:27). У арвоҳ бўлмаган. У бошқа қандайдир шахс ҳам бўлмаган. Ҳаворийлар, уларга зоҳир бўлган шахс хочга михланган Исо эканини таъкидлаб ўтишган.

На бўш қабр, на Исонинг зоҳир бўлиши ҳаворийларга тирилиш ҳақида гапириш учун бундай ишонч бермаслигини тушуниш муҳим. Агар улар фақат бўш қабрни кўрганида, албатта бошини чайқаганча тарқаб кетишар, лекин Исо тирилди деб ишонмаган бўлишар эди. Жуда кўп вариантлар бор: қабр талон-тарож бўлган, римликлар

томонидан яна бир мазах сифатидаги ҳаракат бўлган ёки шогирдлар адашиб бошқа қабрга келган бўлиши мумкин!

Шу билан бирга улар учун фақат Исони кўришнинг ўзи етарли эмас эди. Бу ерда ҳам кўплаб изоҳлар бўлиши мумкин: бу арвоҳ ёки кўриниш бўлиши мумкин, бу қаллоб ёки шунга ўхшаш одам ҳам бўлиши мумкин! Агар жасад қабрда қолганида ҳеч ким тирилиш ҳақида гапиришни ўйламаган бўлар эди.

Аммо ҳаворийлар бўш қабрдан ташқари, Исонинг зоҳир бўлганлигини кўргани уларнинг онги ўзгаришига сабаб бўлди. Қабр бўш эди чунки Исо тирилган эди. “У бу ерда йўқ. Ўзи айтганидек, қайта тирилди” (Матто 28:6). Буни ҳаворийлар тасдиқлаган. Айнан шунинг учун улар ишонди, Исонинг чиндан ҳам тирилганига ишонгани учун ҳатто ўлимга ҳам рози бўлишган. Албатта, сиз уларга ишонмаслигингизни айтишингиз мумкин: ўша якшанба куни эрталаб, *бундан бошқа* дуч келган нарса бўлган бўлиши мумкин. Агар шундай деб ўйласангиз, унда бошқа бирон бир нарсани тақлиф қилишингиз керак. Тирилиш бўлмаган бўлса, унда *нима содир бўлган?*

## **БОШҚА ИЗОҲГА ҲОЖАТ ЙЎҚ**

Сиз қила олмайдиган ягона нарса (ўз фикрингизни қандай бўлса шундайлигича айта олсангиз) ўзингизни ҳеч нарса бўлмагандек қилиб кўрсатиш. Аниқ бир нарса юз берган ва мазкур ҳодиса дунёдаги кейинги икки минг йилга ўз таъсирини ўтказган. Ҳатто ҳаворийларнинг ҳаётида содир бўлган воқеалар уларнинг дунёқарашини бутунлай ўзгартирди. Улар хочга миҳланган Исо – узоқ кутилган Масих, яҳудийларнинг умиди, У – Худонинг Ўғли, одамларнинг гуноҳини ўзига олган Худонинг Қўзиси, Ўз халқи орасида бошланиши керак бўлган янги ижоднинг биринчи маҳсули,

тирилишидан кейин Ўз ҳаётига ўхшаш янги туғилиш сингари Ўз халқини бир марта ва бутунлай қутқариб олган ва дунёга янги туғилишни ато қилган шоҳлар Шоҳи эканига ишонишган. Улар бу ҳақиқат ҳақида ваъз қилиш мақсадида ҳаётини ўзгартиришган: олдинги ишларини қолдирган, уйларини тарк этган, ҳатто уларни (ривоятларга кўра) бошини танасидан жудо қилишганида, хочга михлашганида, найза санчишганида, терисини танасидан сидириб олишганида ва тошбўрон қилишганида ҳам эътиқодида мустаҳкам туриб бундан воз кечишмаган.

*Бунга бирор сабаб бўлиши керак эди.*

У ерда чиндан ҳам ўликлар ичидан тирилиш ёки бошқа бирон-бир кучли таассурот бўлгани аниқ. Чунки барча шогирдлар бир вақтнинг ўзида бу ишончни қабул қилган. Бундан ташқари, азобли ўлимга қарамай улар ўз ҳаётини ўзгартириб, ўз эътиқоди ҳақида гапиришган. Унда охиригى саволни беришга тўғри келади: кимдир ҳамма нарсани тушунтира оладиган бошқа талқинни таклиф қилганми? Кўпчилик буни бажаришга ҳаракат қилган.

Эҳтимол, аёллар бошқа қабр олдида бориб барчани хурсанд қилган ва ўз хатоларини сезмагандир. Балки. Лекин Исонинг тирилиши ҳақидаги хабар шаҳар бўйлаб жуда тез тарқалган. Нима учун ҳукумат тўғри қабрдаги жасадни кўрсатмади? Улар бу қабр қаерда жойлашганини аниқ билишарди: чунки рим қўриқчиси у ерга муҳр қўйган эди. Қайд этганимиздек, фақат қабр бўшлиғи ҳақидаги янгиликдан ҳеч ким Исо тирилди деган фикрга келмаган. Исо яна шогирларига ҳам *тирик* ҳолда *зоҳир бўлган!* Агар сиз улар адашган деб айтадиган бўлсангиз, майли. Тирилиш бўлмаган бўлса унда нима содир бўлган?

Майли, эҳтимол Исо чиндан ҳам ўлмагандир. Айтайлик, У *ўлим ёқасида эди.* Кейин У қабрдан чиқиб яшириниб ўтирган

шогирдлари олдига қайтган. Балки шундайдир. Лекин унда нимага . . . Тўхтанг, яна қандай “балки”! Нима биз чиндан ҳам Исо хочга миҳланганидан сўнг тирик қолганига ва ҳамма жойи ярадор, найза санчилган, сувсиз ва очликдан ўлаётган ҳолда кўрқув ва шубҳада қолган шогирдларига зоҳир бўлиб, Ўзини – ҳаёт Хукмдори ва ўлим Ғалабачиси эканига ишонтирмоқчи бўлган деб ҳисоблаймизми? Жуда ишониш қийин бўлган ҳолат деб айтган бўлар эдим. Бундай ҳолда улар воизлик қилиш учун эмас, балки шифокор излаб кетган бўлишар эди!

Балки шогирдлар жасадни ўғирлаб, кейин Исонинг ўликлар ичидан тирилгани ҳақида айтишгандир? Балки, бу жаҳон тарихидаги энг муваффақиятли ёлғон бўлгандир? Йўқ, бу ҳикояда ёлғонга ўхшаш ҳеч нарса йўқлиги ҳақида аввалроқ айтиб ўтган эдик, энг асосийси ҳеч ким ёлғон учун ўлимга бормайди. Агар сиз барчани алдаган бўсангиз, ҳаммаси тугаб бошингизни танангиздан жудо қилишганда, қўлингиздан устунга миҳлашганда, қизиб турган ёлғо ташлаганда ёки маъбаднинг деворидан пастга улоқтирганда сиз яна қўйидаги сўзларни айтмайсиз: “Ҳа, У тирик!” Сиз мазкур ҳикояга ҳақиқатдан ҳам шундай бўлгани учун ишонасиз.

Эҳтимол, ҳаворийлар оммавий алаҳсирашнинг қурбони бўлгандир. Йўқ, биз бу тахминни батафсил муҳокама қилиб бўлдик. Турли одамлар бир ҳафта ичида бир неча бор Исони кўрганлиги ҳақидаги сўзларга эътибор берадиган бўлсак, оммавий алаҳсираш госяси ўз-ўзидан беъманилик ҳисобланади.

Эҳтимол, бундай ҳолатда уларни қандайдир туш, кўриниш, мистик кечинма ёки янги руҳий ҳаётга бўлган мукамал самовий кечиримни ҳис қилиши ҳайратга солгандир. Эҳтимол, улар “тирилиш” деганда Исонинг ўликлар ичидан тирилганини эмас, балки айнан шуни назарда тутаётган бўлса керак. Балки, барча

Янги Аҳддаги воқеалар ҳақиқатни ифодаловчи катта бир метафора бўлиб, уни тўғридан-тўғри тушуниш керак эмасдир.

Йўқ, биринчи навбатда гап шундаки, тирилиш ҳақидаги воқеалар руҳий метафорага ўхшамайди. Улар юз берган воқеага гувоҳ бўлишган. Буни сезмаслик учун жуда кўп ҳаракат қилиш керак бўлади. Бундан ташқари, биринчи асрда яшаган яҳудийлар туш, кўриниш ва экстатик диний кечинмалар билан яхши таниш бўлган. Яҳудийлар учун масих-қаллоблар номига эга бўлганлар янгилик ҳисобланмаган, чунки улар ҳукумат томонидан ўлимга топширилган. Шунинг учун қатл қилинган “масих” билан боғлиқ бўлган кўриниш ёки мистик кечинма (ҳис-туйғу ҳақида гапирмаганда), ўзини ўлимга ҳам топширишга рози бўлган илк масихийлар томонидан Исони тирилишига бўлган дунёқарашни ўзгартирадиган имонни келтириб чиқарган бўлиши мумкин эмас. Бундан ташқари, биринчи асрда яшаган яҳудийлар ҳис-туйғуни ҳисобга олмаганда, кўриниш ёки мистик кечинма қай даражада кучли бўлишидан қатъий назар ҳеч қачон “тирилиш” сўзини ишлатишмаган. Бунинг сабаби, “тирилиш” сўзи мутлақо аниқ маънога эгалигидадир. Бу тана ва руҳни жисмонан ҳаётга қайтишини билдиради. Бундан бошқа ҳеч қандай маънони билдирмайди. Илк масихийлар Исо билан нима содир бўлганини гапирганда айнан шу сўзни ишлатишган.

Эҳтимол, улар ўз-ўзини алдаш қурбони бўлгандир? Балки, улар Исонинг ўлимини кучли хоҳламагани учун ўзларини У тирик деб ишонтиришгандир? Яна ва яна йўқ. Шогирдлар устози ва дўстининг ўлиmidан тасалли қидирганда ҳам, улар тирилиш ҳақида умуман ўйламаган бўлар эди. Лекин улар ўзларини Исо руҳан тирик ва шунга ўхшаш сўзлар билан юпатишган. Аммо бирдан Исонинг тирилгани ва охиригача улуғлангани ҳақида уларга келган фикр

умуман ақлга сиғмайди. Кўргани ва бошдан кечиргани *уларда бошқа танлов қолдирмаганида*, шунда буни тасдиқлаган бўлишар эди. Тушуныясизми? Илк масиҳийлар Исонинг тирилишини жуда *хоҳлагани* учун бундай деб айтишмаган. Улар кўрган нарсаларига бошқа изоҳ топа олмагани учун шундай деб айтишган. Бундай хулосага уларни ўзини-ўзи алдаш эмас, балки ўз кўзлари билан кўрган ҳолат олиб келган.

Бундан ташқари, биз билгандек, шогирдлар тирилиш ҳақидаги хабарни қабул қилишга тайёр эмас эди. Аксинча, шогирдлар ишонишидан олдин узоқ вақт *ишонмагани* сабаб, Исони уларга таъна қилишига тўғри келди. Йўқ, шогирдлар *умуман* охиригача бир шахснинг тирилишига психологик, диний ва маданий даражада тайёр эмас эди. Бу ҳолатнинг амалга ошгани уларнинг онгини ағдар-тўнтар қилиб, изоҳ қидириб азобланишига сабаб бўлди.

Шундай қилиб, ўша якшанба куни эрталаб нимадир юз берган ва буни инкор этиш беъманиликдир.

Энди сиздан *нима бўлган эди* деб сўрамоқчиман? Бу хато бўлмаган, бу ўлимга яқин ҳолат ҳам эмас эди, бу ерда ёлғон ишлатилмаган, оммавий галлюцинация ҳам бўлмаган, кўриниш ёки кечирим олишда мистик ҳис-туйғу бўлмаган, ўзини-ўзи алдаш ҳам бўлмаган – бунинг ҳеч бири бўлмаган. Агар юқорида таъкидланган ҳолатлар бўлмаган бўлса, *унда нима бўлган?*

Кўриб турганимиздек, илк масиҳийлар қабрнинг бўш эканлиги ва Исонинг тирилганлигини кўргани ҳақида баёнот қилишган; бу тажрибадан келиб чиққан ишонч уларнинг ҳаётини ўзгартирган; ҳатто ўлим олдида ҳам уларнинг имонини тебранмаслигига сабаб тарихий жиҳатдаги фактдир:

*Исо ҳақиқатдан ҳам ўликлар ичидан тирилди*

## **ИСОНИНГ ТИРИЛИШИ НИМАНИ АНГЛАТАДИ?**

Сўзсиз аниқ бўлишига қарамай савол билан мурожаат қилмоқчиман: кимдир ўликлар ичидан тирилгани учун ундан юз ўгириш мумкинми? Бу жуда катта ва абадий аҳамиятга эга бўлган ҳақиқат. Биз ушбу бобни тугатяпмиз, шунинг учун сўзни таниқли тадқиқотчи Н. Т. Райтга беришимга ижозат берсангиз, унинг хулосаси биз учун жуда фойдали бўлади. Шошилмасдан диққат билан ўқиб, ўйлаб кўринг:

Албатта, [Масиҳнинг тирилиши ҳақида айтилган барча сўзлар] мантикий ёки математик далил бўла олмайди. . . . Тарихчи ҳеч қачон Пифагор ҳолатида бўлолмайди. Тарих билан вазият бошқа-бошқадир. Мутлақ ишонч билан деярли ҳеч нарсага эришиб бўлмайди: тарих – асосан ғайритабиий ва такрорланмас ҳолатни ўрганишдир. Шунинг учун биз юқори даражадаги эҳтимолликни изляяпмиз, бунга барча имконият ва тахминларни кўриб чиқиш ва мазкур ҳодиса қай даражада яхши тушунтириб берилганлиги орқали эришиш мумкин. Тирилиш ҳақида фикр юритганда, доим шубҳа қилувчи ва танқидчилар кўрадиган нарсаларни кўриш мумкин: Илк масиҳийларнинг эътиқоди пайдо бўлиши учун етарли даражада шароит яратилган, аммо танқидчиларнинг эпистемологик ва онтологик маориф тоифаси ёки бутпарастлик тоифасига мос келадиган изоҳлари ҳеч қандай қийинчиликка сабаб бўлмаган. Бироқ, сўнгги икки аср мобайнида кўплаб олимларнинг умидсиз уринишларига қарамасдан, (агар ўтмишдаги танқидчиларнинг Цельса билан бошлаган ишини

ҳисобга олмаса), улар бунга изоҳ топа олишмаган. Илк масиҳийлар аллақачон уларда бўлган имонни тушунтириш учун бўш тобут ва “учрашувлар”, яъни Исонинг тирилгани “кўринишини” ўйлаб топишмаган. Балки, мазкур имонни бир нуқтага тушиб келган икки ҳодиса сабабли топишган. Ҳеч ким бундай бўлишини кутмаган эди; ҳеч қандай мурожаат тажрибасидан бундай ғоя чиқмаган эди; қандай айблов (ёки кечиримни) бошидан кечиргани, Муқаддас Китоб устида неча соат астойдил шуғулланганидан қатъий назар – буни ҳеч ким ўйлаб топа олмаган бўларди. Бошқача ўйлаш – тарих билан шуғулланишни тўхтатиб, ўз хаёли дунёсига кириб боришни билдиради. Юқоридаги фикрнинг акси эса, тарихни ўрганишни тўхтатиб, ўз хаёлот оламингизга шўнғишдир. Бу янги когнитив уйғунликнинг бузилиши Маърифат давридан (17-18-асрлар) кейинги дунёқарашнинг қулаш хавфи борлигидан дарак беради. Шу сабаб, бу дунёқарашни мустаҳкамлаш стратегияси ишлаб чиқилди. Одатда тарихчилар қабул қиладиган далиллар нуқтаи назаридан биз таҳлил қилаётган воқеага қарайдиган бўлсак: бўш қабрнинг далиллари билан бирга тирик Исонинг ўлими ва тирилишидан кейин пайдо бўлганлиги ҳақидаги далиллар бирлаштириб, илк масиҳийлик этиқодини яратади ва бу иккиси биргаликда сиз ҳар қандай жойда топишингиз мумкин бўлган кучли далилни яратади.<sup>32</sup>

---

32. Н. Т. Райт. *Худонинг Ўлими тирилиши*, 706-707-бетлар; [инглиз тили: Wright, *The Resurrection of the Son of God*, pages 706–707].

Муқаддас Китобга ишониш мумкин деган фикрга келишдан олдин узоқ йўлни босиб ўтдик, шундай эмасми? Ҳар қадамда бизни саволлар пойлаб турганига қарамай, Муқаддас Китобни тарихий жиҳатдан ишончли деб айтишимиз мумкин. Мана нимада ишонч ҳосил қилдик: Муқаддас Китобдаги таржималаримиз тўғри; биз эга бўлган қўлёзмалар асл нусхаларга тўлиқ мосдир (ёки ҳеч бўлмаганда бизга мазмунини қайта тиклашга имкон беради); биз керак бўлган ҳужжатларни, энг яхшиларини ўрганишимиз; Муқаддас Китобнинг муаллифлари нодон бўлмаган, алдамаган ва санъат асари ёзишни олдига мақсад қилиб қўймаган (улар бизга ўзининг фикрига кўра ҳақиқатдан нима содир бўлганини айтишган); ва ниҳоят, улар ҳақиқат деб *ҳисоблаган* нарсалар аслида ҳам содир бўлганига ишониш учун бизда етарли асослар бор. Таърифланган мўъжизаларни эътиборсиз қолдириб бўлмайди, уларнинг эҳтимоллик даражаси ғайритабиий ҳодисалар ҳақидаги бошқа тарихий воқеаларнинг ишончлилик даражасидан анча устун. Бор бўлган мўъжизалардан энг муҳими – Исонинг тирилиши бўлиб, барча гувоҳликларга фақат битта изоҳ бор ва у ҳам бўлса *тирилишнинг ҳақиқатдан ҳам амалга ошганидир*.

Аммо фикрлашимиз керак бўлган яна бир қадам бор. Агар тирилиш бўлган бўлса, унда бизни Муқаддас Китобга бўлган ишончимиз тарихий жиҳатдан тан олишдан кўра янада юқорироқ даражага кўтарилади.

Агар Исо чиндан ҳам тирилган бўлса, унда Муқаддас Китоб – Худонинг Каломидир.

## 7

# ЎЛИКЛАР ИЧИДАН ТИРИЛГАННИНГ СЎЗИГА ИШОНИНГ

**К**айсидир маънода китобни аввалги бобда тугатмоқчи бўлдим. Мен адолатга бўлган ишончни ҳозиргина гапирган сўзларга асосан чин дилдан қуришни истаيمان, чунки инсоният тарихида ҳақиқатга нисбатан ҳеч қачон бундай жиддий тарзда даъво қилиш бўлмаган: бизга тақдим этган гувоҳликларга энг яхши изоҳ, бу Исонинг ҳақиқатдан ҳам ўликлар ичидан тирилганидир. Шунинг учун китобни охиригача ўқиб чиқасиз деган умиддаман, шунингдек, бу даъво ва у нимани англатиши ҳақидаги фикр сиз учун энг ҳаяжонли ва ҳайратланарли бўлади деб умид қиламан. Агар мазкур воқеа чиндан ҳам содир бўлган бўлса, унда сиз учун Исонинг тирилиши нимани англатади? Агар чиндан ҳам шундай бўлса, унда жавобингиз қандай бўлади?

Лекин бу китоб “Нима учун Исонинг ўликлар ичидан тирилганига ишониш керак?” деб номланмай, балки “Нима учун Муқаддас Китобга ишониш керак?” деб номлангани учун саволимизни охиригача ҳал қилишимиз керак. Биз биринчи навбатда Муқаддас Китобдаги Янги Аҳднинг тўрт Хушхабари *тарихий ҳужжатлар* эканлиги ҳақида фикр юритиб гаплашдик. Бунини амалга ошириб, биз улар ҳар қандай тарзда илоҳий ёки Худодан эканлиги тахминидан келиб чиқиб гапирмадик. Биз уларни Худонинг Каломи ва улар хатосиз ёки ҳар доим тўғри деган тахминдан ҳам келиб чиқиб гапирмадик. Аслида, қадимий

қишлоқ ҳаробаларидан топилиши мумкин бўлган бошқа ҳар қандай тарихий ҳужжатларни ишончсиз деб ҳисоблаш мумкин бўлганидек, Муқаддас Китоб ҳужжатларининг ҳам тарихий далил сифатида ишончсиз бўлиши мумкин деган тахминларни ҳам кўриб чиққанмиз. Аммо тарихий нуқтаи назардан, уларнинг жуда ишончли эканига, *таржималаримиз*, қадимги нусха кўчирувчиларнинг *асл мазмунини етказиши*, бошқа ҳужжатлар ичида *айнан шу ҳужжатларни* ишончли деб топилиши ва муаллифлар, ҳамда улар ёзган воқеаларни *ишончли эканига* яна ва яна амин бўлдик. Муқаддас Китобнинг тарихий манба сифатида ишончли эканини таъминлаш учун бошидан охиригача кучли далиллар занжирини яратдик.

Бироқ, биз масиҳийлар Муқаддас Китобга ишонишимиз кераклигини айтганимизда, биз унинг *тарихий жиҳатдан ишончли эканини* назарда тутмаймиз. Балки бундан ҳам кўпроқ нарсани назарда тутамиз. Биз, Муқаддас Китоб Яратган томонидан илҳомланган Худонинг Каломи эканига ишонамиз ва шунинг учун Муқаддас Китобдаги сўзларнинг барчасини тўлиқ ҳақиқат деб тан оламиз. Мана мисол тариқасида бизнинг жамоатда имон қуйидагича эътироф этилади:

Муқаддас Китоб – яъни Эски Аҳд 39 китобдан ва Янги Аҳд 27 китобдан ташкил топган Худонинг Каломи эканига ишонамиз; у Худо томонидан илҳомланган одамлар орқали ёзилган, илоҳий кўрсатмаларнинг комил хазинаси ҳисобланади; унинг муаллифи Худо, мақсади нажот бўлиб, унда ёлғон аралашмаган ҳақиқат бор; унда Худо бизни ҳукм қилиши керак бўлган қонунлар очиб берилган. Шунинг учун Муқаддас Китоб ҳозирда ва охиригача масиҳийлар

иттифоқининг ҳақиқий маркази, барча билим, имон ва итоаткорлик нажотининг ягона, аниқ, ҳамда ҳокимиятга эга бўлган манбайи бўлиб қолади.<sup>33</sup>

Жамоатимизнинг ҳар бир аъзоси Муқаддас Китоб “Худонинг ёзилган Каломи” эканига, уни “Худо томонидан илҳомланган ҳолда” одамлар ёзганига, у “илоҳий насиҳатларнинг комил хазинаси” эканига, унинг “муаллифи Худо” эканига ва ҳатто Муқаддас Китобда “ёлғон аралашмаган ҳақиқат борлигига” ишонади. Шубҳасиз, бу тарихий ҳақиқатга бўлган ишончдан ҳам анча устундир!

Масиҳийлар мазкур сўзларни айтганда нимани назарда тутаётгани ҳақида ўйлаш учун на вақтимиз, на жойимиз бор. Муқаддас Китобнинг *илоҳийлиги* ва *бехатолиги* мавзусида алоҳида китоблар бор (иловага қаранг). Биринчи ўринда, масиҳийлар Муқаддас Китоб ҳақида нима гапиришини тушунишимиз жуда муҳим. Қисқа қилиб айтганда, Исо ўликлар ичидан тирилди. Исо тирилгани учун Унинг айтган сўзларига ишонамиз, агар Исонинг Ўзи Эски Аҳдни маъқуллаб, Янгисини бошлаган бўлса, унда унинг ишончли ва ҳақиқий эканига аминмиз.

## **МАСИҲ ТИРИЛИШИ КЕРАК ЭДИ**

Масиҳийлар учун тирилиш кўп сабабларга кўра муҳим ҳисобланади. Бу имон орқали Масиҳ билан иттифоқ тузганлар У каби тирилишини билдиради. Бу Исо гуноҳ учун Ўзини хочда келтирган қурбонлигини Худо бутунлай қабул қилганини ва

---

33. “Биз нимага ишонамиз”, Учинчи авенюдаги Баптист жамоати, Луис-вилл, Кентукки; [инглиз тили: “What We Believe,” Third Avenue Baptist Church, Louisville, KY, accessed February 25, 2015, <http://www.thirdavenue.org/What-We-Believe>].

Худонинг олдидаги гуноҳимиздан қутқариш учун бу қурбонлик етарли эканини англатади. Бу энди Исо ер юзида яшаётган халқни бошқаришини, уни ҳимоя қилишини, унга шафоат қилиб, ҳамда унга яхшилиқ қилишини англатади. Бу шунингдек, Худо Исонинг кимлиги ва қандай кучга эга эканлиги ҳақидаги баёнотини жорий қилгани, маъқуллагани ва тасдиқлаганини билдиради.

Буни тушуниш қийин эмас. Исонинг тирилиши бошқа мўъжизалар сингари воқеа бахтли ниҳоя топиши учун шунчаки таъсир қилмади. Исо ҳар сафар тирилиш ҳақида гапирганда, доимо буни Ўзининг ким эканлиги билан боғлаган. Мисол учун, Хушxabарчи Матто Исо Ўз хизматини тугатишидан олдин уч марта ўлиб-тирилиши ҳақида каромат қилганини ёзган. Исо ҳар сафар бу ҳақда *Масих эканини тасдиқловчи муҳим хулоса сифатида* гапирган. Келинг мазкур уч башоратни кўриб чиқамиз.

Исо дастлаб шоғирдларидан Уни ким деб ҳисоблаши ҳақида сўради. Петрус “Сен Барҳаёт Худонинг Ўғли – Масихсан, – деди” (Матто 16:16). Бу иборанинг маъноси битмас-туганмасдир, лекин Петрус Исо узоқ қутилган Исроилга келиши керак деб каромат қилган Масих (мойланган деган маънони англатади, шоҳни шундай чақиритган), шунингдек Худонинг Ўғли (Исонинг Ўзи ҳам Худо эканини англатади) эканини тасдиқлади. Исо буни эшитиб хурсанд бўлди ва мазкур очиқликни Ота Худо очиб бергани учун Петрус бахтли эканини айтиб ўтди. Петрус Исони Шоҳ сифатида тан олганидан кейин Исо Шоҳ сифатида ҳаракат қила бошлади. У жамоатнинг бошланиши – Шоҳнинг ер юзидаги ваколатхонасини ўрнатиб, уни ҳимоя қилиш ва берилган вазифани бажариш учун куч беришини ваъда қилди. Исо бу ваколатхонага Ўз номидан гапириш ҳуқуқини бериб, кейин жуда муҳим нарсалар – Шоҳ, Масих нимани англатиши ҳақида ҳаворийларга таълим бера бошлади. Матто (буни

хаммасини кўргани ва эшитгани ҳақида эсдан чиқарманг) куйидаги сўзларни ёзиб қолдирган:

Шу вақтдан бошлаб, Исо Ўзининг Йерусалимга бориши ва оқсоқоллар, олий руҳонийлар, уламолардан кўплаб азоб чекиб, ўлдирилиши ва учинчи кун тирилиши кераклигини шогирдларига очиқ айта бошлади (Матто 16:21).

Биринчидан, Матто айтган сўзларга эътибор беринг: “Шу вақтдан бошлаб, Исо . . . шогирдларига очиқ айта бошлади.” Бу қандайдир қисқа суҳбат бўлмаганлиги аниқ. Ўша пайтдан бошлаб Исо Ўзининг таълимотидаги моҳиятни очиқ бера бошлади. Бундан ташқари, “керак” деган сўзга эътибор беринг. У Йерусалимга бориб, кўп азоб чекиши, ўлдирилиши ва учинчи кун тирилиши “керак” эди. Энди “очиқ”часига деб айтилган сўзга эътибор қаратинг. Бу бўлиши керак бўлган нарсаларни Исо очиқчасига айтганини билдирадими? Қайси нуқтаи назардан уларга очиқчасига айтди? Мантиқанми? Ақланми? Йўқ, бу Муқаддас Китобнинг Эски Аҳдида ёзилган сўзлар нимани англатишини очиқчасига айтишни билдиради. Тушуняспизми? Масихнинг роли, Унинг мақсади ва тақдири ҳал қилинмаган ҳолатда эмас, ҳаммаси Эски Аҳдда аниқ белгилаб қўйилган эди, бу Масих тирилиши кераклигини англатади. Исо “Масих ўликлар ичидан тирилади, деб айтилган эди. Агар тирилмасам, унда Мен Масих эмасман. Аммо Мен тириламан, шунинг учун . . .” Хулоса қилиб айтганда бунини ўзи сўрапти.

Исо иккинчи марта Ўз ўлими ҳақида бир неча кундан кейин башорат қилди. Бу сафар У Ўз сўзларини Эски Аҳднинг Масих ҳақидаги башорати билан боғлади. Бу ҳақда Матто шундай ёзади:

Улар Галилияда турганларида, Исо шогирдларига деди: “Инсон Ўғли одамлар қўлига тутиб берилади ва улар Уни ўлдирадилар. Учинчи кун эса У тирилади”. Шунда шогирдлари жуда ҳам қайғуга тушдилар (Матто 17:22-23).

Исо Ўзини кўпинча *Инсон Ўғли* деб атаган, ammo бу У фақат “инсон ўғли” деганини билдирмайди. Охиргисини биз ҳақимизда ёзилган сўзлар деб айтса ҳам бўлади. У мазкур унвонни Эски Аҳддаги Дониэлнинг башоратидан олган: у ваҳий орқали “инсон қиёфасидаги бир Зотни кўргани” ҳақида гапиради. Яъни Дониэл кўрган шахс одамга ўхшаган бўлган. Ammo “инсон қиёфасидаги бир Зот” нима қилганига эътибор беринг:

Мен тундаги ваҳийларимда, мана, само булутлари билан келаётган инсон ўғлидек бир Зотни кўрдим. У кунларига кўра қадимий Бўлганнинг олдига етиб борди ва Унинг ёнига яқин келтирилди. Ўшанда барча халқлар, қабилалар ва миллатлар Унга хизмат қилишлари учун Унга ҳокимият, шухрат ва шоҳлик берилди. Унинг ҳукмронлиги – мангу, ҳеч ўтиб кетмайдиган ҳукмронликдир ва Унинг шоҳлиги абадий бузилмайди (Дониэл 7:13-14).

Исо Ўзини *Инсон Ўғли* деб атаганда айнан шу ҳақда гапирган. Мазкур муҳим унвон нафақат шоҳликка бўлган ҳокимиятни, балки илоҳийликни ҳам кўрсатади. Бироқ, биз учун қуйидаги нарса жуда муҳим: Матто 17:22 да Исо бу исми тирилиш билан боғлаётганига эътибор беринг. Йўқ, бу ерда Исо “керак” сўзини айтмади, лекин маъно жиҳатдан бир хил. Мана У нимани назарда тутяпти: “Эски Аҳдда башорат қилинганидек, Инсон Ўғли ўлдирилади ва учинчи

куни тирилади. Агар бундай бўлмаса, унда Мен ўша Инсон Ўғли эмасман. Аммо Мен айнан ўша Инсон Ўғлиман, шунинг учун худди шундай бўлади”.

Исо Матто Хушхабариди Ўзининг тирилиши ҳақидаги учинчи башоратини Қуддусга киришидан олдин, яъни хочга михланишидан бир неча кун олдин айтган. Мана Матто Унинг сўзларини қуйидагича ёзган:

Исо Йерусалимга бораётганида, ўн икки шогирдини йўлдан четга чақириб, уларга деди: «Мана, биз Йерусалимга кириб боряпмиз. Инсон Ўғли олий руҳонийлару уламоларга топширилади ва Уни ўлимга ҳукм қиладилар. Сўнг Уни хўрлаш, уриш ва хочга михлаш учун мажусийларга топширадилар. Учинчи куни эса У тирилади» (Матто 20:17-19).

Бу ерда ҳам янги нарса йўқ. Исо аввал нимани башорат қилган бўлса шуни айтяпти: “Мен Инсон Ўғлиман, шунинг учун бунинг барчаси амалга ошади”.

Тушунапсизми? Исо ҳар сафар тирилишни Ўзининг кимлиги билан боғлаган. Агар Унинг сўзлари амалга ошса, унда У Масих, Шоҳ ва Инсон Ўғлидир. Агар амалга ошмаса, унда У ундай эмас. Исонинг тирилишидан кейин ҳаворийлар ҳам худди шу ҳақда гапиришган. Шу нуқтаи назардан Ҳаворийлар китобининг иккинчи бобидаги ваъзнинг маъноси жуда аниқдир:

Исроил эркаклари, бу сўзларни тингланглар! Сизларнинг ўзларингиз билганингиздек, Худо, У орқали сизларнинг ораларингизда амалга оширган қудрату мўъжизалар ва

аломатлар орқали Худо гувоҳлик берган Киши, назорий Исони Худонинг азалдан тайинланган нияти ва олдиндан билишига кўра қўлингизга топширилган шу Одамни сизлар тутиб, Худонинг қонунига эга бўлмаганларнинг қўли билан хочга михлаб ўлдирдингизлар. Бироқ Худо ўлим кишанини узиб, Уни тирилтирди, чунки Уни ушлаб қолишга ўлимнинг кучи йўқ эди. Чунки Довуд У ҳақида айтяпти: “Мен Раббийни доимо ўз олдимда кўрар эдим, зеро мен тебранмаслигим учун У менинг ўнг томонимдадир. Шу сабабдан, юрагим қувониб, тилим шодланди, ҳатто танам ҳам умидворликда ором топади, чунки Сен менинг жонимни дўзахда қолдирмайсан ва Ўз муқаддасингнинг чиришни кўришига йўл қўймайсан. Сен менга ҳаёт йўлини англатдинг, мени Ўз ҳузурингда қувончга тўлдирасан”. Эркаклару биродарлар! Мен сизларга отамиз Довуд ҳақида дадиллик билан айттайинки, у ҳам ўлди, ҳам дафн этилди, унинг қабри ҳам бугунга қадар бизлардадир. У пайғамбар бўлиб ва Худо унга қасам ичиб берган ваъдаси бўйича унинг уруғидан Бўлганни унинг тахтига ўтирғизишини билиб, у Масихнинг тирилишини, Унинг жони дўзахда қолмаслигини, жасади эса чиришни кўрмаслигини олдиндан айтди. Ушбу Исони Худо тирилтирди, бунга эса биз ҳаммамиз гувоҳмиз. Шундай қилиб, У Худонинг ўнг қўли билан юксалтирилиб ва Отадан Муқаддас Руҳ ваъдасини олиб, энди сизлар кўраётган ҳамда эшитаётган нарсаларни ёғдирди. Зеро Довуд осмонга чиқмаган, лекин ўзи айтмоқда: “Раббий менинг Раббимга деди: Душманларингни оёқларинг остига пояндоз қилгунимча, Менинг ўнг томонимда

ўтиргин”. Шунинг учун, эй, бутун Исроил хонадони, қатъий билинлар: Сизлар хочга михлаган шу Исони Худо Масих ва Раббий қилиб қўйди (Хаворийлар 2:22-36).

У нима ҳақида гапирётганини тушунапсизми? Моҳият мана нимада: сизлар Исони ўлимга топширдингиз, лекин Худо Уни ҳаётга қайтарди, сабаби ўлим Уни ушлаб туролмади. Нимага? Чунки Довуд айтганидек, Худо Масихни ўлим кўришига йўл қўймади. Довуд ўзини мен Масихман деб *айта олмаган*, чунки у вафот этиб дафн қилинган ва биз унинг қабри қаердалигини биламиз. У келажакдаги Масих ҳақида гапирган. Биласизми нима? Худо Исони тирилтирди ва биз барчамиз бунга гувоҳмиз. Масихнинг тирилиши шарт бўлгани учун Исо тирилгани сабаб, *Исроилнинг хонадони билиб қўйсин, сиз хочга михлаган Исони Худо Раббий ва Масих этиб тайинлади.*

Петрус бундан ҳам аниқроқ қилиб гапира олмади. Исо тирилди, шунинг учун Ўзи айтганидек Исо – Масихдир.

## **ЭСКИ АҲД УЧУН ТИРИЛИШ НИМАНИ БИЛДИРАДИ?**

Исонинг тирилиши ва Ўзини Масих деб айтиши Муқаддас Китоб учун қандай аҳамиятга эга? Муҳим аҳамиятга эга. Эски Аҳд Масихнинг ҳоқимияти кенг қамровли, тўлиқ ва мутлақ бўлиши ҳақида ўргатади. У ҳаётнинг барча соҳаларида ҳукмронлик қилади. Лекин Унинг ҳоқимияти хусусан *Ота Худо номидан гапиришида ҳам намоён бўлади.* Бошқача қилиб айтганда, У Пайғамбар, мазкур сўзнинг тўлиқ маъносидаги Пайғамбардир. Худо Мусога ўхшаган Пайғамбарни юборишни ваъда берган: “Мен уларга биродарларининг орасидан худди сенга ўхшаган Пайғамбарни кўтараман, Ўз сўзларимни Унинг оғзига соламан ва Мен Унга

буюрган ҳамма нарсани У уларга айтади” (Қонуннинг такрорланиши 18:18). Айнан шунинг учун Исо қуйидаги сўзларни айта олган: “Ростини, сизларга ростини айтаман, агар Ўғил Отасининг нима қилаётганини кўрмаса, Ўз Ўзидан ҳеч нарса қила олмайди. Чунки Ота нима қилса, Ўғил ҳам шуни қилади” (Юҳанно 5:19). Айнан шунинг учун Юҳанно Исо ҳақида шундай деган: “Чунки Худо юборган Шахс Худонинг сўзларини сўзлайди” (Юҳанно 3:34). Масих ҳақиқий пайғамбарга айланган ҳолда Худо ким эканини ва нима гапирмоқчи бўлганини тўлиқ очиб берди.

Шунинг учун Исо – Масих, Пайғамбар ва Худонинг номидан гапириши учун мукамал кучга эга бўлган шахс Ўз хизматида Эски Аҳдга қандай мурожаат қилинганига алоҳида эътибор бериши керак. Мисол тариқасида Исо тирилгандан кейин Ўз шоғирдларига нима ҳақида гарирганини Луқо Хушхабаридида кўриш мумкин:

Исо уларга деди: “Мен ҳали сизлар билан бирга бўлганимда, Мен ҳақимда Мусонинг Қонунида, Пайғамбарлар ва Санолар китобида ёзилганларнинг барчаси бажо бўлиши керак, деб айтган эдим-ку” (Луқо 24:44).

Яҳудийлар буни кўпинча Эски Аҳд – “қонун, пайғамбарлар ва битиклар” ёки “қонун ва пайғамбарлар” учун қўллашган. Шунинг учун Исо “Мусонинг қонуни, пайғамбарлар ва Забур санолари Мен ҳақимда ёзилган ва барчаси бажо бўлиши керак”, деб айтганида (Забур Муқаддас Китобдаги энг катта битикни билдиради), У бутун Эски Аҳднинг бошидан охирига қадар ишончлилигини тасдиқлади. (Айтганча, У Эски Аҳд канонини анъанавий равишда яҳудийлар томонидан эътироф этилган 39 та китобни аниқ қилиб белгилаб қўйди.)

Аммо Исонинг Эски Аҳд ҳақидаги шаҳодати ҳатто шу билан ҳам чекланиб қолмади. Чунки Исо уни нафақат ҳоқимиятга эга деб ҳисоблаган; Исо уни Худонинг Каломи деб айтган. Матто Хушxabаридаги оятга эътибор беринг:

Фарзийлар ҳам Унга келиб, Уни васвасага солиб: – Ҳар қандай сабабга кўра эркак ўз хотинидан ажралиши мумкинми? – деб сўрадилар. У уларга жавобан деди: – Яратувчи азалдан уларни эркак ва аёл қилиб яратганини ўқимаганмисизлар? Шунинг учун инсон ота-онасини қолдириб, ўз хотинига ёпишади ва икки киши бир тана бўлади. Шунинг учун улар энди иккита эмас, балки бир танадир. Шундай қилиб, Худо қўшганини инсон ажратмасин (Матто 19:3-6).

Бу ерда фарзийлар ва Исроилнинг руҳий йўлбошчилари Исо Муқаддас Битикни қандай тушунишини сўрашган. Албатта, уларни жавоб қизиқтирмаган, чунки Уни тузоққа илантириб обрўсини пасайтиришни хоҳлашган. Уларнинг суҳбатини ўзи ҳайратланарли. Лекин мен қуйидаги сўзларни Исо қандай қилиб аниқлаганига эътибор беришингизни истайман: “Шунинг учун, инсон ота-онасини қолдириб, ўз хотинига ёпишади ва икки киши бир тана бўлади”, сўзларини айтган Зот, “Яратувчи азалдан уларни эркак ва аёл қилиб яратган” деб ҳам айтган.<sup>34</sup> Энг қизиғи, Ибтидо китобига қарасангиз,

---

34. Ўзбек таржимадаги пунктуация муаллифнинг хулосасини кўришга имкон бермайди. Инглиз ва рус тилидаги таржималарда мазкур оят шундай жаранглайди: “У жавоб берди: Ўқимаганмисизлар, уларни яратган Зот аввалдан уларни эркак ва аёл қилиб яратган ва шундай деган: “Шундай қилиб, эркак ота-онасини қолдириб, хотинига маҳкам ёпишади ва иккитаси бир тан бўлади.” Шундай қилиб, улар энди иккита эмас, балки битта танадир. Худо бирлаштирганни инсон ажратмасин.” – Таржимон эслатмаси

бу сўзлар Худо томонидан айтилганлиги кўрсатилмаган. Бу Ибтидо китобини *ёзган одамнинг* шарҳи сифатида ёзилган. Лекин ҳамма гап шунда: Исо Эски Аҳднинг Худо тўғридан-тўғри гапирмаган қисмларини ҳам *Худо гапирган сўзлар сифатида* тушунган.

Худди шуни Марк 12:36 да кўриш мумкин, Исо Довуд томонидан ёзилган Забурни мисол тариқасида келтирганида, куйидаги сўзлар билан хабардор қилади: “Довуднинг ўзи Муқаддас Рух билан деган . . .” Исо Масих Эски Аҳднинг ҳар бир сўзи бошидан охиригача Худонинг Каломи эканини, яъни биринчи сўздан тортиб охиригача ҳақиқат эканини тасдиқлаяпти. Бу Эски Аҳднинг Худо ҳақидаги таълимоти ва Исонинг сўзларига кўра Эски Аҳд тарихий эканига ишора қилади. Тўрт Хушхабарнинг турли жойларида Исо ҳар хил одамлар ва воқеалар ҳақида гапириб, уларни тарихий жиҳатдан ишончли деб ҳисоблайди: Одам Ато ва Ҳавва ҳақида, Қаън ва Ҳобил, Нух, Иброҳим, Садом ва Гамора, Исҳоқ, Ёқуб, Мусо, самовий манна, бронза илон, Довуд ва Сулаймон, Шеба маликаси, Элияҳ ва Элиша, Зарепатлик бева, Неҳеман, Ишаъё, Йермияҳ, Закариё ва ҳатто катта балиқ ютиб юборган Йонаҳ ҳақида. Исо Эски Аҳддаги барча тафсилотларга ишонган. Бу жуда муҳим аҳамиятга эга, чунки У – Масих.

Бироқ баъзида одамлар бу ҳақда шубҳа қилишади: “Исо Эски Аҳдда баъзи жойлардаги айтилган гапларни *тўғирламаганми?* Баъзи жойларни хато ва нотўғри деб ҳисобламаганми, Ўз издошларига бошқача муносабатда бўлишни буюрмаганми?” Йўқ. Тўғри, Исо “Эшитгансизлар . . . аммо Мен сизга айтаман . . .”, деган ибораларни ишлатган. Бундай ҳолатларни кўриб чиқиш учун бизда вақт йўқ (сиз батафсил изоҳни истаган яхши Муқаддас Китоб шарҳидан топишингиз мумкин), аммо бу ҳолатларнинг ҳеч бирида Исо Эски Аҳдни тўғриламагани тушуниш жуда муҳим.

Исо Эски Аҳднинг ҳақиқий маъносини бузиш истагида бўлган нотўғри, риекор ва ҳатто нияти бузуқ фарзийларга ёки ўзи учун маъносиз уринишга ҳаракат қилганларга тўсқинлик билдирган. Бу ҳеч қандай *тузатишга* кирмайди: Исо Эски Аҳдда *айтилган нарсаларни тушунтириш* учун Ўзининг шоҳлик ва пайғамбарлик ваколатидан фойдаланган, яъни исроилликларнинг ҳаётида Муқаддас Битикни ҳокимияти, обрўси ва ҳақиқатини тасдиқлаган. Исо тоғдаги машҳур ваъзни тушунтиришдан олдин шундай деган: “Мени қонун ёки пайғамбарларни бекор қилгани келган деб ўйламанглар, Мен бекор қилгани эмас, балки бажо келтиргани келганман” (Матто 5:17).

Албатта барибир герменевтикага оид масалалар, талқин қилишга оид ҳолатлар, Муқаддас Битикдаги у ёки бу жойни қандай тушуниш кераклиги, масиҳийлар ҳаётида аҳд ва амрни қандай қўллаш, ҳамда бошқа нарсалар билан боғлиқ саволлар бўлади. Бундан ташқари, Эски Аҳдда ортодоксиаллик, канонлик ва муаллифлик масалалари бўйича ноёб қарашлар бор. Мазкур мавзуларнинг барчаси масиҳий тадқиқотчиларнинг катта ва жиддий китобларида батафсил ёритилган (иловага қаранг). Муҳими бошқа. Нимага жиддий китоблар Эски Аҳд Худонинг Каломи эканини тасдиқлаш билан бошланади? Чунки тирилган Исо Масиҳ шундай деб айтган. Шунинг учун биз ҳам шунга ишонамиз.

## **ТИРИЛИШ ЯНГИ АҲД УЧУН НИМАНИ АНГЛАТАДИ?**

Янги Аҳд ҳақида нима дейиш мумкин? Очигини айтганда, Янги Аҳдда ҳаммаси оддий эмас. Исо ер юзида бўлганида Янги Аҳднинг обрўсини тасдиқлаши мумкин эди (худди Эски Аҳдни тасдиқлаганидек), аммо Янги Аҳд ҳали ёзилмаганди.

Шунга қарамай, масиҳийлик этиқоди Янги Аҳд – Худонинг Каломига ва бошқача тарздаги тирилган Исо Масиҳнинг ҳокимиятига асосланган. Тўртинчи бобда илк масиҳийлар уларга берилган китобларнинг доимо ҳокимиятига эга ва канонлиги ҳақида гапиргани эсингизда бўлса керак. Канон даражасини аниқлашни асосий мезони ҳаворийлик нуфузи ҳисобланган. Биз бундай ёндашувнинг тарихий жиҳатдан оқилона эканини таъкидладик: тўғри, баён этилган воқеалар гувоҳлар томонидан тасдиқланган китобларга ишонган маъқул.

Мерос бўлиб қолган китобларнинг ҳокимиятини тасдиқлаш мақсадида, тасдиқлашга бош бўлган илк масиҳийлар нима учун ҳаворийликни асосий ва ягона мезон қилганининг сабаби бу эмас. Асосий сабаб яна Исонинг ҳокимияти билан боғлиқдир. Юҳанно 16-бобда Исо ҳаворийларга охириги насиҳатини берган. У тирилиб осмонга кўтарилгандан кейин ҳаворийларга таълим бериш учун Муқаддас Руҳни юборишини ваъда берган. Бу чиндан ҳам ажаблантирадиган оят:

Сизларга кўп нарсаларни айтишим керак, лекин ҳозир буларни сиғдира олмайсизлар. Ҳақиқат Руҳи келганида эса, У сизларни бор ҳақиқатга етаклайди. Чунки У Ўзидан гапирмайди, лекин нимани эшитса, ўшани гапирди ва сизларга келажакни маълум қилади. У Мени улуғлайди, чунки Мендан олиб сизларга маълум қилади. Отамга тегишли бўлган ҳамма нарса Меникидир. Шунинг учун Мен, У Мендан олиб, сизларга маълум қилади, дедим (Юҳанно 16:12-15).

Исо ҳокимият занжирини қанчалик ажойиб тарзда тасвирлаган, шундай эмасми? У айтган ҳамма нарса Отадан (Исонинг башорат

қиладиган роли ҳақида яна бир бор эслайлик). Исо Отасидан келган ҳамма нарсани Муқаддас Рухга беради, Муқаддас Рух эса буни ҳаворийларга эълон қилади. Исо бу ерда ҳаворийларга кўпроқ таълимот келишини ва бу таълимот *айнан уларга* келишини айтмоқда. Энг қизиғи, ҳаворийлар ўз ёзувларида худди шу Муқаддас Рухнинг ҳокимияти ва илҳоми билан ёзаётганларини ўзлари англашган кўринади. Бир парча алоҳида муҳим ҳисобланади. Ҳаворий Петрус ўзининг иккинчи мактубида китобхонларни охиригача чидамли бўлишга чақириб шундай дейди:

Севикли биродаримиз Павлус ҳам, унга берилган донолик бўйича сизларга қандай ёзган бўлса, худди шундай, Раббимизнинг узоқ сабр-тоқатини нажот деб ҳисобланглар. Павлус бу ҳақида ҳамма мактубларида гапиради. Бу мактубларда тушуниш қийин бўлган нарсалар бор, шунинг учун жоҳил ва беқарор одамлар бошқа Ёзувларга ўхшатиб, бу мактубларни ҳам бузаяптилар. Бу эса уларни ҳалокатга олиб боради (2-Петрус 3:15-16).

Петрус Павлуснинг мактубини тушунишга ноқулай деб ҳисоблаши жуда қизиқ. Кўпинча бошқа масиҳийлар ҳам шундай деб ўйлашади! Петрус бундан ташқари, Павлус ўзининг “ҳамма мактубларида”, “унга берилган донолик” билан ёзгани ҳақида айтади. У оддий донолик ҳақида эмас, балки Исо ҳаворийларга ваъда қилган, “уларни ҳар қандай ҳақиқатга йўналтирадиган” Муқаддас Рух ҳақида гапирган. Охирида Петрус “жоҳил ва беқарор одамлар” ўз манфаатлари йўлида Павлуснинг сўзларини *бошқа Битиклар сингари* нотўғри талқин қилишади! Петрус Павлус томонидан ёзилган мактубларни Эски Аҳд сингари ҳокимиятга эга

деб ҳисоблаган. Улар, Исо Муқаддас Рух орқали бажаришни ваъда қилган нарсаларни амалга оширишди.

Ҳокимиятнинг қуйидаги тарзда узатилиши илк масиҳийлар нима учун канон деб тан олишдан олдин, ҳаворийлар томонидан келиб чиққан ҳужжатларга шу даражада эътибор берганини тушунтириб беради. Гап фақат ҳаворийлар Хушхабар воқеаларининг гувоҳи бўлганида эмас; гап Шоҳ айнан уларга жамоатни ўргатиш учун махсус ҳокимиятни берганидадир.

Тўртинчи бобда шундай хулосага келдик: Янги Аҳд китоблари ҳақиқатдан ҳам зарур бўлган ҳокимиятга эга, деб ишонч билан айтишимиз мумкин. Агар сиз тўртинчи бобни қайта ўқиб чиқмоқчи бўлсангиз, шундай қилинг. Янги Аҳд канони айнан шу китоблардан иборат бўлиши кераклигини тасдиқлайдиган кўплаб *тарихий далиллар* мавжуд. Лекин Янги Аҳддаги Исо таълимотининг аниқ тарзда масиҳий сифатида узатилиши фақат тарихий далилларга асосланмаган. У шунингдек, Муқаддас Рухнинг ҳаракати тўлиқ ҳақиқат сари етаклашига асосланган бўлиб (Юҳанно 16:13 га қаранг), Янги Аҳд канони шакланганини ҳам назарда тутаяди. Агар сиз Исонинг ўликлар ичидан тирилганига ва У бутун борлиқнинг Шоҳи эканига ишонч ҳосил қилсангиз, унда У Ўзи ваъда қилган “ҳар бир ҳақиқатни” бир китобга йиғиш учун ғамхўрлик қила олади.

Ҳамма гап шунда. Агар Исо тирилган бўлса, унда У узоқ кутилган Масиҳ, Шоҳ, Худонинг Ўғли, тўлиқ маънодаги Пайғамбар. Агар бу тўғри бўлса, унда биз Исога ва У тасдиқлаган Худонинг Каломи Эски Аҳдга қулоқ солишимиз керак. Бундан ташқари, Исо ваъда қилган барча нарсаларни тўлиқ бажарганига ишонишимиз учун асосларимиз бор: Муқаддас Рухни юборди, Исо жамоатнинг манфаатини очишни истагани учун ҳаворийларни ҳақиқат йўли сари етаклади. Шунинг учун жамоат ҳақиқатни тан олиши учун

Муқаддас Рух кўрсатма бериб, меҳнат қилганига ишонишимиз учун барча асосларимиз бор.

Масиҳий одамнинг “нима учун Муқаддас Китобга ишониш керак?” деган саволига, якуний тарзда шундай жавоб бериш мумкин: “Чунки тирилган Шоҳ Исо, Эски Аҳдни *тасдиқлаб* Янги Аҳднинг *яратилишига ҳокимият берди*”. Бу тахмин эмас. Бу энди ақл бовар қилмайдиган эътиқод ҳам эмас. Бу диққат билан ўрганиб чиқилган хулосадир:

1. Муқаддас Китоб тарихий жиҳатдан ишончли;
2. Исо ўликлар ичидан тирилган;
3. Муқаддас Китоб шу тарзда Исонинг обрўсига асосланган.

Айнан шунинг учун биз Муқаддас Китобга таянамиз.

Айнан шунинг учун биз унга ишонамиз.



## Хотима: КЕЙИНГИ САВОЛ

**Б**ошида айтиб ўтганимдек, агар сиз масиҳий бўлмасангиз бу сизни масиҳийларга ва Муқаддас Китобга нисбатан бироз бошқача тасаввурга ундаган бўлса керак деб умид қиламан. Биз масиҳийлар асоссиз ёки оддий исботланмаган тахминларга ишонмаслигимизни тушундингиз деб ўйлайман. Энди сиз ҳеч бўлмаса: “Масиҳийликда олдин эътибор бермаган нарсаларим бор экан”, деб айтарсиз.

Шу билан бирга, масиҳийликни ўрганишда тўхтамайсиз деган умиддаман. Мазкур китоб Муқаддас Китобнинг ҳақиқий эканини баҳолашингиз учун бироз ёрдам берган бўлса, унда сиз бундан ҳам муҳим бўлган ва Муқаддас Китобнинг ўзида доимо жаранглайдиган *Исо ким* деган саволга ҳам вақт ажратасиз деб ўйлайман.

У ўзи ҳақида нима деган? Нима учун бу муҳим? Тўғриси айтганда, *Муқаддас Китобнинг ишончлилиги* ҳақидаги хулоса *Исога ишониш* мумкинми деган суҳбатга етаклайди. Бу ҳақда ҳаворий Юҳаннода бошқаларга нисбатан яхшироқ ёзилган:

Бу нарсалар эса, Исонинг Масиҳ  
ва Худонинг ўғли эканлигига ишонишингиз  
учун ёзилган, токи бунга ишониб,  
Унинг номи ҳақи ҳаётга эга бўлинглар.

Юҳанно 20:31



## Илова

### Қўшимча изланишлар учун манбалар

Ушбу китобда мен, айниқса, Креиг Бломбергнинг иккита ажойиб китобига таяндим. Булар: *Хушxabарларнинг тарихий ишончлилиги ҳамда Биз ҳали ҳам Муқаддас Китобга ишонишимиз мумкинми?* китобларидир. Иккаласи ҳам ушбу масалаларга чуқурроқ ёндашиш учун жуда ажойиб манбалардир. Бундан ташқари, агар сиз ушбу китобда муҳокама қилинган масалаларни батафсил ўрганмоқчи бўсангиз, мен сизга қуйидаги фойдали манбалардан бошлашингизни тавсия қилган бўлар эдим:

#### **МУҚАДДАС КИТОБ ТАРЖИМАЛАРИ**

Бломберг, Креиг Л. *Биз ҳали ҳам Муқаддас Китобга ишонишимиз мумкинми? (Can We Still Believe the Bible? An Evangelical Engagement with Contemporary Questions)*. Grand Rapids, MI: Brazos, 2014.

Фи, Гордон Д. ва Марк Л. Страусс. *Қандай қилиб Муқаддас Китобнинг тўғри таржимасини танлаш мумкин: Муқаддас Китоб версияларини тушуниш ва улардан фойдаланиш бўйича қўлланма (How to Choose a Bible Translation for All Its Worth: A Guide to Understanding and Using Bible Versions)*. Grand Rapids, MI: Zondervan, 2007.

Уегнер, Паул Д. *Матнлардан таржималар томон саёҳат: Муқаддас Китобнинг келиб чиқиши ва шаклланиб бориши (The Journey from Texts to Translations: The Origin and Development of the Bible)*. Grand Rapids, MI: Baker Academic, 1999.

## **МУҚАДДАС КИТОБ ҚЎЛЁЗМАЛАРИНИНГ ЕТИБ КЕЛИШИ**

Бломберг, Креиг Л. *Биз ҳали ҳам Муқаддас Китобга ишонишимиз мумкинми? (Can We Still Believe the Bible? An Evangelical Engagement with Contemporary Questions)*. Grand Rapids, MI: Brazos, 2014.

Метзгер, Брюс М. *Юнонча Янги Аҳдга матнли шарҳ (A Textual Commentary on the Greek New Testament)*. 2nd ed. Stuttgart: United Bible Societies, 2012.

Уеллейс, Даниел Б. *Янги Аҳднинг Ўзгартирилишини қайта кўриб чиқиш: Қўлёмавий, патристик ва апокрифларга оид далиллар (Revisiting the Corruption of the New Testament: Manuscript, Patristic, and Apocryphal Evidence)*. Grand Rapids, MI: Kregel, 2011.

Уегнер, Паул Д. *Матнлардан таржималар томон саёҳат: Муқаддас Китобнинг келиб чиқиши ва шаклланиб бориши (The Journey from Texts to Translations: The Origin and Development of the Bible)*. Grand Rapids, MI: Baker Academic, 1999.

## **КАНОНЛАШТИРИЛИШ**

Бломберг, Креиг Л. *Биз ҳали ҳам Муқаддас Китобга ишонишимиз мумкинми? (Can We Still Believe the Bible? An Evangelical Engagement with Contemporary Questions)*. Grand Rapids, MI: Brazos, 2014.

Брюс, Ф. Ф. *Муқаддас Ёзув Канони (The Canon of Scripture)*. Downers Grove, IL: IVP Academic, 1988.

Ҳилл, С. Е. *Ким Хушxabарларни танлаган? Буюк Хушxabар фитнасини текшириб кўриш (Who Chose the Gospels? Probing the Great Gospel Conspiracy)*. Oxford: Oxford University Press, 2010.

Кругер, Майкл Ж. *Канонни қайта кўриб чиқиш: Янги Аҳд китобларининг келиб чиқиши ва ҳокимиятини белгилаш (Canon Revisited: Establishing the Origins and Authority of the New Testament Books)*. Wheaton, IL: Crossway, 2012.

Уегнер, Паул Д. *Матнлардан таржималар томон саёҳат: Муқаддас Китобнинг келиб чиқиши ва шаклланиб бориши (The Journey from Texts to Translations: The Origin and Development of the Bible)*. Grand Rapids, MI: Baker Academic, 1999.

## **КАЛОМИЙ МУАЛЛИФЛАРНИНГ ИШОНЧЛИЛИГИ**

Бломберг, Креиг Л. *Биз ҳали ҳам Муқаддас Китобга ишонишимиз мумкинми? (Can We Still Believe the Bible? An Evangelical Engagement with Contemporary Questions)*. Grand Rapids, MI: Brazos, 2014.

Бломберг, Креиг Л. *Хушxabарларнинг тарихий жиҳатдан ишончлилиги (The Historical Reliability of the Gospels)*. 2nd ed. Downers Grove, IL: IVP Academic, 2007.

Брюс, Ф. Ф. *Янги Аҳд ҳужжатлари: Улар ишончлими? (The New Testament Documents: Are They Reliable?)* 6th ed. Grand Rapids, MI: Eerdmans / Downers Grove, IL: InterVarsity Press, 2003.

Хоффмеиер, Жеймс К., ва Деннис Р. Магарй, муҳаррирлар. *Тарихий масалалар имон учун муҳими?: Муқаддас Ёзувга замонавий ва постмодерн ёндашувларга танқидий баҳо (Historical Matters Matter to Faith?: A Critical Appraisal of Modern and Postmodern Approaches to Scripture)*. Wheaton, IL: Crossway, 2012.

## **ИСОНИНГ МЎЖИЗАЛАРИ**

Бломберг, Креиг Л. *Биз ҳали ҳам Муқаддас Китобга ишонишимиз мумкинми? (Can We Still Believe the Bible? An Evangelical Engagement with Contemporary Questions)*. Grand Rapids, MI: Brazos, 2014.

Кинер, Креиг С. Мўжизалар: Янги Аҳд ҳикояларининг ишончлилиги (*Miracles: The Credibility of the New Testament Accounts*). Grand Rapids, MI: Baker Academic, 2011.

## **ИСОНИНГ ТИРИЛИШИ**

Ҳабермас, Гарй Р. ва Майкл Р. Лисона. *Исонинг тирилишига доир иш* (*The Case for the Resurrection of Jesus*). Grand Rapids, MI: Kregel, 2004.

Стробел, Лее. *Тирилишга доир иш: Биринчи аср муҳбири Хоч тарихини ўрганмоқда* (*A First-Century Reporter Investigates the Story of the Cross*). Grand Rapids, MI: Zondervan, 2009.

Райт, Н. Т. *Худо Ўғлининг тирилиши. 3-жилд - Масиҳийликнинг келиб чиқиши ва Худого доир савол.* (*The Resurrection of the Son of God. Vol. 3 of Christian Origins and the Question of God*). Minneapolis: Fortress, 2003.

## **ЕСКИ АҲД МАСАЛАЛАРИ**

Ҳоффмеиер, Жеймс К. ва Деннис Р. Магарй, муҳаррирлар. *Тарихий масалалар имон учун муҳимми?: Муқаддас Ёзувга замонавий ва постмодерн ёндашувларга танқидий баҳо* (*Historical Matters Matter to Faith?: A Critical Appraisal of Modern and Postmodern Approaches to Scripture*). Wheaton, IL: Crossway, 2012.

Лонгман, Тремпер, III, ва Раймонд Б. Диллард. *Ески Аҳдга Кириш 2-махрир* (*An Introduction to the Old Testament. 2nd ed*). Grand Rapids, MI: Zondervan, 2006.

Уегнер, Паул Д. *Матнлардан таржималар томон саёҳат: Муқаддас Китобнинг келиб чиқиши ва шаклланиб бориши* (*The Journey*

*from Texts to Translations: The Origin and Development of the Bible*). Grand Rapids, MI: Baker Academic, 1999.

## **ИЛҲОМ ВА БЕХАТОЛИК**

ДеЁнг, Кевин. *Худони Ёз Калонида қабул қилиш: Нима учун Муқаддас Китоб тушунарли, керакли ва етарли ва бу сиз ва мен учун нимани англатади (Taking God at His Word: Why the Bible Is Knowable, Necessary, and Enough, and What That Means for You and Me)*. Wheaton, IL: Crossway, 2014.

Каисер, Валтер С., Жр., Петер Ҳ. Давидс, Ф. Ф. Бруссе, ва Манфред Т. Брауч. *Муқаддас Китобдаги оғир сўзлар (Hard Sayings of the Bible)*. Downers Grove, IL: InterVarsity Press, 2010.

МакАртур, Жон, муҳаррир. *Муқаддас Битикни бузиб бўлмайди: XX асрнинг беҳатолик таълимотига оид ёзувлари. (The Scripture Cannot Be Broken: Twentieth Century Writings on the Doctrine of Inerrancy)*. Wheaton, IL: Crossway,

Паккер, Ж. И. “Фундаментализм” ва Худонинг Калони: *Хушxabарга оид баъзи тамойиллар (“Fundamentalism” and the Word of God: Some Evangelical Principles)*. Grand Rapids, MI: Eerdmans, 1958.

Спроул, Р. Ч. *Муқаддас Китобга ишонишим мумкинми? Муҳим саволлар тўплами 2 (Can I Trust the Bible? Crucial Questions Series 2)*. Lake Mary, FL: Reformation Trust, 2009.

## Муқаддас Китобга иқтибослар

<i>Қонуннинг такрофланиши</i>	24:10.....99
18:18.....131-132	24:11.....93
	24:37.....93
<i>Санолар</i>	24:39.....114
92:4.....111	24:42-43.....114
	24:44.....132
<i>Дониэл</i>	
7:13-14.....128	<i>Юҳанно</i>
	3:34.....132
<i>Матто</i>	5:19.....132
5:17.....135	16:12-15.....136
5:22.....56	16:13.....138
6:19-21.....31	20:24-25.....93
16:16.....126	20:27.....114
16:21.....127	20:30-31.....85
17:22-23.....128, 129	20:31.....141
19:3-6.....133	
20:17-19.....129	<i>Ҳаворийлар</i>
27:24.....47	2:22-36.....129-131
28:1.....99	13:13.....89
28:6.....115	15:37-41.....89
28:17.....93	
	<i>1-Петрус</i>
<i>Марк</i>	3:15.....14, 19
10:50.....35-37, 39-40	
12:36.....134	<i>2-Петрус</i>
	3:15-16.....137
<i>Луқо</i>	
1:1-4.....85	<i>1-Юҳанно</i>
1:3.....20	1:1-3.....86
3:1-2.....86-87	

## Тўплам ҳақида

**9** Белгилар (9Marks) китоблар тўплами иккита асосий ғояга асосланади. Биринчидан, масиҳийлар ҳаётида маҳаллий жамоат бугунги кунда кўпгина масиҳийлар тасаввур қилганидан кўра анча муҳимроқдир. Биз 9Белгилар жамоасида ишонамизки, соғлом масиҳий бу соғлом жамоат аъзосидир.

Иккинчидан, маҳаллий жамоатлар ўз ҳаётларини Худо Каломни атрофида қуришганда ҳаётда ва қувватда ўсишади. Худо гапиради. Жамоатлар Уни тинглаши ва Унга эргашиши керак. Бу жуда оддий. Жамоат тинглаб, эргашганда, у эргашаётган Шахсга ўхшашни бошлайди. У Унинг севгиси ва муқаддаслигини акс эттиради. У Унинг улуғворлигини намоён этади. Жамоат Унга қулоқ солгани сари, Унга ўхшаб боради.

Шу нуқтаи назардан, Марк Девернинг *Соғлом жамоатнинг тўққизта белгиси* [Nine Marks of a Healthy Church] номли китобидан олинган “9Белгилар”нинг ҳаммаси Калом билан бошланишини пайқашингиз мумкин:

1. Экспозицион ваъз
2. Хушxabар таълимоти (доктринаси)
3. Юқоридан туғилиш ва хушxabарчиликка доир Каломий тушунча
4. Каломга мос жамоат аъзолиги
5. Каломга мос жамоатдаги тартиб-интизом
6. Шогирдлик ва ўсиш борасида Каломий қараш
7. Каломга мос жамоат етакчилиги
8. Ибодат амалиётига доир Каломий тушунча
9. Элчилик хизматига доир Каломий тушунча

Жамоатлар соғлом бўлиши учун нима қилиши кераклигига доир бундан кўпроқ нарсаларни айтиш мумкин. Лекин, ушбу тўққизта амаллар, бизнинг назаримизда, энг эътибордан четда қолаётган амаллардир. Шундай қилиб, жамоатларга бизнинг асосий хабаримиз, энг яхши бизнес амалиётлари ёки энг янги услубларга қараманг; Худого қаранг. Худонинг Каломига яна қулоқ солишдан бошланг.

Ушбу барча лойиҳадан, 9Белгилар номли китоблар тўплами ажралиб туради. Ушбу жилдлар тўққизта белгиларни чуқурроқ, ҳар хил томонлардан ўрганиш учун мўлжалланган. Баъзилари чўпонлар учун. Баъзилари жамоат аъзолари учун. Умид қиламанки, буларнинг барчаси Муқаддас Китобни синчковлик билан ўрганиш, илоҳий мулоҳазалар, маданий мулоҳазалар, корпоратив қўллаш ва ҳатто бир оз шахсий насиҳатларни ўзига бирлаштиради. Энг яхши масиҳийча китоблар ҳар доим, ҳам теологик, ҳам амалий бўлади.

Худо ушбу жилд ҳамда бошқа китобларни Ўз келини, яъни жамоатни Ўзининг келиш куни учун порлоқ ва улуғвор қилиб тайёрлаш мақсадида ишлатади, деб ибодат қиламиз.

## **9БЕЛГИЛАР ХИЗМАТИНИНГ БОШҚА КИТОБЛАРИ**

Оғир жойларда Жамоат: Маҳаллий жамоат қандай қилиб камбағал ва муҳтожларга ҳаёт олиб келади, (Church in Hard Places: How the Local Church Brings Life to the Poor and Needy), Mez McConnell and Mike McKinley (2016)

Ўқимли жамоа: Худонинг қудрати жамоатни жозибадор қиладиган жой (The Compelling Community: Where God's Power Makes a Church Attractive), Mark Dever and Jamie Dunlop (2015)

Чўпон ва консултация: Муҳтожликдаги аъзоларга чўпонлик қилиш асослари (The Pastor and Counseling: The Basics of Shepherding Members in Need), Jeremy Pierre and Deepak Reju (2015)

Исо ким? (Who is Jesus?), Greg Gilbert (2015)

Соғлом жамоатнинг тўққизта белгилари, учинчи таҳрир (Nine Marks of a Healthy Church, 3rd edition), Mark Dever (2013)

Садоқатли оқсоқоллар ва диаконларни топиш (Finding Faithful Elders and Deacons), Thabiti M. Anyabwile (2012)

Мен ҳақиқатдан ҳам масиҳийманми? (Am I Really a Christian?), Mike McKinley (2011)

Хушхабар нима? (What Is the Gospel?), Greg Gilbert (2010)

Жамоатнинг ҳаётида Каломий теология: Хизмат учун қўлланма (Biblical Theology in the Life of the Church: A Guide for Ministry), Michael Lawrence (2010)

Жамоатларга асос солиш ожиз инсонлар учун: Худо ғайритабиий нарсаларни қиладиган оддий жамоатларга асос солиш учун тартибсиз одамлардан қандай фойдаланади (Church Planting Is for Wimps: How God Uses Messed-up People to Plant Ordinary Churches That Do Extraordinary Things), Mike McKinley (2010)

Бу яхши: Бадал тўлови ҳақида экспозицион ваъзлар (It Is Well: Expositions on Substitutionary Atonement), Mark Dever and Michael Lawrence (2010)

Худо биздан нима хоҳлайди? Бутун Муқаддас Китоб бўйича қисқача хулоса (What Does God Want of Us Anyway? A Quick Overview of the Whole Bible), Mark Dever (2010)

Жамоат ва Худо севгисининг ҳайратланарли ҳақоратланиши: Жамоат аъзолиги ва интизоми таълимотларини қайта жорий этилиши (The Church and the Surprising Offense of God's Love: Reintroducing the Doctrines of Church Membership and Discipline), Jonathan Leeman (2010)

Соғлом жамоат аъзоси нимани англатади? (What Is a Healthy Church Member?), Thabiti M. Anyabwile (2008)

Жамоатлар дуч келадиган 12 чақириқлар (12 Challenges Churches Face), Mark Dever (2008)

Хушxabар ва шахший хушxabарчилик (The Gospel and Personal Evangelism), Mark Dever (2007)

Соғлом жамоат нима? (What Is a Healthy Church?), Mark Dever (2007)

## **СОҒЛОМ ЖАМОАТЛАР БАРПО ЭТИШ КИТОБЛАРИ (BUILDING HEALTHY CHURCHES)**

**Марк Девер ва Жонатан Лиман томонидан тахрирланган**

Жамоатдаги тартиб-интизом: Жамоат қай тарзда Исонинг номини ҳимоя қилади (Church Discipline: How the Church Protects the Name of Jesus), Jonathan Leeman (2012)

Жамоат оқсоқоллари: Худонинг халқига қай тарзда Исо каби чўпонлик қилиш мумкин (Church Elders: How to Shepherd God's People Like Jesus), Jeramie Rinne (2014)

Жамоат аъзолиги: Исонинг ердаги вакиллари кимлар эканлигини дунё қандай билади? (Church Membership: How the World Knows Who Represents Jesus), Jonathan Leeman (2012)

Хушxabарчилик: Қай тарзда бутун жамоат Исо ҳақида гапиради (Evangelism: How the Whole Church Speaks of Jesus), J. Mack Stiles (2014)

Экспозицион ваъз айтиш: Бугун биз Худонинг Каломини қандай гапираимиз? (Expositional Preaching: How We Speak God's Word Today), David R. Helm (2014)

Хушxabар: Жамоат қай тарзда Масихнинг чиройини намоён эта олади (The Gospel: How the Church Portrays the Beauty of Christ), Ray Ortlund, (2014)

Соғлом таълимот: Жамоат қай тарзда Худонинг севгиси ва муқаддаслигида ўсади (Sound Doctrine: How a Church Grows in the Love and Holiness of God), Bobby Jamieson (2013)



# 9 Белгилар

СОҒЛОМ ЖАМОАТЛАР ҚУРИШ

## Сизнинг Жамоатингиз Соғломми?

*9Маркс (9Белгилар) хизмати Худонинг улуғворлигини соғлом жамоатлар орқали халқларга намоён этиш учун жамоат етакчиларини Каломий қараш ва амалий ресурслар билан қуроллантириш мақсадида фаолият кўрсатади.*

Шу мақсадда биз жамоатларга кўпинча эътибордан четда қоладиган тўққизта соғлом жамоат белгисига ёрдам беришни хоҳлаймиз:

1. Эхпосицион ваъз
2. Хушхабар таълимоти (доктринаси)
3. Юқоридан туғилиш ва хушхабарчиликка доир Каломий тушунча
4. Каломга мос жамоат аъзолиги
5. Каломга мос жамоатдаги тартиб-интизом
6. Шогирдлик ва ўсиш борасида Каломий қараш
7. Каломга мос жамоат етакчилиги
8. Ибодат амалиётига доир Каломий тушунча
9. Элчилик хизматига доир Каломий тушунча

9Маркс (9Белгилар)да биз мақолалар, китоблар, китобларга тақризлар ва онлайн журналлар ёзамиз. Биз жамоатлар Худонинг улуғворлигини намоён этишлари учун уларни қуроллантириш мақсадида конференцияларга мезбонлик қиламиз, суҳбатлар ёзиб оламиз ва бошқа ҳар хил ресурсларни тайёрлаймиз.

**40дан ортиқ тиллардаги** контент учун бизнинг веб саҳифамизга ташриф буюринг ва бизнинг бепул онлайн журналимизни қабул қилиш учун рўйхатдан ўтинг. Бизнинг бошқа тиллардаги веб саҳифаларимизнинг тўлиқ рўйхатини қуйидаги ҳавола орқали кўришингиз мумкин:

<https://www.9marks.org/international>

**uz.9marks.org**

# Худо Каломининг ҳаққонийлигини ҳимоя қилишни ўрганинг

“Гилберт Муқаддас Китобнинг ишончлигини қўллаб-қувватловчи рад қилиб бўлмайдиган далилларни илгари сурмоқда ва бу орқали скептик дунё билан ишлаш учун имонлиларни муҳим восита билан қуроллантирмоқда.”

**Жош МакДоуел**, муаллиф ҳамда маърузачи

“Гилберт нима учун Муқаддас Ёзувга ишона олишимизни оддий тилда тушунтириб берапти ва унда ҳаёт ҳақида нима дейилганига урғу берапти.”

**Даррелл Л. Бок**, Ҳовард Г. Ҳендрикс Маркази Маданий алоқалар ижрочи директори ва Даллас Теология Семинариясида Янги Аҳдни ўрганиш бўйича катта тадқиқотчи профессор.

“Яхши ўрганилган ва тушунарли тарзда ёзилган, бу менинг астойдил изланувчилар ва янги имонлилар учун янги манбалардан бири бўлади.”

**Ж. Д. Грееар**, Шимолий Калорина, Дурҳамдаги, Саммит жамоатида етакчи Чўпон.

“Нега Муқаддас Китобга ишониш керак?” китоби бу масиҳийларни Муқаддас Китобни иштиёқ билан ҳимоя қилиш мақсадида қуроллантириш учун ажойиб манбадир, шунингдек, у скептикларни ўз позицияларини қайта кўриб чиқишга чақиради.”

**Кристиан Вегерт**, Арче Гемеинде, Гамбург, Германияда катта чўпон.

**Грег Гилберт** (МДив, Жанубий Баптист Теология Семинарияси; БА, Ял университети) Кентукки штатининг Луисвилл шаҳридаги Учинчи авеню Баптист Жамоатининг катта чўпони. У “Хушхабар нима? ва “Исо ким?” китобларининг муаллифи ҳамда Кевин ДеЎунг билан бирга “Жамоатнинг вазифаси нима?” китобининг ҳаммуаллифи.